

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқи
УДК: 336.2: (575.1)

ЖУМАЕВ ШУХРАТ

ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ОИД СОЛИҚ
МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий
даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д. (DSc),. Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Тошкент шаҳри-2022 йил

Кириш	3
1 БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ОИД СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	13
1.1. § Йирик солиқ тўловчиларнинг моҳияти, гуруҳланиши ва аниқлаш мезонлари	13
1.2. § Йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортишнинг назарий асослари	28
1-боб бўйича хулосалар	39
2 БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ТАҲЛИЛИ	42
2.1. § Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш маъмурчилигининг шаклланиши	42
2.2. § Йирик солиқ тўловчиларнинг бюджет-солиқ тизимидаги фискал хусусиятлари таҳлили	56
2.3. § Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги ва унинг самарадорлиги таҳлили	70
2-боб бўйича хулосалар	90
3 БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ КОРХОНАЛАРГА НИСБАТАН СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	93
3.1. § Солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга ошириш хориж тажрибаси ва унинг қиёсий таҳлили	93
3.2. § Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва тартиблашда солиқ маъмурчилигининг таъсирчанлигини ошириш йўналишлари ..	105
3-боб бўйича хулосалар	121
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	124
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	128
ИЛОВА	139

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланаётган ва ўтиш даврини кечираётган мамлакатлар тажрибаси йирик солиқ тўловчиларнинг қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш маълум хавфларни бартараф этиб, солиқ қонунчилигини ошириш ва солиқ маъмурчилигининг янада самарали бўлишини таъминлашини кўрсатмоқда. “Пандемия муносабати билан кўплаб мамлакатлар солиқ йиғиш эрозиясини бошдан кечирмоқда, бу иқтисодий фаолиятнинг пасайиши ва солиққа риоя қилишнинг мумкин бўлган ёмонлашувини акс эттиради. Аксарият солиқ маъмуриятлари солиқ тўловчилар билан деярли юзма-юз алоқа ўрнатмай, масофадан ишлашга ўтишга мажбур бўлди”¹. Бугунги кунда йирик солиқ тўловчи мажбуриятларини баҳолаш, солиқ маъмуриятчилигининг асосий функцияларига янги ахборотлаштирилган тизимларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, йирик солиқ тўловчилар фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш, йирик солиқ тўловчиларга аудит ва солиқ назоратини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини тўлиқ бажариш, назорат функцияларини тармоқлар бўйича тузилмалаш, қоидаларга биргаликда риоя этиш тамойилини амалга ошириш, солиқ тўлашдан бўйин товлашни тўхтатишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш масалаларининг долзарблиги уларнинг етарлича назарий ва норматив жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва замонавий иқтисодий шароитда юқори амалий аҳамияти бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

¹ IMF Working Paper. Fiscal Affairs Department. Raising Tax Revenue: How to Get More from Tax Administrations? Prepared by Eui Soon Chang, Elizabeth Gavin, Nikolay Gueorguiev, and Jiro Honda. Authorized for distribution by Nikolay Gueorguiev and Katherine Baer. July 2020.

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, йирик солиқ тўловчилар фаолиятини ташкил этиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиш керак. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт²” эканлиги белгилаб берилди. Мазкур вазифани самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг қўлланли усулларини қўллаш, давлат бюджетлари учун интеграциялашган ахборот муҳитини яратиш учун замонавий рақамли технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. - <https://uza.uz/posts/58047>

тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон “Солиқ конунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтган 3172-сонли “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий масалалар австралиялик иқтисодчи олимлар Z.Akhand ва P.Grob, россиялик олимлар А.С.Каратаев, А.Н.Федоров, Т.Ш.Камалнев, С.Г.Пепеляев, Г.С.Айтхожина, М.В.Белугина, Л.А.Струкова, К.В.Новосёлов, Е.В.Егорова, Е.В.Чипуренко, А.М.Васильев, Е.С.Смирнов, И.А.Майбуров,³ шунингдек, ўзбекистонлик

³ Akhand Z. Understanding the effects of coercive and persuasive tax compliance tools on large corporate taxpayers [online] // Journal of Australian Taxation. 2014. Vol. 16, No. 2. P. 206– 258. А.С.Каратаев Концепция налогового крупнейших налогоплательщиков и методология его оценки. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. – Йошкар-Ола, 2011. Федоров А.Н. Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. – Нижний Новгород, 2010. Камалнев Т.Ш. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. – Москва, 2009. Пепеляев С. Структура налоговой службы: время исправлять ситуацию. // Экономика и жизнь, 2004. № 12. Актуальные проблемы законодательства и право при менительной практики налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. // Правовые проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. – М.: ВолтерсКлувер, 2006. Айтхожина Г.С. Особенности планирования выездных налоговых проверок крупнейших налогоплательщиков. // Вестник Омского университета. Серия: Экономика. 2011. № 1. – С. 190-192. Белугина М.В. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков: проблемы, пути совершенствования. // Инновационное развитие экономики, 2015. № 5 (29). – С. 27-30.; Струкова Л.А.

иктисодчилар М.Қ.Пардаев, О.О.Олимжонов, Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев, Ш.А.Тошматов, Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Хайдаров, А.С.Жўраев, Н.Х.Жумаев, Н.Г.Каримов, У.В.Гафуров, Н.Р.Қўзиева, Б. Э.Тошмуродова, З.Н.Қурбонов, Б.Р.Санакулова, К.Р.Ҳотамов, С.К.Худойкулов, Н.Б.Ашурова, Ж.Ж.Урмонов, И.М.Ниязметов, О.Т.Юлдашев, У.Х.Нормурзаев ва бошқаларнинг⁴ илмий ишларида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича назарий ва методологик асосларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган. Бироқ мазкур тадқиқотларда йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва улар таҳлилининг комплекс тарзда ўрганилмаганлиги мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. // Actualscience. 2016. Т. 2, № 11. – С. 269–271.; Новосёлов К.В. Консолидированные группы налогоплательщиков. Кто они? // Налоговая политика и практика, 2012. № 1. – С. 34-39.; Егорова Е.В. Налоговый анализ в организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – М., 2015. – 31 с.; Чипуренко Е.В. Методология налогового анализа оценки влияния системы налогообложения деятельность коммерческих организаций. Автореферат д.э.н. – М., 2011. - 52 с.; Васильев А.М. Налоговый анализ в системе прогнозирования и планирования налогообложения на микроуровне. Автореферат к.э.н. – Орел, 2012. – 33 с.; Смирнов Е.С. Налоговый анализ финансовых результатов коммерческой организации. Автореферат дисс. к.э.н. – Орел, 2013. - 30 с.; Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. – М., 2011. - 558 с.

⁴ Пардаев М.Қ. ва бошқ. Иктисодий таҳлил назарияси. – Т.: Сано-стандарт, 2014. - 336 б.; Олимжонов О.О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи. Солиқ тўловчи журнали, 2006. №6; Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари. Диссертация и.ф.д. – Самарқанд, 2006. - 272 б.; Гадоев Э.Ф. ва бошқ. Билвосита солиқлар: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи. – Т.: Norma, 2011. – 327 б.; Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004. - 160 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009. - 556 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. – Т., 2008. - 37 б.; Каримов Н.Г. Инвестиция фондларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 2018 йил. 4-сон, июль-август; Юлдашев О.Т. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. диссертацияси. – Т., 2011. - 22 б.; Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис. ... и.ф.д. – Т.; БМА, 2008. - 272 б.; Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Дис. ... и.ф.д. – Т., 2016. - 260 б.; Ҳотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Диссертация и.ф.д. – Т., 2016. - 136 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2017. - 96 б.; Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2019. - 77 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси. – Т., 2018. - 247 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалари: Монография. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2018. - 240 б.; Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: Молия, 2016. 192 б.; Нормурзаев У.Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Дисс. автореферати. – Т., 2022. - 22 б.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш асосида солиқ механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиқ тизимида солиқ тўловчиларни мезонлар асосида гуруҳлаш ва унинг илмий асосларини кўрсатиб бериш;

солиқ тўловчиларни кичик, ўрта ва йирик солиқ тўловчиларга ажратишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

йирик солиқ тўловчиларга оид илмий назарий тадқиқотларни тадқиқ этиш ва уларга оид муаллифлик ёндашувларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигининг шаклланиш жараёнини кўрсатиб бериш;

йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга оширишнинг хориж тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги механизмларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган йирик солиқ тўловчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ муносабатларидан фойдаланиш бўйича юзага келувчи иқтисодий-молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диалектик ёндашув, таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, рейтинг баҳолаш, статистик ва математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси таркибида қўшимча равишда “Хавфни ва трансферт нархларини таҳлил қилиш бўлими”, “Қўшилган қиймат солиғи маъмурчилиги бўлими” ва “Акциз солиғи назорати шуъбаси”ни ташкил этиш орқали йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги самарадорлигини таъминлаш таклифи асосланган;

йирик корхоналар тоифасига киритишда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича олинадиган миқдор даражасининг 200 миллиард сўмдан юқори бўлиши, мазкур мезонга мувофиқ келмай қолган ҳолатда йирик солиқ тўловчи тоифасида қолдириш муддатини бир йил қилиб белгилаш таклифи ишлаб чиқилган;

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Uzbekistan Airways” АЖ мисолида товарларни импорт қилиш ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартибини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган;

фойда солиғи тўлиқлигича республика бюджетига йўналтириладиган тижорат банклари ҳамда йирик солиқ тўловчилар рўйхати ҳамда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумларни ҳудудлар кесимида эътиборга олиш орқали йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўта йирик солиқ тўловчи тоифасига кирадиган солиқ тўловчилардан олинадиган фойда солиғи суммасининг режадан оширилган қисмини тўлалигича давлат бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш, солиқ тўловчилар манфаатларини уйғунлаштириш, шу орқали бюджетлар даромад манбалари кўпайтириш мақсадида ҳудудларда қолдириши асосланган;

йирик солиқ тўловчилар категориясига берилган илмий таъриф танқидий жиҳатдан такомиллаштирилиб, “Йирик солиқ тўловчилар деганда, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича солиқ тўлаш мажбуриятлари, уларнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, уларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, расмий тасдиқланган мезонларга мос келувчи солиқ тўловчилар тушунилади” мазмунидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

йирик солиқ тўловчилар томонидан ишлаб чиқариладиган нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товар ва хизматларга доир суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган товар айланмаси экспорт таркибидан чиқариш лозимлиги асосланган;

давлат улуши мавжуд барча юридик шахсларнинг ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар муассислигида тузилган юридик шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда мазкур платформадан ҳамкорликда фойдаланиш орқали дивидендлар ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни ҳисоблаш ва ундириш юзасидан ўзаро ахборот алмашиш тизимини жорий қилиш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ

механизмини такомиллаштиришга оид назарий-методологик илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикада фаолият юритаётган йирик солиқ тўловчилар юзасидан давлат солиқ хизмати органлари ходимларига методик қўлланма сифатида ҳамда юридик шахслар томонидан фойдаланаётган солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва унинг механизмини такомиллаштириш бўйича дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

худудлараро давлат солиқ инспекциясининг таркибида қўшимча равишда “Хавфни ва трансферт нархларини таҳлил қилиш бўлими”, “Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бўлими” ва “Акциз солиғи назорати шубҳаси”ни ташкил этиш орқали йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги самарадорлигини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 18/1-76496-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида худудлараро давлат солиқ инспекцияларининг йирик солиқ тўловчилар билан иш фаолияти такомиллашиб, йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги самарадорлиги ошишига имкон яратган;

йирик корхоналар тоифасига киритишда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича олинадиган миқдор даражаси 200 миллиард сўмдан юқори бўлиши,

мазкур мезонга мувофиқ келмай қолган ҳолатда йирик солиқ тўловчи тоифасида қолдириш муддатини бир йил қилиб белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтган 3172-сонли “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом”да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 18/1-76496-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларни йирик корхоналар тоифасига киритиш тартиби такомиллашиб, йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги самарадорлиги ошишига имкон яратган;

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Uzbekistan Airways” АЖ мисолида товарларни импорт қилиш ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарорининг 17-бандида тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 18/1-07032 -сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида йирик корхоналар ўртасида товарларни импорт қилиш ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби такомиллашиб, йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги самарадорлиги ошишига имкон яратган;

фойда солиғи тўлиқлигича республика бюджетига йўналтириладиган тижорат банклари ҳамда йирик солиқ тўловчилар рўйхати ҳамда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумларни ҳудудлар кесимида эътиборга олиш орқали йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021

йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўз аксини топган (Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 1 февралдаги 18/1-07032-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фойда солиғи тўлиқлигича республика бюджетига йўналтириладиган 33 та тижорат банклари ҳамда 78 та йирик солиқ тўловчилар рўйхати ҳамда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар ҳудудлар кесимида эътиборга олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш, жумладан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та, шундан, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

1-БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ОИД СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Йирик солиқ тўловчиларнинг моҳияти, гуруҳланиши ва аниқлаш мезонлари

Ортодоксал назарияларга кўра тадбиркорлик субъектларнинг мазмун моҳияти, уларнинг хусусиятлари ҳамда бозордаги ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг маълум бир мезонларга кўра гуруҳланиш амалга оширилади. Бундай гуруҳланишлар таркибига кичик корхоналар, микрофирмалар, якка тадбиркорлик субъектлари, ўрта корхоналар, йирик корхоналар, трансмиллий компаниялар, табиий монополия корхоналари ва шу кабилар. Корхоналарни бундай гуруҳларга ажратилиши ёки номланиши уларнинг кўлами асос қилиб олинади. Кўламийлик мезони эса турли давлатларда турлича ва уларни давлат томонидан бошқарилиши ҳам ҳар хил ёндашувлар мавжуд бўлади. Жаҳон амалиётида иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ёки даромад манбаига эга бўлганларга жамият манфаатлари учун солиқ мажбуриятлари юклатилади. Бу кабилар зиммасига солиқ мажбуриятларининг юклатилиши эса уларга оид солиқ сиёсатининг ўзига хос йўналишлари ҳам юзага келади.

Солиқларни ундириш жараёни кўплаб муносабатларни келтириб чиқаради. Солиқлар иқтисодий муносабатлардан ташқари социал, психологик, ҳуқуқий, ташқи иқтисодий ва ҳатто сиёсий муносабатларни қамраб олади. Солиқлар билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар, аввало, солиқ тўловчилар ва бюджет тизимига кирувчи бюджетлар ўртасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш билан боғлиқ ўзаро муносабатларни қамраб олади. Бу жараёнда эса икки томон юзага келади. Бири бюджет манфаатларини кўзлаган ҳолда уни ундириш билан бевосита шуғулланувчи ҳамда ушбу жараёнда хизмат қилувчи давлатнинг ваколатли органлари, бошқаси эса солиқ тўловчилар сифатида иштирок этади. Солиқ субъектларида асосий томон солиқ тўловчилар ҳисобланади. Чунки солиқ тўловчилар солиқларни жорий этиш объекти бўлиб, солиқ тўловчилар мавжуд бўлган тақдирдагина солиқ объекти пайдо бўлади ва солиқ элементларини қўллаш имконияти туғилади.

Йирик солиқ тўловчиларнинг моҳиятини аниқлаш учун фикримизча, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий-иқтисодий ва социал хусусиятларини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Солиқ тўловчиларнинг гуруҳланиши.⁵

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, солиқ тўловчилар солиқ муносабатларини келтириб чиқарувчи муҳим звеноси ҳисобланади. Солиқ тўловчи тушунчаси эса, солиқ мажбурияти билан узвий боғланади. Солиқ тўловчиларни гуруҳлашда юридик ва жисмоний шахсларга ажратилиши билан бир қаторда солиқ тўловчиларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига ҳам боғлиқ бўлади. Солиқ тўловчилар ҳуқуқий мақоми жиҳатидан юридик шахслар,

⁵ Расм муаллиф томонидан тузилган.

жисмоний шахслар, ноtijорат ташкилотлари, доимий муассаса, якка тартибдаги тадбиркорлар, резидент ва норезидентларга ажратилади. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар Солиқ кодексининг 32-моддаси ва фуқаролик Кодексининг 39-моддасига кўра ўз мулкида, хўжалик юрителишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Шунингдек, юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. Шу билан биргаликда юридик шахслар жумласига чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти ва Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилотлари ҳам киритилади. Ноtijорат ташкилотлари деганда фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилиб, уларга бюджет ташкилотлари, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро нодавлат ноtijорат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар киради.

Солиқ қонунчилигига кўра юридик шахслар сифатида: Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар (Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари); чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига эга бўлган чет эл юридик шахслари (шу жумладан, компаниялар ва бошқа корпоратив тузилмалар); халқаро ташкилотлар тан олинади. Юридик шахснинг ҳудудий жиҳатдан алоҳида бўлган, турган ери бўйича доимий иш жойлари жиҳозланган ҳар қандай бўлинмаси Ўзбекистон

Республикаси юридик шахсининг алоҳида бўлинмасидир. Юридик шахсининг алоҳида бўлинмасини эътироф этиш, унга қандай ваколатлар берилганлигидан ва унинг ташкил этилиши бўйича юридик шахсининг таъсис ҳужжатларида ёки бошқа ташкилий-бошқарув ҳужжатларида акс эттирилганлиги ёки акс эттирилмаганлигидан қатъий назар амалга оширилади. Агар иш жойи бир ойдан ортиқ муддатга яратилган бўлса, у доимий ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси юридик шахси алоҳида бўлинмасининг жойлашган ери ушбу юридик шахс мазкур алоҳида бўлинма орқали фаолият олиб борадиган жойдир.

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан, фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида бир юз саксон уч календарь кунидан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳам эътироф этилади. “Доимий муассаса” тушунчаси фақат солиқ соҳасидаги мақомни аниқлаш учун қўлланилиб, у ҳуқуқий жиҳатдан ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланмайди. Яъни у солиқ солиш объектларини ҳам ўзида акс эттиради.


Солиқ солиш мақсадларида чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасидаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётган бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчиларнинг кейинги гуруҳи жисмоний шахслар сифатида юзага чиқади. Жисмоний шахслар деганда эса Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Ушбу гуруҳга кирувчи солиқ тўловчилар тоифасига яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам кириб, уларга тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда,

ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахслар киради.

Шу билан биргаликда солиқ тўловчилар гуруҳлаганда уларнинг юзага келиши, солиқ тўлашни амалга ошириши ҳамда солиқ тўловчилар бўйича солиқ потенциални аниқлаш мақсадида реал ва потенциал солиқ тўловчиларга, солиқ тўловчиларнинг солиқлар тўлаш ҳолати юзасидан рўйхатдан ўтган солиқ тўловчилар, фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчилар, фаолиятини тўхтатган солиқ тўловчилар ҳамда солиқ мажбуриятлари тугаган(бошланган) солиқ тўловчиларга ажратилади. Реал солиқ тўловчилар бу амалда фаолият кўрсатиб турган ва солиқ тўлаш мажбуриятини амалда бажараётган солиқ тўловчилар тушунилса, потенциал солиқ тўловчилар эса яқин келажакда солиқ тўловчилар сифатида юзага келиши кутилаётган (солиқ имтиёзи даври тугайдиган солиқ тўловчилар, лаёқатли ёшга тўлиб меҳнат бозорига кирадиган жисмоний шахслар, янгидан ташкил этиладиган солиқ тўловчилар ва ш.) солиқ тўловчилар назарда тутилади. Солиқ тўловчиларни бундай тартибда гуруҳлаш эса солиқ тизимида солиқ тизимининг самарадорлигини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Қуйида 2-расмда келтирилганидек, Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ тўловчилар мақомига эга бўлган субъектларни солиқ тўлаш тартибига, ташкилий тузилмасига, солиқ тўлаш мақомига, солиққа тортилишига, солиқ тўлаш имкониятига кўра гуруҳлаш мумкин. Бундай гуруҳланиш солиқ тўловчиларни солиққа тортишда, уларга нисбатан солиқларнинг адолатлилик тамойилини қўллашда, бюджетга солиқ тушумларини чамалашда катта аҳамиятга эга бўлади.



2-расм. Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ тўловчиларнинг гуруҳланиши⁶

⁶ Расм муаллиф томонидан тузилган.

Солиқ тўловчиларни маълум бир мезонларга ажратиш солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчилигини ташкил этиш йўналишларини аниқлашга хизмат қилади. Масалан олайлик 1997 йилдан бошлаб кичик бизнес субъектларини миллий иқтисодиётдаги ролини ошириш мақсадида республикамізда уларни солиққа тортишнинг алоҳида тартиби, яъни соддалаштирилган солиққа тортиш тизими қўлланиб келинди. Унга кўра бу каби корхоналарга солиқ имтиёзлари ва преференциялар қўллаш мақсадида бир неча солиқлар ўрнига битта ягона солиқ тўлаш имконияти ва соддалаштирилган тартибни ёки умумбелгиланган тартибни қўллашнинг ихтиёрийлиги берилган эди. Солиқ тўловчиларни бундай гуруҳлаш бир томондан солиқ тўловчиларни солиққа тортишда алоҳида ёндашув орқали уларни рағбатлантириш бўлса, бошқа томондан уларга нисбатан алоҳида солиқ маъмурчилигини қўллаш асосида солиққа тортиш тизими тартибга солиб борилади.

Солиқ тўловчиларни солиқ тўлаш мақомига кўра, консолидациялашган гуруҳга кирувчи солиқ тўловчилар, контраген гуруҳлар ва йирик солиқ тўловчилар қаторига киритиш мумкин. Бундан ташқари донор солиқ тўловчилар гуруҳи ва йирик солиқ тўловчиларни фарқлаш керак бўлади. Донор солиқ тўловчилар ўз имкониятларига кўра, уларга юклатилган солиқ мажбуриятларини бажариш доирасида катта миқдордаги солиқ тўловларини тўлаш орқали тегишли бюджетга солиқ тўловлари бўйича бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан кескин ажралиб туриши орқали улар “донор” мақомини олади. Бундай солиқ тўловчилар кўпинча, йирик солиқ тўловчилар тоифасига ҳам киради. Масалан, бундай солиқ тўловчилар қаторига “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “ЎЗБАТ” АЖ ҚК, “Лукоил” “Ўзавто Моторс” АЖ, “Ўзбектелеком” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ кабиларни киритиш мумкин.



3-расм. Йирик солиқ тўловчи корхоналарнинг иқтисодий-ижтимоий мақоми⁷

3-расмда келтирилганидек, йирик солиқ тўловчи корхоналарнинг иқтисодий-ижтимоий мақомини белгиловчи бир қатор элементларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Йирик солиқ тўловчиларга хос хусусиятлардан бири уларнинг аксарияти йирик ва табиий монопол мавқега эга бўлган корхоналар ҳисобланади. Уларнинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми бошқа солиқ тўловчиларга анчайин катта миқдорни ташкил қилади. Бу каби корхоналар миллий иқтисодиётда ялпи маҳсулотни яратишда, турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шаклланишида, аҳолини банд қилишда катта ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий мақомга эгадир.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида йирик солиқ тўловчи мақомига эга бўлган корхоналар мавжуд бўлган. Аммо, 2017 йилгача бўлган солиқ маъмурчилигида уларни алоҳида мақом сифатида ажратган ҳолда уларга нисбатан мансуб солиқ маъмурчилиги шакллантирилмаган. Шу ўринда

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

таъкидлаш керакки, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни солиққа тортиш ҳақида гап кетганда улар билан боғлиқ солиқ менежменти ва солиқ маъмурчилигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Солиқ тизими нормал ҳолатда амал қилиши учун бу жараёни ташкил қилиш, уни бошқаришнинг механизмларини яратиш, солиқларни бюджетга жалб қилиш ва уларни ундириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бартараф этиш, давлатнинг жорий этилган солиқларни ундириш борасидаги фаолиятининг функционал хусусиятларини аниқлаш, солиқ тўловчиларга нисбатан муносабатларнинг умумий ва аниқ ёндашувларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу жараёнда бошқарув тамойилларини ишлаб чиқиш, солиқ тўловчиларнинг маданияти, уларнинг солиқ сиёсатига нисбатан муносабатларини баҳолаш, давлат бюджетига солиқли даромадларнинг келиб тушиш жараёнларини илмий асосда амалга ошириш (солиқларни режалаштириш ва прогнозлаштириш), солиқ тизимининг турли босқичлари ва элементларида юзага келадиган турли даражадаги таваккалчиликларни баҳолаш ва уларнинг салбий таъсирини камайтириш ва шу каби муҳим жараёнлар борки, буларни эътиборга олмасдан солиқ тизимининг самарали ишлашини ташкил этиш амри маҳолдир. Бу жараёнлар эса солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ менежментига бўлган эҳтиёжни ва унинг амал қилишини тақозо этади.

Солиқ соҳасидаги бошқарув жараёнларининг замонавий шакли сифатида солиқ менежменти ҳам ўз объекти, субъекти, босқичлари ва хусусиятларига эгадир. Солиқ менежменти деганда давлатнинг солиқ тизимига кирувчи элементларнинг ҳолати, ҳаракати, уларнинг ўзаро алоқаси, шунингдек, солиққа тортиш мақсадида тўловчилар фаолиятига давлат томонидан аралашуви (тартиблаш, рағбатлантириш, назорат қилиш)га оид муносабатларни умумий мақсадга йўналтирилган ҳолда бошқаришга оид илмий асосланган фаолият ва жараён тушунилади. Солиқ менежменти, аввало,

солиқ тизимига кирувчи элементларнинг ўзини бошқариш ҳамда ушбу элементлар билан боғлиқ солиқ тўловчилар фаолиятини бошқариш маконларини қамраб олади. Шу жиҳатдан солиқ менежментининг икки томонини кўриш мумкин. Давлатнинг солиқ менежменти давлатнинг солиқларни жорий этиш ва ундириш билан боғлиқ ўзининг бу борадаги фаолиятини (ваколатли органлар фаолиятини) бошқариш ҳамда давлатга солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ тўлаш билан боғлиқ фаолиятини бошқариш (мувофиқлаштириш) солиқ менежментининг қўлланиш чегарасини аниқлаб беради. Солиқ менежменти шу боисдан ҳам кўлами жиҳатидан макро ва микро даражадаги солиқ менежментига бўлинади. Макродаражаги солиқ менежменти давлатнинг ваколатли органларининг фаолиятининг бир қисми ҳисобланади. Давлат ўзининг марказлаштирилган пул фондларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундирар экан, бу билан боғлиқ кенг қамровли фаолиятни ташкил этиш, уни оптимал бошқариш ва мувофиқлаштириб туриши талаб этилади.

Ўзининг солиқ сиёсати орқали солиқларни жорий этиши, уларнинг ундириш механизмлари ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ фаолиятини йўлга қўйишидан ташқари, солиқлар билан боғлиқ бошқа яна бир қатор муносабатлар тизими ҳам юзага чиқадики, уларнинг ягона мақсад йўлида бошқариш ва мувофиқлаштиришни талаб қилади. Солиқ менежменти эса солиқ сиёсатидан ҳам кенгроқ тарздаги муносабатларни қамраб олади. Давлат макроиқтисодий солиқ менежменти доирасида бевосита солиқ тизимининг фаолиятини бошқариш билан биргаликда солиқ хизмати органларининг бошқа ваколатли органлар билан солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини рўйхатга олиш, солиқ тушумларни ҳисобга олиш, солиқларнинг бюджетга жамланиши ва солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиши, солиққа оид мажбуриятларнинг юзага келиши, солиққа оид қонунбузилишлар бўйича жавобгарлик чораларини белгилаш ва жавобгарликка тортиш, солиқ тизими ҳамда солиқ тўловчилар фаолиятини тадқиқ этиш, солиқ тўловчиларнинг психологик ҳолати ва солиқ тизимига оид мулоҳазаларини

аниқлашга оид жараёнлар ва буларни амалга оширувчи солиқ хизмати органларидан ташқари бошқа органларнинг бу билан боғлиқ муносабатларни тартиблайди, бошқаради ва мувофиқлаштиради.

Солиқ маъмурчилиги жараёни ўзига хос таркибга ва тузилишга эга бўлиб, у турли-туман фаолиятларни (ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) қамраб олади. Солиқ тизимининг қанчалик самарали ишлаши кўпинча солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Солиқ менежментининг энг муҳим элементини солиқ маъмурчилиги ташкил этади. Қайд этиш жоизки, солиқ маъмурчилиги тушунчаси бу замонавий тушунча сифатида солиқ жараёнини ташкил этиш ва бошқариш муносабатлари тушунчасининг синоними сифатида кириб келди.


Солиқ маъмурчилигида ҳам жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Солиқ маъмурчилиги аслида солиқларни ундириш ваколоти юклатилган давлат органларининг фаолиятини қамраб олиб, бу фаолият ўзларининг ҳуқуқ ва бурчлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга жалб қилиши билан боғлиқ ташкилий-услубий жараёнларни, солиқ ундиришга хизмат қилувчи ва солиқ тўловчилар билан солиқларни ундириш борасидаги кенг қамровли ўзаро манфаатга асосланган фаолиятларнинг тизимли равишда бошқарилиши ва мувофиқлаштириш муносабатларини қамраб олади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармонида алоҳида белгилаб берилди. Ушбу фармонда Янги Ўзбекистон солиқ тизимининг муҳим муаммолари билан биргаликда миллий солиқ тизимида солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Унга кўра, "солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ҳамда методологиясини тубдан такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг

солиқ юкини янада камайтириш, бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириш, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этишни ва ушбу миқдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгилаш, хўжалик юритувчи субъектларни "йирик солиқ тўловчилар" тоифасига киритиш мезонларини белгилаш"⁸ каби устувор вазифалар белгилаб берилди ҳамда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи солиқ тўловчиларга нисбатан алоҳида солиқ маъмурчилиги шакллантирила бошланди, шу билан бир қаторда унинг ҳуқуқий асослари шакллантирила бошланди.

Қуйида 4-расмда келтирилган ҳуқуқий асослардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарорида ҳам мамлакатимиз солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ устувор вазифалар ҳам белгилаб берилган. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом” алоҳида аҳамият касб этади.

⁸ www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармони




4-расм. Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги бўйича ҳуқуқий базанинг шаклланиши⁹.

Унда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг йирик солиқ тўловчилар фаолиятини тартибга солиш масалалари кўрсатилган ва “жойлашган жойи ва амалга ошираётган фаолиятдан қатъий назар, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш вазифаси юкланган”¹⁰. Мазкур инспекциянинг асосий вазифалар сифатида: “йирик солиқ тўловчилар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

¹⁰ “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом”.

Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари



5-расм. Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари.¹¹

¹¹ “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом” асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўзда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш, йирик солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича солиқ назоратини ташкил этиш, йирик солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш, йирик солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш”¹² кабилар белгиланган.

Шунингдек, мазкур Низомда солиқ тўловчиларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини белгилаш Давлат солиқ қўмитаси ваколатига киритилган. Шу мақсадда, Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 июлда 3172-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом” тасдиқланди. Унда эса, юридик шахс мақомига эга бўлган йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари белгилаб берилди.

Агар, Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ мажбурияти юклатилган солиқ тўловчиларга йирик солиқ тўловчи сифатида алоҳида ажратилиб, уларга ўзига хос солиққа тортиш механизми ва солиқ маъмурчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, унда уларнинг маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг ҳажми, аниқ солиқ тўловчилар, миллий иқтисодиёт учун муҳим бўлган ва рентабелли фаолият билан шуғулланиши каби мезонлар асосий мезон сифатида белгилаб олинган. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига аниқ солиқ тўловчилар – “Навоий КМК” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖларнинг киритилиши бу каби солиқ тўловчилар миллий иқтисодиётимиздаги трансмиллий компаниялари қаторига кирувчи корхоналар саналади ва давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини шакллантирилади. Масалан, 2022 йилда давлат бюджети

¹² “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом”.

даромадлари доирасида солиқ тушумларининг 17,82 фоизи “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖга, 9,4 фоизи эса, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ улушига тўғри келиши прогноз қилинган.

Умумий хулоса қилиб айтганда, солиқ тўловчиларни солиққа тортиш тартиби, тамойиллари, солиқ механизми ва солиқ сиёсатида уларни турли хил тоифаларга ажратиш асосида солиққа тортиш Ўзбекистон солиқ сиёсатида устуворлик касб этиб бормоқда. Давлат солиқ сиёсатининг стратегияси ва тактикалардан келиб чиқиб, солиқ тўловчиларнинг маълум бир гуруҳларига нисбатан алоҳида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириб борилади. Бу эса, солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилининг қанчалик қўлланилишига боғлиқ бўлади.

1.2. Йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортишнинг назарий асослари

Йирик солиқ тўловчиларни солиқларнинг адолатлилик тамойили асосида солиққа тортиш масаласи, бир томондан жаҳон мамлакатларининг солиқ сиёсатида устувор масалалар сифатида қаралишга оид ёндашувлар кучайиб бораётган бўлса, ўз навбатида бу турдаги солиқ тўловчиларни солиққа тортиш ва уларга нисбатан солиқ маъмурчилигини амалга ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари ҳам кенг олиб борилмоқда. Тадқиқот ишимиз доирасида йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш ва унга оид солиқ маъмурчилиги жараёнини тадқиқога бағишланган илмий тадқиқот ишлари бўйича илмий-назарий таҳлилини амалга оширамиз. Бу борада илмий тадқиқот иши олиб борган А.Каратаев ўз тадқиқотларида асосий масала сифатида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги тушунчалари ва функцияларининг мазмуни, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш орқали давлат бюджетига таъсири, унинг мантиқий модели, солиқ органларининг йирик солиқ тўловчилар билан самарали солиқ муносабатларини шакллантиришни таъминлайдиган энг самарали солиқ маъмуриятчилиги воситаларини танлаш масалалари, йирик солиқ

тўловчининг солиқ салоҳиятини стратегик таҳлил қилиш услубиёти масалаларига кенг эътибор қаратади.

А.Каратаев шунингдек, “нефт-газ ва металлургия саноати корхоналарининг фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи қисмида ресурсларни солиққа тортишга нисбатан давлатнинг солиқ сиёсатининг йўналишлари аниқланган ва соҳанинг йирик солиқ тўловчиларини солиққа тортишни тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан, бюджетни тартибга солиш механизми таҳлил қилиш асосида йирик солиқ тўловчилардан олинadиган солиқ тушумларининг бюджетлараро тақсимланишига бюджет-солиқ сиёсатининг таъсири аниқлаган, йирик солиқ тўловчининг солиқ салоҳиятини шакллантиришда ва ривожлантиришда юзага келадиган солиқ рискларининг сабаблари, мезонлари тизимлаштирилган, уларнинг таснифи такомиллаштирилган, солиқ маъмуриятчилиги тизимида солиқ салоҳиятини таҳлил қилиш воситаларидан фойдаланишдаги асосий муаммолар назарий жиҳатдан асосланган ва шакллантирилган, ушбу муаммоларни ҳал қилиш бўйича услубий тавсиялар берган, йирик солиқ тўловчининг солиқ салоҳияти таҳлилининг ахборот модели ҳамда йирик солиқ тўловчининг солиқ салоҳиятини стратегик таҳлил қилиш услубиётини ишлаб чиққан”¹³. Дарҳақиқат тадқиқотчи А.Каратаев илмий ёндашувидаги йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳияти билан боғлиқ бир қатор моделлари уларнинг солиқ тўлаш имкониятини максимал даражадаги аниқлашга, шу орқали давлат бюджети даромадларини тўғри шакллантиришга имкон яратади.

Йирик солиқ тўловчиларнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган А.Федоровнинг бу борадаги илмий ёндашувларида қуйидагиларни кўриш мумкин. Яъни, А.Федоровнинг фикрига кўра, йирик солиқ тўловчилар учун мавжуд солиқ имтиёзларини тизимлаштириш лозим бўлади, йирик солиқ тўловчиларга

¹³ Каратаев Алексей Сергеевич. Концепция налогового салоҳията крупнейших налогоплательщиков и методология его оценки. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. Йошкар-Ола-2011.

берилган мавжуд солиқ имтиёзларининг инвестиция жараёнларига таъсири аҳамиятсизлиги ортиб борган, шу мақсадда А.Федоров учун йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаоллигини солиқ орқали рағбатлантиришни кучайтиришнинг услубий асослари ишлаб чиққан. Бундан ташқари А.Федоров тадқиқотлари доирасида “маъмурий юкни камайтирадиган ва йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантирадиган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этган, амалдаги солиқ имтиёзларини сезиларли даражада кенгайтирадиган ва тўлдирадиган ҳамда ўз инвестиция манбаларини кўпайтирадиган йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш усуллари ва услубларини ишлаб чиққан, уларнинг самарадорлигини баҳолаган”¹⁴.

Т.Камалнев “йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларида “йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш ва усулларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиққан, солиқ маъмуриятчилиги тушунчасининг моҳиятини ойдинлаштирган, йирик солиқ тўловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаган ҳолда тизимлаштирган, улардан солиқ маъмуриятчилиги амалиётида фойдаланиш чора-тадбирларини таклиф этган. Т.Камалнев йирик солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиққа тортиш амалиётини бевосита газ тармоғи корхоналари мисолида таҳлил қилган бўлиб, йирик солиқ тўловчиларининг солиқ маъмуриятчилиги натижаларига баҳо берган, минтақалараро солиқ хизмати органларининг назорат фаолияти ҳам миқдорий ҳам сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилган”¹⁵.

¹⁴ Федоров Андрей Николаевич. Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород 2010.

¹⁵ Камалнев Тимур Шамильевич. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2009.

Бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган А.Юнак йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини ташкил этиш ва амалга оширишда махсус солиқ хизмат органлари, жумладан, минтақавий солиқ инспекцияларининг ташкилий-услубий жиҳатларига кенг урғу берилган. Бу борада жаҳон амалиёти таҳлил қилинган, унга хос камчиликлар ва уни такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб берилган. А.Юнак йирик солиқ тўловчилар тушунчаси моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилиб, унга қуйидагича таъриф беради: “йирик солиқ тўловчилар - бу қонуний белгиланган мезонларга: субъектга тааллуқли бўлган амалга оширилаётган фаолият тури, иқтисодиётнинг тармоғи, фаолиятнинг молиявий кўрсаткичлари, шахслар гуруҳларидаги иштироки, банд бўлган ходимларнинг сони ва бошқа маълумотларга жавоб берадиган солиқ тўловчиларнинг юридик ва жисмоний шахслар, резидентлари ва норезидентлари, қонуний равишда алоҳида шахсларнинг махсус тоифасидир”¹⁶.

Бундан ташқари, А.Юнак тадқиқотларида йирик солиқ тўловчи тушунчасини белгиловчи нормалар, юридик шахсларни белгиланган солиқ тўловчилар тоифасига таснифлаш мезонлари, солиқ назорати ва ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, қонунлар билан белгиланиши лозимлиги асослаган. Бундан ташқари “йирик солиқ тўловчиларни солиқ текширувидан ўтказиш муддатлари бўйича қонуний чекловларни бекор қилиш ёки алоҳида ҳолатларда текширувлар бир йилгача давом этиши учун ушбу муддатларни сезиларли даражада узайтириш, солиқ текширувларнинг оптимал яқунланишини таъминлаш ва ходимлар томонидан уни яқунлаш муддатларига амал қилиш мақсадида солиқ органларида ички назорат чораларини жорий этиш, алоҳида ҳолатларда йирик солиқ тўловчиларнинг такрорий солиқ текширувларига нисбатан чекловларни юмшатиш, текширувчи шахсларга қўшимча ваколатларни белгилаш, йирик солиқ тўловчилар устидан солиқ

¹⁶ Юнак Алексей Алевтинович. Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва 2009. с.12.

назорати самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ текширувларини ўтказиш билан боғлиқ солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиққан”¹⁷.

Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини қўллашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлари ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада С.Брусницыннинг илмий тадқиқотларига ҳам муҳим роль ўйнайди. С.Брусницынга кўра, йирик солиқ тўловчилар маъмурчилигида солиқ назоратини тўғри ташкил этиш, солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини таъминлайди. Унинг таъкидлашича, “йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ назорати босқичлари кетма-кетлиги қўйидагиларни ўз ичига олади: солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, ўртача тармоқлар солиқ юқини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, камерал солиқ назорати, солиқ тўловчининг ишини шакллантириш, текширув олди таҳлилинини амалга ошириш, сайёр солиқ текширувини тўғри режалаштириш, комплекс сайёр солиқ текширувини ўтказиш, назорат қилувчи орган (шахс) томонидан текширув далолатномасини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш, у тўғрисида қарор қабул қилиш, текширув олди таҳлил босқичида шаклланган таклифларнинг тўлиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида текшириш натижаларини таҳлил қилиш, текширув материаллари асосида қабул қилинган қарорни амалга ошириш, эҳтимол бўлиши мумкин бўлган шикоятларни кўриб чиқиш, қарорларнинг ҳақиқий ижросини назорат қилиш, солиқ тўловчиларга нисбатан келгусидаги огоҳлантирувчи назорат ва таҳлилий чоралар мавзуси ва йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш”¹⁸ ва шу кабилар.

¹⁷ Юнак Алексей Алевтинович. Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва 2009.

¹⁸ Брусницын Сергей Валентинович. Совершенствование механизма налогового контроля по НДС: становление и тенденции развития в системе налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012. с.7-11.

С.Брусницын йирик солиқ тўловчилар фаолиятига оид солиқ маъмурчилигида кўшилган қиймат солиғининг юкини бошқаларга ўтказилишида солиқ назоратини ўрнатиш муаммолари билан боғлиқ илмий-амалий тавсиялар беради. “Солиқ назоратининг таклиф этилаётган босқичлари, мавжудларидан фарқли ўларок, ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади, бу эса ўз навбатида назорат ишларининг услубий асосларини такомиллаштиришга ёрдам беради ва натижада солиқ маъмуриятчилигининг сифатини оширади, шунингдек, инновацион солиқ назорати механизмларини шакллантиришга ёрдам берадиган тубдан янги амаллардан фойдаланишни кўзда тутди”¹⁹ дейди муаллиф.

Айрим иқтисодчилар йирик солиқ тўловчиларни консолидациялашган солиқ тўловчи сифатида баҳолайди. Айнан шундай ёндашув О.Ситниковада учрайди. У илмий ишларида энг йирик корхоналарни солиққа тортишни такомиллаштиришга нисбатан концептуал ёндашувларини билдирган ҳолда, “консолидациялашган солиқ тўловчилар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, бош ташкилот солиқ тўлайдиган юридик шахсларни мамлакат резидентларини бирлаштирган ягона хўжалик юритувчи субъектларни келтиради”²⁰. О.Ситникова Россия Федерацияси мисолида консолидациялашган солиқ тўловчини солиққа тортиш бўйича амалиётидаги камчиликларни аниқланган ҳолда бу турдаги солиқ тўловчиларни солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш механизмларини янада такомиллаштириш йўналишларини кўрсатиб берган. О.Ситникованинг фикрича, “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишда активларини тан олиш ёки махсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан

¹⁹ Брусницын Сергей Валентинович. Совершенствование механизма налогового контроля по НДС: становление и тенденции развития в системе налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012. с.7-11.

²⁰ Ситникова Ольга Владимировна. Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012.

олдин корхонанинг зарарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”²¹.

Бундан ташқари, ушбу олимнинг қарашларида саноат соҳасидаги йирик корхоналарга нисбатан солиқ маъмуриятчилиги сифатини таъминлаш, давлат ва корхоналар вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, йирик корхоналарни солиққа тортиш билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлаш ва уларга қўйиладиган малака талабларни такомиллаштириш каби ёндашувларни кўриш мумкин.

Агар, солиқ тизими муаммолари билан шуғулланадиган олимларнинг илмий-назарий қарашларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксариятида йирик солиқ тўловчиларнинг мақомлари билан боғлиқ илмий таърифлар кам учрайди. Бироқ, К.Вакуленко, М.Германова, Ю.Дарькина каби олимлар йирик солиқ тўловчилар тушунчасига илмий таъриф бериш билан биргаликда уларнинг хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган. Жумладан, К.Вакуленконинг таърифича, “йирик солиқ тўловчилар - бу маълум мезонларга кўра энг йирик тоифага кирадиган йирик солиқ тўловчи ташкилотлардир. Айнан уларнинг фаолияти орқали бюджет солиқ тушумларининг катта қисмини олади. Аммо мураккаб тузилмаси, улкан пул оқимлари, кўплаб хўжалик операцияларни амалга ошириш уларга солиқ юкини камайтирадиган турли хил солиқ схемаларидан фойдаланишга имкон беради”²².

М.Германованинг қарашларига кўра, “йирик солиқ тўловчилар деб фақат гуруҳларга бўлинган қуйидаги ташкилотлар тан олинади: федерал даражадаги (чунки улар Федерал солиқ хизматида бевосита бўйсунадиган

²¹ Ситникова Ольга Владимировна. Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012.

²² К.Э.Вакуленко. Крупнейшие налогоплательщики как вид усиленного контроля налоговых органов. Журнал. Бухгалтерский учет, статистика. № 9 (37) – 2014.

йирик солиқ тўловчилар учун минтақалараро инспекциялар томонидан бошқарилади) ва минтақа даражадаги (Россия Федерацияси субъектларининг Федерал солиқ хизмати бўлимларига бўйсунди)”²³. Ўз навбатида Ю.Дарькина йирик солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари сифатида тўхталиб, “йирик солиқ тўловчиларга қуйидаги хусусиятлар хосдир: катта пул оқими, кенг қўламли ҳужжатлар айланмаси, соддалаштирилган тизим бўйича солиққа тортиладиган турли таркибий бўлинмаларнинг интеграциясидан фойдаланиш, мамлакат ичида ҳам, чет элда ҳам турли фирмалар билан ҳамкорлик мавжудлигидир”²⁴ деб таърифлайди.

Шунингдек, йирик солиқ тўловчиларга оид илмий-тадқиқотлар ишларининг назарий таҳлили шуни кўрсатадики, уларда йирик солиқ тўловчилар фаолиятини солиқ назорати орқали маъмурий воситаларни қўллашнинг самарадорлиги хусусидаги илмий ишлар кўпчиликда учрайди. Шундай тадқиқотлар жумласига, Е.Богданкевичнинг илмий ишларини келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотчи, йирик солиқ тўловчиларга нисбатан сайёр солиқ текширувларини ўтказишнинг самарадорлиги ҳақида фикр билдириб, улар билан контрагент иқтисодий алоқага киришадиган солиқ тўловчилар фаолиятини биргаликда кўриш керак дейди. Бунда, “ахборот манбалари сифатида: солиқ тўловчилар томонидан амалга ошириладиган турли хил битимлар, шу жумладан ташқи савдога оид битимларга нисбатан камерал бўлимларида жойлашган маълумотлар, камерал текшируви пайтида олинган ахборотлар ва материаллар, камерал текширувлари натижалари, давлат ҳукумат органларида мавжуд бўлган маълумотлар, очиқ манбалар (оммавий ахборот воситалари, интернет)да мавжуд бўлган маълумотлар, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини таҳлил қилиш натижасида олинган таҳлилий маълумотлар”²⁵лардан фойдаланишнинг самарадорлиги асослаб берилган.

²³ Германова М.А. Эволюция правового регулирования отношений с участием крупнейших налогоплательщиков. Бизнес в законе 4. 2015.

²⁴ Дарькина Ю.А. Особенности налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Interactive science. 3 (37) • 2019.

²⁵ Е.В.Богданкевич. Актуальные вопросы налогового контроля крупнейших налогоплательщиков. финансы и кредит. 17 (401) – 2010.

Шунингдек, йирик солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари ва уларга нисбатан қўлланиладиган солиқ маъмуриятчилигини қўллаш борасидаги тадқиқотлар орасида Гончарова Наталия Александровна ва Сацукевич Владимир Андреевичнинг тадқиқотлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг фикрига кўра, “йирик солиқ тўловчилар молия-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро боғлиқлигига кўра йирик солиқ тўловчи ташкилотлар ҳисобланади. Айнан уларнинг фаолияти орқали бюджет солиқ тушумларининг катта қисмини олади, йирик солиқ тўловчиларни таснифлаш учун бир қатор мезонлар мавжуд, улар солиқ тўловчилар сингари Федерал даражадаги мезонларга ва минтақа даражадаги мезонларга бўлинади”²⁶. Н.Гончарова ва В.Сацукевичларнинг илмий тадқиқотларида йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш ва уларга солиқ маъмурчилигини қўллайдиган давлат солиқ хизмати органларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётини таклиф этади. Мазкур услубиётнинг моҳияти шундаки, муаллифнинг қарашларига кўра, “солиқ органининг самарадорлигини ҳисоблашдан олдин солиқ органига самарадорликнинг энг юқори даражаси – 20 балл берилган ҳолда кейинги босқичда, таҳлилий кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилиши керак. Солиқ органининг самарадорлик (Ссхо) кўрсаткичи солиқ органининг максимал самарадорлиги даражаси ва фоиз шкаласидан $1\% = 1$ балл бўлган балли шкаласига ўтказилган таҳлилий кўрсаткичлар йиғиндиси ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади. Ҳисоблаш натижаларига кўра, агар “Ссхо” кўрсаткичи 0 дан катта ёки унга тенг бўлиб чиқса, солиқ органининг иши самарали деб тан олинади, агар “Ссхо” кўрсаткичи 0 дан кам бўлиб чиқса, солиқ органининг иши самарасиз деб тан олинади”²⁷.

²⁶ Гончарова Наталия Александровна, Сацукевич Владимир Андреевич. Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков в российской федерации и пути их решения. 2018 / Вестник Университета Российской академии образования. с. 2.

²⁷ Гончарова Наталия Александровна, Сацукевич Владимир Андреевич. Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков в российской федерации и пути их решения. 2018 / Вестник Университета Российской академии образования. с.7.

Юқорида келтирилган иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг йирик солиқ тўловчиларга оид илмий қарашларида ташқари илмий журналлар ва конференциялардаги айнан шу мавзуда эълон қилинган мақолаларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг асосий йўналишлари йирик солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзлари, уларнинг фаолиятига оид солиқ назорати, уларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг нархига таъсир этувчи омиллар, шунингдек, давлат солиқ сиёсатида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш асносида такомиллаштириш масалалари кенгрок ўрин олган.

Бундай илмий тадқиқотлар жумласига: О.Н.Якашеванинг йирик солиқ тўловчиларда солиқ экспертизалари ўтказиш билан тадқиқотлар, Г.Айтхожинанинг йирик солиқ тўловчиларда кўчма солиқ текширувларини ўтказишни такомиллаштириш доирасидаги илмий ишлари, Р. Байтерёковнинг инвестор мақомидаги йирик солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларини қўллаш билан боғлиқ ҳудудий солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий қарашлари, Д. Плеханованинг йирик солиқ тўловчиларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб беришга оид тадқиқотлари, О.О.Манакова йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга бағишланган илмий ишлари, Шепелева Дина Викторовна, Завьялов Михаил Михайлович, Литвин Артём Глебларнинг газ ишлаб чиқариш тармоғидаги йирик солиқ тўловчи корхоналарда солиқ маъмурчилиги муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган илмий ишлари, Ускова И.А., О.В.Туриевскаялар томонидан йирик солиқ тўловчиларда фойда солиғи ҳажмига таъсир этувчи омилларни таҳлиliga бағишланган илмий ишларни, Гринкевич Л.С., К.А.Банноваларнинг консолидациялашган солиқ тўловчиларни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотлари ва шу кабиларни келтириш мумкин. Йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш, уларга нисбатан солиқ маъмурчилиги қўллаш амалиёти ва ундаги мавжуд

муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотларга назарий таҳлилларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, илмий тадқиқотларда йирик солиқ тўловчиларни миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида баҳоланади;

иккинчидан, йирик солиқ тўловчилар сифатида солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш, уларга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллашга оид солиқ маъмурчилиги борасида қарашлар турлича бўлиб, мавжуд муаммоларнинг илмий ечимлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар даражаси ошиб бормоқда;

учинчидан, йирик солиқ тўловчиларга оид илмий тадқиқотларнинг аксарияти уларда солиқ назоратини тўғри амалга ошириш, уларнинг фаолиятини, айниқса инновацион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш, уларга нисбатан қўлланиладиган давлатнинг солиқ сиёсатини такомиллаштириш, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини иқтисодиёт даражасидан келиб ўзгартириб бориш ва шу каби йўналишларда амалга оширилиб келинмоқда;

тўртинчидан, йирик солиқ тўловчиларнинг турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти юқорилигича қолмоқда, бу борадаги муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар кўпайиб бормоқда;

бешинчидан, амалга оширилган илмий тадқиқотларда йирик солиқ тўловчилар тоифасини белгилашга нисбатан уларга нисбатан солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар устуворликка эга бўлиб қолмоқда.

Йирик солиқ тўловчиларнинг иқтисодий-ижтимоий мақоми, мазмуни ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ илмий-назарий таҳлиллар, бу борадаги амалга оширилган илмий тадқиқотлар ишларида бу каби солиқ тўловчиларга берилган иқтисодий ёндашувларнинг танқидий таҳлилидан келиб чиқиб, йирик солиқ тўловчиларга оид ўзимизнинг илмий таърифимизни ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди. Бизнингча йирик солиқ тўловчилар

деганда, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича солиқ тўлаш мажбуриятлари, уларнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, уларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, расмий тасдиқланган мезонларга мос келувчи солиқ тўловчилар тушунилади.

1-боб бўйича хулоса

Солиқ тўловчиларни маълум бир мезонларга ажратиш солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчилигини ташкил этиш йўналишларини аниқлашга хизмат қилади. Солиқ тўловчиларни солиқ тўлаш мақомига кўра, консолидациялашган гуруҳга кирувчи солиқ тўловчилар, контраген гуруҳлар ва йирик солиқ тўловчилар қаторига киритиш мумкин. Бундан ташқари донор солиқ тўловчилар гуруҳи ва йирик солиқ тўловчиларни фарқлаш керак бўлади. Донор солиқ тўловчилар ўз имкониятларига кўра, уларга юклатилган солиқ мажбуриятларини бажариш доирасида катта миқдордаги солиқ тўловларини тўлаш орқали тегишли бюджетга солиқ тўловлари бўйича бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан кескин ажралиб туриши орқали улар “донор” мақомини олади. Бундай солиқ тўловчилар кўпинча, йирик солиқ тўловчилар тоифасига ҳам киради. Масалан, бундай солиқ тўловчилар қаторига “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “ЎЗБАТ” АЖ ҚК, “Лукоил” “Ўзавто Моторс” АЖ, “Ўзбектелеком” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ кабиларни киритиш мумкин.

Йирик солиқ тўловчиларга хос хусусиятлардан бири уларнинг аксарияти йирик ва табиий монопол мавқега эга бўлган корхоналар ҳисобланади. Уларнинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажми бошқа солиқ тўловчиларга анчайин катта миқдорни ташкил қилади. Бу каби корхоналар миллий иқтисодиётда ялпи маҳсулотни яратишда, турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шаклланишида, аҳолини банд қилишда катта ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий мақомга эгадир.

Солиқ маъмурчилиги жараёни ўзига хос таркибга ва тузилишга эга бўлиб, у турли-туман фаолиятларни (ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий,

маданий) қамраб олади. Солиқ тизимининг қанчалик самарали ишлаши кўпинча солиқ маъмурчилигининг самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Солиқ менежментининг энг муҳим элементини солиқ маъмурчилиги ташкил этади. Қайд этиш жоизки, солиқ маъмурчилиги тушунчаси бу замонавий тушунча сифатида солиқ жараёнини ташкил этиш ва бошқариш муносабатлари тушунчасининг синоними сифатида кириб келди.

Солиқ маъмурчилигида ҳам жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Солиқ маъмурчилиги аслида солиқларни ундириш ваколоти юклатилган давлат органларининг фаолиятини қамраб олиб, бу фаолият ўзларининг ҳуқуқ ва бурчлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга жалб қилиши билан боғлиқ ташкилий-услугий жараёнларни, солиқ ундиришга хизмат қилувчи ва солиқ тўловчилар билан солиқларни ундириш борасидаги кенг камровли ўзаро манфаатга асосланган фаолиятларнинг тизимли равишда бошқарилиши ва мувофиқлаштириш муносабатларини қамраб олади.

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ мажбурияти юклатилган солиқ тўловчиларга йирик солиқ тўловчи сифатида алоҳида ажратилиб, уларга ўзига хос солиққа тортиш механизми ва солиқ маъмурчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, унда уларнинг маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг ҳажми, аниқ солиқ тўловчилар, миллий иқтисодиёт учун муҳим бўлган ва рентабелли фаолият билан шуғулланиши каби мезонлар асосий мезон сифатида белгилаб олинган.

Йирик солиқ тўловчиларни солиқларнинг адолатлилиқ тамойили асосида солиққа тортиш масаласи, бир томондан жаҳон мамлакатларининг солиқ сиёсатида устувор масалалар сифатида қаралишга оид ёндашувлар кучайиб бораётган бўлса, ўз навбатида бу турдаги солиқ тўловчиларни солиққа тортиш ва уларга нисбатан солиқ маъмурчилигини амалга ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари ҳам кенг олиб борилмоқда.

Йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш, уларга нисбатан солиқ маъмурчилиги қўллаш амалиёти ва ундаги мавжуд муаммоларга бағишланган

илмий тадқиқотларга назарий таҳлилларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, илмий тадқиқотларда йирик солиқ тўловчиларни миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида баҳоланади;

иккинчидан, йирик солиқ тўловчилар сифатида солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш, уларга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллашга оид солиқ маъмурчилиги борасида қарашлар турлича бўлиб, мавжуд муаммоларнинг илмий ечимлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар даражаси ошиб бормоқда;

учинчидан, йирик солиқ тўловчиларга оид илмий тадқиқотларнинг аксарияти уларда солиқ назоратини тўғри амалга ошириш, уларнинг фаолиятини, айниқса инновацион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш, уларга нисбатан қўлланиладиган давлатнинг солиқ сиёсатини такомиллаштириш, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини иқтисодиёт даражасидан келиб ўзгартириб бориш ва шу каби йўналишларда амалга оширилиб келинмоқда;

тўртинчидан, йирик солиқ тўловчиларнинг турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти юқорилигича қолмоқда, бу борадаги муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар кўпайиб бормоқда;

бешинчидан, амалга оширилган илмий тадқиқотларда йирик солиқ тўловчилар тоифасини белгилашга нисбатан уларга нисбатан солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар устуворликка эга бўлиб қолмоқда.

II-БОБ. ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш маъмурчилигининг шаклланиши


Диссертацион тадқиқот ишимизнинг биринчи бобида таъкидлаб ўтганимиздек, Янги Ўзбекистон шароитида солиқ сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири бу миллий иқтисодиётимизда, қолаверса давлат бюджети бюджетларининг даромадларини шакллантиришда катта аҳамият касб этиб келаётган нисбатан солиқ тўловчи корхоналарга алоҳида солиқ режимлари сифатида солиқ маъмурчилигининг қўлланишидир. Албатта бунинг бир қатор сабаблари мавжуддир. Биринчидан, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, ишлаб чиқариш қуввати ҳамда мамлакат ғазнасига қўшадиган ҳиссаси бир хил бўлмайди, бу уларнинг чуқур иқтисодий табақалашувидан далолат беради. Солиқ тўловчиларга нисбатан солиққа тортиш тамойилларида ягоналик ёндашув амал қилсада, бироқ, солиқ тўловчиларнинг ҳажмига нисбатан солиқ сиёсати (маъмурчилиги)ни юритиш жаҳон амалиётида ўз самарасини бериб келмоқда. Иккинчидан йирик қувватга эга бўлган корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг товар (хизмат, иш)лар айланмасининг таркибий тузилмаси анча мураккаб бўлади, уларни эътиборга олган ҳолда уларга нисбатан алоҳида солиқ режимини қўллаш фойдали ҳисобланади. Учинчидан, ҳар қандай олинган миллий иқтисодиёт доирасида корхоналарни уларнинг қўламига қараб гуруҳлаган ҳолда иқтисодий сиёсат юритиб келинади ва уларнинг иқтисодий салоҳияти баҳоланиб, фискал салоҳияти ҳам аниқланади. Солиқ тўловчиларнинг фискал салоҳиятини баҳолаб бориб, уларни алоҳида гуруҳлар доирасида таҳлил қилишни ва шунга мос солиқ сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Бундан кўринадики, солиқ тўловчиларни қўлабийлик жиҳатдан солиққа тортиш турли йўналишдаги алоҳида солиқ маъмурчилигини тақозо этади.

Албатта, йирик солиқ тўловчи тоифасига киритишдан бошланадиган, уларни ҳисобга олиш, улар доирасида солиқ объектларини рўйхатга олиш, уларга нисбатан солиқ имтиёзларини бериш ҳамда солиқ қарзларини ундириш борасидаги солиқ хизмати органларининг ёндашувини ўз ичига оладиган солиқ сиёсати маълум бир шаклланиш жараёнига эга. Дарҳақиқат йирик солиқ тўловчилар тоифасига солиқ тўловчиларни киритиш асосида уларни солиққа тортишнинг ўзига хос ёндашувлар асосидаги солиқ маъмурчилигини қўллаш кўп бўлмаган бўлсада, аммо бу борада ўзига хос тажрибаларни шакллантириш эволюцион жараён давом этмоқда. Бу ҳолатни илмий-услубий жиҳатдан назарий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳолда унинг шаклланиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сонли қарори алоҳида аҳамият касб этади. Айнан ушбу қарорлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом ва Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Бу низомларда Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари сифатида “солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир ходим томонидан “Солиқ хизмати –инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажариш, солиқ тўловчиларга мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш йўли орқали солиқ тўловчилар билан ишлашни

такомиллаштириш”²⁸ кабиларнинг юкланиши солиқ хизмати органлари томонидан солиқ маъмурчилигининг янги шакл ва мазмундаги муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибига кирувчи институционал тузилма - Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тузилди ва унга асосий вазифа сифатида жойлашган жойи ва амалга ошираётган фаолиятдан қатъий назар, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш вазифаси юкланди.



6-расм.Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси солиқ маъмурчилиги бўйича функция ва вазифалари²⁹

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сонли қарори

²⁹ Амалдаги қонунлилик ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган расмдан кўриш мумкинки, йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси солиқ маъмурчилиги бўйича функция ва вазифалари уларнинг солиқ тўловчиларга нисбатан солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойилларини қўлаган ҳолда, уларга юклатилган солиқ мажбуриятларининг қонун доирасида бажарилишини таъминлаш ҳамда инсофли солиқ тўловчининг ишончли ҳамкорига айланишдек муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилган.

Агар, йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига солиқ маъмурчилиги доирасида юқорида келтирилган вазифа ва функцияларнинг охириги 2019-2021 йиллардаги ижросининг ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, қуйидаги натижавий кўрсаткичларга юзага келганлигини кўриш мумкин.

Йирик солиқ тўловчилар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш борасида:

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан хизмат кўрсатиладиган йирик солиқ тўловчилар таркиби 2019 йилда 1 416 та, 2020 йилда 836 та ва 2021 йилда солиқ тўловчилар сони 1 149 тани ташкил этган. 2020 йилда солиқ тўловчилар сонининг кескин пасайиши айнан шу даврда тижорат банклари ва уларнинг республика миқёсидаги филиалларини трансформация қилиниши ҳисобига тўғри келади. Яъни бунда тижорат банклари учун солиқ ҳисоботларини топшириш ва тўловларни амалга ошириш жараёнини соддалаштириш мақсадида банк филиалларининг солиқ ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобварақалари уларнинг бош офисларининг шахсий ҳисобварақаларига бирлаштирилган. Натижада, тижорат банкларига қўшимча қулайликларни яратилишига, барча солиқ турлари бўйича марказлаштирилган ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга оширишда, ҳисобот шакллари тақдим этилиш жараёнлари фақат бош офислар орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

2021 йилда Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш бўйича белгиланган мезон талаблари асосида республика бўйича фаолият юритиб келаётган корхоналар таҳлилдан ўтказилиб, қўшимча 313 та корхона йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган. Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш бўйича белгиланган мезон талабларига 2020 ва 2021 йилларда қатор ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан йўловчиларни ташиш мақсадларида фойдаланувчи, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар ҳам йирик солиқ тўловчилар ҳисобланадиган бўлди. Бундан ташқари, углеводород ҳам ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар, бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари мустасно дейилган мезонга ўзгартириш киритилиб, ушбу мезон қуйидаги таҳрирда “углеводород ҳам ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар ва уларга товар (иш ва хизмат) етказиб берувчи чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари (бўлинмалари), бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари мустасно” деб ўзгартирилди. Шу билан биргаликда, низомга реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари деган банд қўшилиб, электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилди.

2019 йилда инспекция томонидан 45 859 млрд. сўмлик солиқ тушумлари давлат бюджетига йиғилган бўлиб, бу жами республика миқёсида йиғилган солиқларнинг 55 фоизи демакдир. Дунё мамлакатлари хусусан, Республикамиз бўйича пандемия бўлишига қарамасдан, Инспекция томонидан 2020 йил учун бюджетга белгиланган тўловларнинг 67 717 млрд.

сўми ундириб берилган. Бу эса мамлакат бўйича жами йиғилган солиқларнинг 65 фоизини ташкил этган бўлса, 2021 йилда 81 771 млрд.сўм ундирилиб, жами тушумдаги улуши 64 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

Йирик солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича солиқ назоратини ташкил этиши борасида:

2020 йилда Инспекция томонидан 181 та камерал солиқ текшируви ўтказилди ва текширув натижасида 1 777 млрд.сўм қўшимча солиқ ҳисобланди, 2021 йилда эса 1003 та камерал солиқ текшируви ўтказилиб, 1793,6 млрд.сўм, аудит текшируви натижасида 32 та корхонада 540,9 млрд.сўм, 115 та сайёр солиқ текширувида эса 28,4 млрд.сўм солиқ ҳисобланганлигини кўришимиз мумкин.

Йирик солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш борасида:

Йирик солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилиши амалга оширилмоқда, интерактив хизматлардан фойдаланиш, тизимдаги дастурий хатоликлар ва бошқа мавзудаги 2019 йилда 320 та, 2020 йилда 711 та, 2021 йилда 812 та мурожаатларга жавоб берилган. Шунингдек, 2020 йилда Пандемия даврида солиқ тўловчилар учун автотранспорт воситаларидан фойдаланиш учун стикер бериш тизими яратилган.

Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда “Қўшилган қиймат солиғини қайтариш” модули ишлаб чиқилди, шунингдек, ҳозирда 6 та интерактив хизмат яратилиш ишлари амалга оширилган. СИАИЖ-5 дастурида корхоналарнинг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб ўтиши, бошқа корхона таркибига қўшилиб кетиши билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилиши натижасида 2020 йилда йирик корхоналарни марказлаштириш натижасида 400 дан ортиқ ШХВлар бош офисларига кўчириб ўтказилган. 2021 йил давомида 450 та корхоналар ШХВларга ўзгартиришлар киритилган, натижада

2,4 млрд.сўм солиқ қарзи ва 4,5 млрд.сўм ортиқча тўлов тегишли шахсий ҳисобварақаларга ўтказилиб, ортиқча тўлов ва солиқ қарзи қисқартиришга эришилган.

Ходимларнинг солиқ тўловчилар билан мунтазам мулоқотини таъминлаш мақсадида, тўғридан-тўғри алоқани таъминловчи 2020-2021 йиллар давомида 60 та шаҳар алоқа тармоқ линияси (SipTrunk) ҳамда бир пайтда 60 та IP телефон хизмат қилувчи қўшимча алоқа каналлари очилиб, масъул ходимларга бириктириш ишлари амалга оширилган.

Йирик солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш борасида:

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича 2019 йил, 197 та, 2020 йилда 188 та ва 2021 йилда 401 та маъмурий ишлар бўйича материаллар судга кўриб чиқиш учун юборилган. Қўлланилган маъмурий жарима миқдори 2019 йилда 28,4 млн.сўм, 2020 йилда 76,5 млн.сўм ва 2021 йилда 171 млн.сўмни ташкил этган. Солиқ тўловчилар билан 2019 йилда 7 та, 2020 йилда 8 та ва 2021 йилда 69 та семинар-тренинглари ўтказилган. Солиққа оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича 2019 йилда 40 тадан ортиқ, 2020 йилда 102 та, 2021 йилда 105 дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилган.

1-жадвал


Ўзбекистонда йирик солиқ тўловчилар тоифалари кирувчи корхоналарнинг фаолият турлари ва соҳалар бўйича сонининг динамик ўзгариши таҳлили³⁰

№	Йирик солиқ тўловчилар тоифалари	Йиллар (йил бошига, та)			
		2019	2020	2021	2022
	Жами	1416	836	1149	957
1	Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи ва акциз солиғи солиғи бўлган хизматлар кўрсатувчи корхоналар	78	111	117	117
2	Тижорат банклари, товар, фонд ва валюта биржалари	895	34	34	35

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3	Навоий КМК АЖ, Олмалик КМК АЖ ва уларнинг таъсисчилигидаги ташкилотлари	12	12	12	4
4	Маҳсулот тақсими бўйича шартномалар бўйича ишларни бажаришда иштирок этувчи ташкилотлар	5	5	5	5
5	Ўтган календар йил охирида маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) сотишдан тушган соф тушумлари 100,0 миллиард сўмдан ортиқ ёки кетма-кет ўн икки ойлик давр охирида ушбу суммадан ошган юридик шахслар	341	460	742	565
6	Углеводородлар ва минерал ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш ва сотиш, шунингдек, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шуғулланувчи юридик шахслар, ёқилғи қуйиш шохобчалари бундан мустасно	78	190	215	175
7	Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан халқаро ҳаво қатновларини амалга оширувчи йўловчи ташиш мақсадлари учун фойдаланувчилар ва уларнинг таъсис этувчи юридик шахслари	7	24	24	20
8	Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари	-	-	-	36

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш маъмурчилигининг шаклланишини тавсифлайдиган кўрсаткичлардан бири бу йирик солиқ тўловчилар тоифалари кирувчи корхоналарнинг фаолият турлари ва соҳалар бўйича сонининг динамик ўзгариш ҳолати ҳисобланади. Шу боисдан ҳам юқорида келтирилган жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тоифадаги корхоналарнинг сони 2019 йилда 1416 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг бошида бу кўрсаткич 957 тани ташкил қилган ҳолда, уларнинг сони камайганлигини кўрсатади. Бунга асосий сабаб бу тоифага кирувчи корхоналарни аниқлаш мезонларининг бирмунча ўзгартирилганлиги, шунингдек, тижорат банклари, товар, фонд ва валюта биржалари тоифасига кирувчи ташкилотларнинг сонининг кескин қисқариши ва айрим солиқ тўловчиларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятидаги нобарқароликлар сабаб улар бу тоифадаги корхоналар мезонларига тўғри келмай қолганлиги ҳамда Навоий КМК АЖ, Олмалик КМК АЖ ва уларнинг таъсисчилигидаги ташкилотлар таркибидаги корхоналар сонининг қисқариши бошқа шу каби омиллар бўлган.




7-расм. Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг дастлабки тузилмаси сақлаб қолинган ҳолда такомиллаштирилган тузилмаси³¹

Таъкидлаш ўринлики йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш маъмурчилигининг шаклланишини тавсифлайдиган яна бир кўрсаткичлардан бири бу йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат инспекцияси ва унинг таркибий бўлинмаларининг функционал тузилиши ва уларнинг вазифалари ҳамда функциялари билан боғлиқ ташкилий-техник ҳамда услубий жараёнлардир. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини юритишга масъул бўлган йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тузилмасини танқидий таҳлилимиз шуни кўрсатмоқдаки, унинг таркибига кирувчи тузилмалар (бўлим ва шўъбалар)нинг функционал вазифалари ва уларни амалга ошириш

³¹ Муаллиф томонидан тузилган.

ҳолати солиқ маъмурчилигининг таъсирчанлигини етарли даражада таъминлай олапти деган хулосани бермайди. Шу жиҳатдан олганда биз инспекциянинг таркибий тузилмасида қўшимча равишда айрим бўлинмаларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини аниқлаштириш асосида йирик солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчилигининг таъсирчанлигини ошириш орқали бу борада самарадорликка эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча, йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси амалдаги таркибий тузилмасида қуйидаги: Хавфни ва трансферт нархларини таҳлил қилиш ва қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бўлимларини ва уларнинг таркибида ўзаро боғланган ҳамда функционал зарурликка асосланган шўьбаларни, шунингдек Солиқ назорати бўлими таркибида Акциз солиғи назорати шўьбасини ташкил этиш лозим ҳисоблаймиз.



8-расм. Хавфни ва трансферт нархларини таҳлил қилиш бўлимининг функциялари³²

³² Муаллифнинг тавсиялари асосида тузилган.

Бундан ташқари ушбу бўлим расмда келтирилган функциялардан ташқари қуйидаги: солиқ текширувларини ўтказиш учун субъектларни танлашда, ҳар бир субъект тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган барча маълумотлар автоматлаштирилган тизим орқали таҳлил қилинишини таъминлайди, таҳлил натижаларига кўра маълум бир мезонлар асосида солиқ тўлашдан бўйин товлаш хавфи юқори бўлган субъектларга нисбатан зарур ва энг самарали чораларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, ташқи ва ички манбалардан келиб тушадиган маълумотларни таҳлил қилишнинг илғор автоматлаштирилган усуллари жорий этиш, солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи манфий суммасини қайтаришда солиқ таваккалчиликларни автоматлаштирилган назоратдан ўтказиш, давлат солиқ хизмати органларига маълумот тақдим этадиган ваколатли органлар, шунингдек вазирлик ва идоралар таркибини ёки олинadиган маълумотлар турларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириб бориш каби функцияларни ҳам юклатиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш жараёнида йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг Қўшилган қиймат солиғи маъмурчилиги бўлими каби қўшимча институционал тузилмани ташкил этиш зарурати туғилмоқда. Бошқа тузилмавий бирликларнинг функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча мазкур бўлинманинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир:

➤ қўшилган қиймат солиғининг қопланиши лозим бўлган суммасини қайтариш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш борасида тизимли ишларни ташкил этиш;

➤ қўшилган қиймат солиғини қоплаш учун ҳужжатларни тақдим этган хўжалик юритувчи субъектнинг Хавфни таҳлил қилиш ва трансферт нархларини белгилаш бўлими томонидан тақдим этилган рўйхат асосида таваккалчилик хавфини аниқлаш;

➤ солиқ суммасини қоплаш бўйича ўтказилаётган камерал солиқ текшируви якуни бўйича солиқ органининг раҳбари ёки ўринбосари томонидан солиқ суммасини қоплаш (тўлиқ ёки қисман) ёки қоплашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши сабабларини таҳлил қилади ва аниқланган ҳолатлар бўйича инспекциянинг Хавфни таҳлил қилиш ва трансферт нархларини белгилаш бўлимига маълумот киритиш;


➤ қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш;

➤ қўшилган қиймат солиғи тўловчиси тўғрисидаги гувоҳнома бериш ва бекор қилиш;

➤ қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашни белгиланган тартибда амалга ошириш ҳамда бошқа солиқлар бўйича қарздорликни узгандан кейин қолган солиқ суммаси қайтариб бериш ишларини олиб бориш ва шу кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128 сон қарори билан Молия вазирлигининг акциз солиғини тўғри ва ўз вақтида ҳисобланишини назорат қилиш функцияси Давлат солиқ қўмитасига ўтказилди. Шу сабабли, Давлат солиқ қўмитасида Акциз солиғи назорати бўлими ва Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясида Акциз солиғи назорати шўъбаси ташкил этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча мазкур бўлинманинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир:



9-расм. Акциз солиғи назорати шўъбасининг функциялари³³

³³ Муаллифнинг тавсиялари асосида тузилган.

Шу билан биргаликда қуйидаги:

- акциз маркаларининг ҳақиқатда мавжудлигини хатлаш, шикастланган акциз маркаларини йўқотишга топширишдан олдин уларнинг сони бухгалтерия ҳисоботларига мувофиқлигини ўрганиш;

- масофавий назоратни кенг қўламда қўллаш орқали замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ҳамда мақсадларини аниқлаш;

- акциз маркалари билан маркировка қилинмаган кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш орқали тўлиқ ҳисобга олинишини назорат қилиш ҳамда акциз маркалари билан маркаланмаган кўпикланадиган ва табиий вино маҳсулотларининг импорт қилиниши, ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши самарадорлигини таҳлил қилиб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳам шўъбанинг вазифаси ҳисобланади.

Бизнинг таклифларимиз бўйича мазкур Инспекция қошида юқорида ташкил этилган бўлимларнинг солиқ маъмуриятчилиги бўйича фаолияти натижасида 2021 йилнинг январь-декабрь ойлари учун бюджет прогнози 73,4 трлн.сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда бюджетга 82,2 трлн.сўм (112%) ёки прогнозга нисбатан 8,8 трлн.сўмга кўп маблағ жалб этилди. Тушум миқдори 2020 йилга (67,4 трлн.сўм) нисбатан 14,8 трлн.сўмга ёки 122 фоизга ошган. Янги қўшилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқларнинг белгиланган ҳисоб рақамларга тўғри тушишини таъминлаш учун янги ғазначилик ҳисобрақамлари белгиланиб, тушумларнинг уларга тўғри тушиши йўлга қўйилган ҳолда, иш жараёнида пайдо бўлган камчиликлар бартараф этилган. Йирик солиқ тўловчиларнинг (тижорат банклари ва бошқа) алоҳида бўлинмаларини ҳисобга олиб марказлашган ҳолда солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқларни тўлаш имконияти яратилган, шахсий карточкалари бирлаштирилиб ҳамда бу ишлар такомиллаштирилган.

2.2. Йирик солиқ тўловчиларнинг бюджет-солиқ тизимидаги фискал хусусиятлари таҳлили

Тадақиқот ишимизнинг биринчи бобида таъкидлаганимиздек, солиқ тўловчиларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига ажратишдан асосий мақсадлардан бири бу уларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти нуқтаи назаридан бўлса, бошқа томондан бу турдаги солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиқ механизми орқали мувофиқлаштириш (тартиблаш) асносида солиқ маъмурчилигини қулай ташкил қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиқ тизими орқали тартиблаш ва мувофиқлаштириш муаммоларини ўрганиш жараёнида дастлаб уларнинг фискал аҳамияти, аниқроқ қилиб айтганда мамлакат миллий иқтисодиёти, қолаверса, бюджет тизимидаги ролига баҳо беришимиз лозим бўлади. Бунда биз бир қатор ёндашувлар асносида таҳлилимизни амалга оширамиз. Дастлаб йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ турлари кесимида Ўзбекистон давлат бюджети солиқ тушумларини шакллантиришдаги улуши тенденцияси таҳлилин, Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улушини, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи “донор солиқ тўловчи”ларнинг давлат бюджетидаги фискал аҳамиятини ҳамда ушбу донор солиқ тўловчиларнинг йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамиятини, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи тижорат банкларнинг республика давлат бюджети тизимидаги фискал аҳамиятини, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи нефт-газ тармоғи корхоналари томонидан республика бюджетидаги улушини таҳлил қиламиз, бу таҳлиллардан келиб чиқиб эса, тегишли илмий хулосалар шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ турлари кесимида Ўзбекистон давлат бюджети солиқ тушумларини шакллантиришдаги улуши тенденцияси таҳлили³⁴ (млрд.сўмда)

№	Солиқ номи	2018 йил			2019 йил			2020 йил			2021 йил			2022 йил (прогноз)		
		Солиқ тушуми	Йирик солиқ тўловчилар тушуми	Улуши (фоизда)	Солиқ тушуми	Йирик солиқ тўловчилар тушуми	Улуши (фоизда)	Солиқ тушуми	Йирик солиқ тўловчилар тушуми	Улуши (фоизда)	Солиқ тушуми	Йирик солиқ тўловчилар тушуми	Улуши (фоизда)	Солиқ тушуми	Йирик солиқ тўловчилар тушуми	Улуши (фоизда)
I.	Жами	54 203	31 581	58	83 324	45 859	55	103 562	67 717	65	127 852	81 771	64	143 472	91 553	64
	<i>шу жумладан,</i>															
1	Кўшилган қиймат солиғи	13 735	10 637	77	23 661	10 867	46	23 170	10 556	46	25 572	13 227	52	31 700	18 115	57
2	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	5 030	4 059	81	9 976	4 900	49	28 712	25 295	88	38 363	33 957	89	38 557	33 500	87
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	7 422	2 415	33	13 323	2 561	19	15 141	3 542	23	18 917	4 834	26	22 045	5 793	26
4	Акциз солиғи	6 547	5 451	83	11 603	7 852	68	10 839	9 095	84	12 779	10 404	81	14 682	12 064	82
5	Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	8 265	4 661	56	14 693	14 549	99	16 565	15 870	96	15 812	14 803	94	14 403	13 760	96
7	Юридик шахслар мулк солиғи	1 898	1 627	86	1 554	1 010	65	1 241	793	64	1 576	966	61	2 104	1 232	59
8	Юридик шахслар ер солиғи	625	372	60	1 135	326	29	1 156	355	31	2 661	971	36	2 719	1 070	39
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	128	115	90	314	264	84	479	292	61	684	328	48	910	479	53
10	Давлат улуши	0	0	0	38	38	100	1 155	1 155	100	1 350	1 350	100	3 605	3 605	100
11	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича тушумлар	0	0	0	1 888	1 888	100	397	397	100	281	281	100	1 571	1 571	100
12	Бошқалар	10 553	2 244	21	5 140	1 605	31	4 707	368	8	9 856	651	7	11175	365	3

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги 2-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиладиган бўлсак, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ турлари кесимида Ўзбекистон давлат бюджети солиқ тушумларида улуши 2018-2020 йилларда ўсиб борган. Ушбу кўрсаткичнинг 2021-2022 йилларда ўртача бир фоизга камайиши эса тоғ-кон металлургия комбинатлари учун белгиланган фойда солиғи ва ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ ставкаларининг пасайтирилганлиги туфайли юзага келганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Хусусан, кўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йирик солиқ тўловчиларнинг ушбу солиқ тури бўйича 2018 йилдаги улуши 77 фоизни ташкил қилган бўлса, кейинги йилларда ушбу улуши камайиб кетган. Ушбу солиқ тури бўйича камайишнинг асосий сабабларидан бири 2019 йилдан бошлаб йиллик товар айланмаси 1 млрд.сўмдан ошган, соддалаштирилган тарзда солиқ тўлаб келган бошқа солиқ тўловчиларнинг кўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб ўтганлиги ҳисобига бюджет тушумларида уларнинг улуши кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, таҳлилларимизда фойда солиғи бўйича йирик солиқ тўловчилар тушумининг республика тушумларидаги улушининг 2019 йилда кескин камайиб кетганлигини кузатишимиз мумкин. Бу солиқ тури бўйича кескин камайиш Навоий ва Олмалик КМКнинг фойда солиғи бўйича 2019 йилдаги тушумлари солиқ тушумлари ҳисоботларида акс эттирилмасдан, тўғридан-тўғри Молия вазирлиги ғазна ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги сабабли юзага келганлигини кўришимиз мумкин. Йирик солиқ тўловчилар бўйича ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ тушумлари 2018 йилда ушбу солиқ тури бўйича жами тушумларда 56 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 99 фоизни, 2020 йилда 96 фоизни, 2021 йилда 94 фоизни ва 2022 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларида 96 фоизни ташкил этган.

Бу ўз навбатида, таҳлиллар натижаси бошқа солиқ турларидаги ҳам улушларнинг ўзгариши солиқ объектларининг ва солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар ҳисобига келиб чиққанлигини кузатиш мумкин.

3-жадвал.

Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети солиқ тушумларининг шакллантиришдаги улуши таҳлили³⁵ (фоизда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022 (прогноз)
1	Давлат бюджети даромадлари (солиқ тушумлари)	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Давлат бюджети солиқ тушумларида эгри солиқларнинг улуши	42,3	32,8	28,9	32,3
3	Давлат бюджети солиқ тушумларида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	55,0	65,4	64,0	63,8
4	Жами эгри солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	53,1	57,8	61,6	65,1
5	Давлат бюджети солиқ тушумларида тўғри солиқларнинг улуши	28,0	42,3	44,8	42,2
6	Жами тўғри солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	32,0	65,8	67,7	64,8
7	Давлат бюджети солиқ тушумларида ресурс солиқларнинг улуши	21,2	18,8	16,2	14,0
8	Жами ресурс солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	91,3	89,0	82,3	82,1
9	Давлат бюджети солиқ тушумларида бошқа солиқларнинг улуши	8,5	6,0	9,0	11,4
10	Жами бошқа солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	50,0	30,7	19,9	33,9

Келтирилган 3-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилинганда, кўридагиларни кўришимиз мумкин бўлади. Давлат бюджети солиқ тушумларида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши таҳлил қилинаётган йиллар давомида ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Айнан ушбу ҳолатни эгри солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши кесимида қарайдиган бўлсак, 2019 йилда 53,1 фоиздан 2022 йилга келиб 65,1 фоизга ўсиб, бу жараёнда ҳам ўсиш ҳолатини кузатиш мумкин. Жами тўғри солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улушида эса, таҳлил қилинаётган давр мобайнида 32 фоиздан 64,8 фоизгача ўсганлигини ёки 2 баробардан кўпроқ ҳажмга ўсганлиги кўриш мумкин. Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети солиқли даромадлар

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кесимидаги улушида унинг фискал хусусияти эгри солиқларга нисбатан тўғри солиқлар доирасидаги юқори аҳамият касб этмоқда.

Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети солиқли даромадлар кесимидаги улушининг солиқ турлари гуруҳлари бўйича аҳамиятида ресурс солиқлари ҳамда бошқа солиқлар гуруҳлари кесимидаги улушида эса тескари ҳолатни кузатиш мумкин. Жами ресурс солиқлар бўйича солиқ тушумида йирик солиқ тўловчиларнинг улуши 2019 йилда 91,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил прогноз кўрсаткичларига кўра, уларнинг улуши 82 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг йиллар давомида пасайтирилиши бўлиб, ваҳоланки, бу солиқ тури солиқ тўловчиларининг аксарияти йирик солиқ тўловчилар мақомидаги солиқ тўловчилар саналади.

Ўз навбатида Давлат бюджети солиқ тушумларида эгри солиқларнинг улуши 2019 йилда 42,3 фоизни, 2020 йилда 32,8 фоизни, 2021 йилда 28,9 фоизни, 2022 йилда 32,3 фоизни ташкил қилган бўлиб, унда эгри солиқларнинг улуши 2021 йилда 42,3 фоизни, 2020 йилда 32,8 фоизни, 2021 йилда 28,9 фоизни ва 2022 йилда 32,3 фоизни ташкил қилганлигини ҳам кўриш мумкин.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон солиқ тизимида оид қонунчиликка кўра³⁶, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи солиқ тўловчилар сони қарийб 900 дан ортиқни ташкил этади. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, юқорида келтирилган жадвалда уларнинг Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улушида бу тоифага кирувчи солиқ тўловчиларнинг улуши ҳам кенг табақаланади. Шу боисдан биз уларнинг биринчи ўнталиги доирасидаги улушини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

³⁶ Бу ҳолатни тадқиқот ишимизнинг биринчи бобида изоҳини келтириб ўтганмиз.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи “донор солиқ тўловчи”³⁷ ларнинг бюджет даромадлари солиқ тушумларидаги фискал аҳамияти таҳлили³⁸ (фоизда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022 (прогноз)
1	Давлат бюджети солиқ тушумлари	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Давлат бюджети солиқ тушумларида эгри солиқларнинг улуши	42,3	32,8	28,9	32,3
3	Давлат бюджети солиқ тушумларида 10 та йирик йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	34	48,1	44,0	40,1
4	Жами эгри солиқлар бўйича солиқ тушумида 10 та йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	24,5	30,7	30,1	28,1
5	Давлат бюджети солиқ тушумларида тўғри солиқларнинг улуши	28,0	42,3	44,8	42,2
6	Жами тўғри солиқлар бўйича солиқ тушумида 10 та йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	10,9	50,7	50,1	43,2
7	Давлат бюджети солиқ тушумларида ресурс солиқларнинг улуши	21,2	18,8	16,2	14,0
8	Жами ресурс солиқлар бўйича солиқ тушумида 10 та йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	80,6	82,6	70,7	75,3
9	Давлат бюджети солиқ тушумларида бошқа солиқларнинг улуши	8,5	6,0	9,0	11,4
10	Жами бошқа солиқлар бўйича солиқ тушумида 10 та йирик солиқ тўловчиларнинг улуши	38,8	17,5	11,6	18,8

Келтирилган 4-жадвал маълумотлари асосида йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи “донор солиқ тўловчи” ларнинг бюджет даромадлари солиқ тушумларига 2019-2021 йилларда тўланган солиқлар таҳлили ҳамда 2022 йил учун прогноз қилинган тушумлар миқдори ҳисоб китобини кўрадиган бўлсак, давлат бюджети солиқ тушумларида 10 та йирик йирик солиқ тўловчиларнинг улуш 2019-2021 йилларда ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 34 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 44 фоизни ташкил қилган. Бироқ ушбу корхоналарнинг солиқ тушумлари 2022 йилда 40,1 фоиз бўлишлиги прогноз қилинган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 3,9 фоизга камайганлиги ўрганилганда ушбу камайиш Навоий КМК АЖ ва Олмалик КМК АЖларнинг фойда солиғи

³⁷ Йирик солиқ тўловчилар орасида энг катта фискал аҳамиятга эга бўлган 10 та йирик корхоналар: Навоий КМК АЖ, Олмалик КМК АЖ, Ўзбекнефтгаз АЖ, Лукоил, Ўзтрансгаз АЖ, Худудгазтаъминот АЖ, Ўзбат ҚК АЖ, Ўзавтомоторс АЖ, Шўртангазкимё МЧЖ, Ўзкоргазчемикал МЧЖ ҚК.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ставкаси 2022 йилдан 75 фоиздан 50 фоизга туширилганлиги ҳисобига камайганлигини кўришимиз мумкин.

Давлат бюджети солиқ тушумларидаги эгри солиқларда ушбу 10 та йирик корхоналарнинг улуши таҳлил қилинганда, 2019-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Ўз навбатида, жами тўғри солиқлар бўйича солиқ тушумида 10 та йирик солиқ тўловчиларнинг улуши 2019-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлсада, бироқ, 2022 йил учун прогноз кўрсаткичи анча пасайганлигини кўриш мумкин. Яъни, 2019 йилда 10,9 фоизни, 2020 йилда 50,7 фоизни, 2021 йилда 50,1 фоизни, 2022 йилнинг прогноз кўрсаткичи эса, 43,2 фоиз қилиб белгиланган. Бу юқорида келтирганимиздек, ушбу камайиш фойда солиғи бўйича Навоий КМК АЖ ва Олмалик КМК АЖлар учун белгиланган солиқ ставкасининг камайиши туфайли юзага келганлиги таҳлил қилинди.

Шунингдек, 10 та йирик корхоналарнинг бюджетга тўлаган ресурс солиқлари тушумлари таҳлил қилинганда, 2019 йилда улар томонидан тўланган ресурс солиқлар жами ресурс солиқларининг 80,6 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кейинги йилларда камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2021 йилда 70,7 фоизни ташкил қилиб, 2022 йилда 75,3 фоизни бўлиши прогноз қилинган. Ушбу камайиш тенденцияси ўрганилганда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасининг пасайтирилиши сабабли ушбу корхоналарнинг тўлаган ресурс солиқлари улуши камайганлигини кўришимиз мумкин.

Бошқа солиқ тушумларидаги 10 та йирик солиқ тўловчиларнинг улуши 2019 йилда 38,8 фоизни, 2020 йилда 17,5 фоизни, 2021 йил 11,6 фоизни, 2022 йилда 18,8 фоиз бўлишлиги прогноз қилинган бўлиб, 2019 йилда бошқа йилларга қараганда улуши кўплигининг сабаби Лукоил компаниясидан харид қилинган газ нархининг юқорилиги туфайли маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида давлат улуши бўйича маблағларнинг кўпроқ тўланганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги 5-жадвалда 10 та “донор солиқ тўловчи”ларнинг бюджет тушумларидаги ўрнини таҳлил қилган бўлсак, кейинги жадвалда ушбу корхоналарнинг йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамиятини кўриб чиқамиз.

5-жадвал.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи “донор солиқ тўловчи”ларнинг йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамияти таҳлили³⁹ (фоизда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022 (прогноз)
	Йирик солиқ тўловчилар бўйича жами солиқ тушумлари	100	100	100	100
	10 та йирик корхоналарнинг жами тушумдаги улуши	61,5	73,6	68,7	62,8
	<i>Шу жумладан</i>				
1	Навоий КМК АЖ	16,3	35,2	30,5	23,2
2	Олмалиқ КМК АЖ	7,0	13,7	15,9	12,9
3	Ўзбекнефтгаз АЖ	11,9	7,9	7,2	9,1
4	Лукоил МЧЖ ҚК	10,3	2,7	2,5	3,9
5	Ўзтрансгаз АЖ	6,1	5,9	3,9	4,1
6	Худудгазтаъминот АЖ	-	1,5	2,6	3,0
7	Узбат ҚК АЖ	3,7	2,7	2,6	2,4
8	Узавтомоторс АЖ	3,1	1,9	1,1	1,5
9	Шўртангазкимё МЧЖ	1,4	0,9	1,2	1,4
10	Узкоргазчемикал МЧЖ ҚК	1,8	1,0	1,1	1,3

Мазкур келтирилган 5-жадвал маълумотларидан кўринадики, 10 та йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи “донор солиқ тўловчи”ларнинг йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамияти ўзгариб борган. Хусусан уларнинг йирик солиқ тўловчиларнинг жами тушумидаги улуши 2019 йилда 61,5 фоизни ташкил қилиб, 2020 йилда кескин ўсиб, 73,6 фоизни ташкил қилганлигининг сабаби Навоий КМК АЖ ва Олмалиқ КМК АЖларнинг фойда солиғи 2019 йилда Молия вазирлиги ғазна ҳисоб рақамига тўланган бўлиб, ушбу солиқ тури 2020 йилдан солиқ қўмитаси ғазна ҳисоб рақамларига тўланиб келинмоқда. 2021 йилда ушбу корхоналарнинг жами йирик солиқ тўловчилар солиқ тушумларидаги улуши 68,7 фоизни ташкил

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қилган бўлса 2022 йилда 62,8 фоиз бўлиши прогноз қилинган. Бу корхоналарнинг жами тушумдаги улуши камайиши тенденцияси ўрганилганда, асосан Навоий КМК АЖ ва Олмалик КМК АЖларнинг ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ ва фойда солиғи ставкаларининг камайиши ҳисобига юзага келганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Навоий КМК АЖ солиқ тушумлари 2020 йилда 35,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 30,5 фоизни, 2022 йилда эса 23,2 фоизни прогноз қилинганини кўришимиз мумкин. Худди шу ҳолатни Олмалик КМК АЖда ҳам кузатиш мумкин бўлиб, ушбу корхонанинг солиқ тушумлари жами тушумда 2021 йилда 15,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда эса 12,9 фоизни прогноз қилинганини қайд этишимиз лозим.

Шунингдек, Лукоил корхонаси томонидан тўланган солиқлари 2019 йилда 10,3 фоизни, 2020-2021 йилларда эса 3 фоиз атрофида ташкил қилиб, тўланган солиқлари улушининг камайиш тенденциясини кўришимиз мумкин. 2019 йилда тўланган солиқларнинг бошқа йилларга қараганда улуши кўплигини давлат томонидан Лукоил компаниясидан харид қилинган газ нархининг юқорилиги туфайли маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида давлат улуши бўйича маблағларнинг кўпроқ тўланганлигини ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ кўп ҳисобланганлиги сабабли юзага келганлиги таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, Худудгазтаъминот АЖ корхонасининг 2019 йилда улуши деярли мавжуд бўлмаган, чунки, бу даврда йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган бўлсада, газ таъминоти бўйича асосий реализация ҳуқуқи Ўзтрансгаз АЖда бўлиб, 2020-2021 йиллардан газ реализациясининг бир қисми Худудгазтаъминот АЖга ўтказилганлиги сабабли солиқ тўловлари кўпайганини кўришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган б-жадвалда 10 та “донор солиқ тўловчи”ларнинг йирик корхоналарнинг йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамиятини таҳлил қилган бўлсак, қуйидаги жадвалда уларнинг республика

давлат бюджети ва йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамияти таҳлилини кўриб чиқамиз.

6-жадвал.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи энг йирик 10 та “донор солиқ тўловчи” ларнинг республика давлат бюджети ва йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамияти таҳлили⁴⁰

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022 (прогноз)
1	Навоий КМК АЖ (млрд. сўм)	7 456	23 838	24 965	21 256
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	8,9	23,0	19,5	14,8
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	16,3	35,2	30,5	23,2
2	Олмалик КМК АЖ (млрд. сўм)	3 197	9 295	13 036	11 846
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	3,8	9,0	10,2	8,3
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	7,0	13,7	15,9	12,9
3	Ўзбекнефтгаз АЖ (млрд. сўм)	5 454	5 380	5 901	8 313
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	6,5	5,2	4,6	5,8
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	11,9	7,9	7,2	9,1
4	Лукоил (млрд. сўм)	4 703	1 799	2 008	3 561
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	5,6	1,7	1,6	2,5
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	10,3	2,7	2,5	3,9
5	Ўзтрансгаз АЖ (млрд. сўм)	2 792	3 986	3 190	3 751
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	3,4	3,8	2,5	2,6
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	6,1	5,9	3,9	4,1
6	Худудгазтаъминот АЖ (млрд. сўм)	0	1 046	2 146	2 718
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,0	1,0	1,7	1,9
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,0	1,5	2,6	3,0
7	Узбат ҚК АЖ (млрд. сўм)	1 706	1 860	2 145	2 175
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	2,0	1,8	1,7	1,5
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	3,7	2,7	2,6	2,4
8	Узавтомоторс АЖ (млрд. сўм)	1 417	1 306	907	1 346
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	1,7	1,3	0,7	0,9
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	3,1	1,9	1,1	1,5
9	Шўртангазкимё МЧЖ (млрд. сўм)	643	643	986	1 287
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,8	0,6	0,8	0,9
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	1,4	0,9	1,2	1,4
10	Узкоргазчемикал МЧЖ ҚК (млрд. сўм)	820	658	910	1 208
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	1,0	0,6	0,7	0,8
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	1,8	1,0	1,1	1,3

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи энг йирик 10 та корхоналардаги фискал аҳамияти қуйидагича хулосаларни беради. Республика бюджет тушумларида ҳамда йирик солиқ тўловчилар тушумларида ҳам ўз ўрнига эга бўлган Навоий КМК АЖнинг солиқ тўловлари йилдан йилга камайиб борганлигини

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўришимиз мумкин. Хусусан, ушбу корхонанинг республика солиқ тушумларидаги улуши 2020 йилда 23 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 19,5 фоизни ташкил қилган ҳолда 2022 йилда 14,8 фоиз бўлишлиги прогноз қилинган. Худди шунингдек, мазкур корхонанинг йирик солиқ тўловчилар тушумларидаги улуши ҳам камайиш тенденциясига эга бўлган бўлиб, 2020 йилда 35,2 фоизни, 2021 йилда 30,5 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2022 йилда 23,2 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

Худди шунингдек, Олмалик КМК АЖнинг солиқ тушумлари улуши республикаси тушумларида 2020 йилда 9 фоизни, 2021 йилда 10,2 фоизни ташкил қилган бўлиб, 2022 йилда 8,3 фоиз бўлиши, йирик солиқ тўловчилар тушумларидаги улуши 2020 йилда 13,7 фоиз, 2021 йилда 15,9 фоиз ва 2022 йил учун 2,9 фоиз бўлишлиги прогноз қилинган.

Республика ва йирик солиқ тўловчилар тушумларида биринчи ва иккинчи ўринда турувчи ушбу йирик корхоналарининг республика ва йирик солиқ тўловчилар солиқ тушумларидаги улушларининг камайиш тенденциясининг сабаблари таҳлил қилинганда ушбу корхоналар учун фойда солиғи ставкаларининг йилдан-йилга туширилиши, жумладан, 2020-2021 йилларда 15/75 фоизда ва 2022 йилдан 15/50 фоиз миқдорда белгиланиши, ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ учун эса (олтин) 2020 йилда 20 фоиз, 2021 йилда 15 фоиз ва 2022 йилда 10 фоиз қилиб белгиланганлиги туфайли камайганлигини кўришимиз мумкин.

Қайд этиш жоизки, жадвалда келтирилган қолган 8 та йирик корхоналарнинг солиқ тушумлари йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиб, улар республика ва йирик солиқ тўловчилар тушумларида ўз ўрнига эга.

Юқоридаги жадвалларда 10 та “донор солиқ тўловчи” ларнинг республика давлат бюджети ва йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамияти таҳлил қилган бўлсак, республика солиқ тушумлари ва йирик солиқ тўловчилар тушумларида катта аҳамиятга эга бўлган нефт-газ соҳаси корхоналари солиқ тушумларини ўрганиш, уларнинг республика солиқ

тушумлари ва йирик солиқ тўловчилар тушумларидаги ўрнини таҳлил қилиш кераклигини тақозо этади.

7-жадвал.

**Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи нефт-газ тармоғи
корхоналарининг республика солиқ тушумларида фискал аҳамияти
таҳлили⁴¹**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022 (прогноз)
1	Ўзбекнефтгаз АЖ (млрд. сўм)	5 454	5 380	5 901	8 313
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	6,5	5,2	4,6	5,8
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	11,9	7,9	7,2	9,1
2	Лукоил (млрд. сўм)	4 703	1 799	2 008	3 561
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	5,6	1,7	1,6	2,5
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	10,3	2,7	2,5	3,9
3	Ўзтрансгаз АЖ (млрд. сўм)	2 792	3 986	3 190	3 751
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	3,4	3,8	2,5	2,6
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	6,1	5,9	3,9	4,1
4	Худудгазтаъминот АЖ (млрд. сўм)	0	1 046	2 146	2 718
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,0	1,0	1,7	1,9
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,0	1,5	2,6	3,0
5	Шўртангазкимё МЧЖ (млрд. сўм)	643	643	986	1 287
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,8	0,6	0,8	0,9
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	1,4	0,9	1,2	1,4
6	Узкоргазчемикал МЧЖ ҚК (млрд. сўм)	820	658	910	1 208
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	1,0	0,6	0,7	0,8
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	1,8	1,0	1,1	1,3
7	Buxoro neftni qayta ishlash zav.МСНЖ (млрд. сўм)	1 308	736	956	1 281
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	1,6	0,7	0,7	0,9
	Йирик солиқ тўловчилар даги улуши (%)	2,9	1,1	1,2	1,4
8	Sanoat energetika guruhi МСНЖ ХК (млрд. сўм)	0	178	646	750
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,0	0,2	0,5	0,5
	Йирик солиқ тўловчилар даги улуши (%)	0,0	0,3	0,8	0,8
9	Farg`ona neftni qayta ishlash zav МСНЖ (млрд. сўм)	458	410	625	680
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,5	0,4	0,5	0,5
	Йирик солиқ тўловчилар даги улуши (%)	1,0	0,6	0,8	0,7
10	Petromaruz Uzbekistan МСНЖ ХК (млрд. сўм)	75	59	101	135
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,1	0,1	0,1	0,1
	Йирик солиқ тўловчилар даги улуши (%)	0,2	0,1	0,1	0,1

7-жадвал маълумотларига кўра, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган 10 та нефт-газ соҳаси корхоналарининг солиқ тушумлари, уларнинг республика солиқ тушумлари ва йирик солиқ тўловчилар тушумларидаги ўрни ўрганилганда, Ўзбекнефтгаз АЖ ушбу соҳада асосий солиқ тўловчи эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу корхонанинг 2019-

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2021 йиллар солиқ тушумлари ўрганилганда ўсиш тенденциясини кўришимиз мумкин бўлсада, шу билан биргаликда корхона томонидан тўланган солиқ тушумлари республика ва йирик солиқ тўловчилар солиқ тушумларидаги улуши камайган.

Юқорида келтирилган жадвалда нефт-газ соҳаси корхоналарининг республика давлат бюджети ва йирик солиқ тўловчилар тизимидаги фискал аҳамияти таҳлил қилган бўлса, йирик солиқ тўловчилар тоифасига алоҳида мезон асосида киритилган банкларнинг ҳам солиқ тушумларини таҳлил қилиш, уларнинг республика солиқ тушумлари ва йирик солиқ тўловчилар тушумларидаги ўрнини таҳлил қилиш кераклигини тақозо этади.

8-жадвал.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи тижорат банкларнинг давлат бюджети тизимидаги ўрни таҳлили⁴²

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022 (прогноз)
1	О`zmilliy bank AJ (млрд. сўмда)	269	558	418	700
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,3	0,5	0,3	0,5
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,6	0,8	0,5	0,8
2	О`zbekiston sanoat-qurilish bank (млрд. сўмда)	119	434	370	473
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,1	0,4	0,3	0,3
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,3	0,6	0,5	0,5
3	Ipoteka-bank ATB (млрд. сўмда)	73	78	323	368
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,1	0,1	0,3	0,3
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,2	0,1	0,4	0,4
4	Agrobank ATB (млрд. сўмда)	155	194	283	305
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,2	0,2	0,2	0,2
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,3	0,3	0,3	0,3
5	Kapitalbank ATB (млрд. сўмда)	83	74	150	217
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,1	0,1	0,1	0,2
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,2	0,1	0,2	0,2
6	Xalq banki ATB (млрд. сўмда)	73	109	193	200
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,1	0,1	0,2	0,1
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,2	0,2	0,2	0,2
7	СНЕКИ "Hamkor bank" ATV (млрд. сўмда)	127	139	198	189
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,2	0,1	0,2	0,1
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,3	0,2	0,2	0,2
8	Qishloq qurilish bank ATB (млрд. сўмда)	143	137	190	183
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,2	0,1	0,1	0,1
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,3	0,2	0,2	0,2
9	Asaka bank AJ (млрд. сўмда)	180	169	191	177
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,2	0,2	0,1	0,1

⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,4	0,2	0,2	0,2
10	Ирак yo`li bank АТВ (млрд. сўмда)	78	94	161	155
	Давлат бюджети солиқ тушумларидаги улуши (%)	0,1	0,1	0,1	0,1
	Йирик солиқ тўловчилардаги улуши (%)	0,2	0,1	0,2	0,2

Бизга маълумки, амалдаги мезонларга кўра, республикадаги фаолият кўрсатаётган 33 та банклар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган бўлсада, биз келтирилган 9-жадвал маълумотларига кўра таҳлилимизни солиқ тўловчи сифатида катта аҳамиятга эга бўлган 10 та йирик банклар доирасида олиб борамиз. Таҳлиллар натижасида, банклар кесимида энг катта улуш “O`zmilliy bank” АЖга тўғри келиши ўрганилди. Бу банкнинг давлат бюджетига тўлаган солиқлари 2019 йилда 269 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 700 млрд.сўм тўланиши прогноз қилинган. Кейинги ўринда, “O`zbekiston sanoat-qurilish bank” катта фискал аҳамиятга эга бўлган. Яъни, бу банкнинг бюджетга тўлаган солиқлари 2019 йилда 119 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 434 млрд. сўм, 2021 йилда 370 млрд. сўм солиқ тўлаган ҳолда 2022 йилдаги прогноз кўрсаткичи 473 млрд.сўм бўлиши режалаштирилган.

Таҳлиллар натижаси, ўрганилаётган йиллар давомида банклар томонидан тўланган солиқлар ўсиш тенденциясига эга бўлсада, республика солиқ тушумларидаги ва йирик солиқ тўловчилар тушумларидаги улуши камлигини кўрсатмоқда. 33 та банклар ичида 2021 йилда энг кўп солиқ тўлаган “O`zmilliy bank” АЖ нинг республика солиқ тушумларидаги улуши 0,3 фоизни, йирик солиқ тўловчилар тушумида 0,5 фоизни ташкил қилган бўлса, Ирак yo`li bank АТВнинг улуши мос равишда 0,1 ва 0,2 фоизни ташкил қилган.

Тадқиқот ишимизнинг ушбу банди бўйича умумий хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларнинг фискал аҳамияти жуда юқори ҳисобланади. Бу аҳамият барча йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улушининг юқорилиги, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи “донор солиқ тўловчи”лар, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи нефт-газ тармоғи корхоналари томонидан республика бюджетидagi улушининг юқорилигида кўринади.

2.3. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги ва унинг самарадорлиги таҳлили

Диссертацион тадқиқотимизнинг аввалги бандларида биз йирик солиқ тўловчиларнинг бюджет-солиқ тизимидаги аҳамиятини таҳлил қилган эдик. Албатта, йирик солиқ тўловчиларга тоифасига кирувчи солиқ тўловчиларнинг мамлакат миллий иқтисодиётидаги ҳамда бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни жуда каттадир. Бу турдаги солиқ тўловчиларни уларнинг ялпи ички маҳсулот ва давлат бюджетидagi роли нуқтаи назаридан баҳолаш илмий-услубий жиҳатдан ўринли ҳисоблансада, аммо, уларга нисбатан давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидаги ёндашувлар ҳам уларнинг манфаатлари учун ўта муҳим саналади. Бошқачароқ қилиб айтганда, йирик солиқ тўловчиларга нисбатан фақатгина улар томонидан тўланадиган солиқларни ундириш жиҳатдан масалага ёндашиш солиқларнинг адолатлилиқ тамойили бузилишига олиб келади. Бу эса, йирик солиқ тўловчиларга нисбатан давлатнинг солиқ сиёсатида алоҳида ёндашувни, яъни, уларга нисбатан алоҳида солиқ маъмурчилигини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишни тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда диссертацион тадқиқот ишимизнинг мазкур бобида биз бугунги кунда республикамиз бюджет-солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигининг ташкил этилиши, унинг мазмун-моҳияти, уни амалга оширишнинг умумий ва алоҳида тартибдаги ҳолатининг таҳлили, бу турдаги солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилаётган солиқ маъмурчилигининг самарадорлиги қай даражадалиги ва шу каби муҳим амалий жараёнларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қиламиз. Бу таҳлилни амалга оширишда йирик солиқ тўловчиларнинг вазирликлар ва мезонлар кесимида сони таҳлилини, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлили, йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан хизмат кўрсатиш ҳолати, уларга оид солиқ имтиёзларининг қўлланиши ҳамда солиқ назоратининг амалга ошириш жараёнларини кўриб чиқамиз.

Йирик солиқ тўловчиларнинг вазирликлар ва мезонлар кесимида сони таҳлили⁴³

T/ P	Вазирлик	Жами рўйхатдан ўтган йирик корхоналар сони			Шундан мезонлар кесимида																										
					“Навоий КМК” АЖ, “Олмалик КМК” АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар			Акциз солигига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар			Соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар ва доимий муассасалари			Маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар			Тижорат банклари, товар-хом ашё, фонд ва валюта биржалари			Углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни казиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар			Халқаро хаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар			Рализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари					
					2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
	Жами	1416	1154	947	12	14	4	90	127	116	326	714	566	5	5	5	895	35	36	81	235	170	7	24	19	0	0	31			
1	Иссиқлик электр маркази АЖ	11	16	13																	11	16	13								
2	Миллий электр тармоқлари АЖ	1	3	2																	1	3	2								
3	Навоий КМК АЖ	11	13	3	11	13	3																								
4	Олмалик КМК” АЖ	1	1	1	1	1	1																								
5	Ўзавтойул АЖ	2	2	2							2	2	2																		
6	Ўзавтосаноат АЖ	20	26	24							20	26	24																		
7	Ўзагрокимёхимоя АЖ	10	12	12																	10	12	12								
8	Ўзагротехсаноатхолдинг АЖ	5	7	6							5	7	6																		
9	Ўзбекгидроэнерго АЖ	2	49	22								2	1								2	47	21								
10	Ўзбекенгилсаноат АЖ	27	43	43							27	43	43																		
11	Ўзбекинвест АЖ	1	1	0							1	1																			
12	Ўзбекистон темир йуллари АЖ	13	19	9							13	18	8									1	1								
13	Ўзбекистон хаво йуллари АЖ	7	23	18																			7	23	18						
14	Ўзбекнефтегаз АЖ	27	41	23							2	3	3								25	38	20								
15	Ўзвиносаноат-холдинг АЖ	52	63	61				43	53	53	9	10	8																		
16	Ўзваторцветмет МЧЖ	1	1	1							1	1	1																		
17	Ўздонмахсулот АЖ	21	32	32							21	32	32																		
18	Ўзкимесаноат АЖ	6	17	11								1	1								6	16	10								
19	Ўзқурилишматериал АЖ	10	15	14							10	15	14																		
20	Ўзметкомбинат АЖ	1	1	1							1	1	1																		
21	Ўзпахтасаноат АЖ	8	26	0							8	26																			
22	Ўзтрансгаз АЖ	2	2	2																	2	2	2								
23	Ўзэлтехпром Ассоциацияси	10	10	8							10	10	8																		
24	Худудий электр тармоқлари АЖ	14	17	16								1	1								14	16	15								
25	Худудгазтаъминот АЖ	0	30	16																		30	16								
26	Банклар	893	33	34													893	33	34												
27	Бошқалар	239	624	548				41	68	57	186	499	399				2	2	2	10	54	58	1	1				31			
28	Озиқ-овқат саноати уюшмаси	16	22	20				6	6	6	10	16	14																		
29	Маҳсулот тақсимотида оид битим корхоналари	5	5	5										5	5	5															

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

9-жадвал асосида йирик солиқ тўловчиларнинг вазирликлар ва мезонлар кесимида таҳлил қилинганда жами рўйхатдан ўтган йирик корхоналар сони 2020 йилда 1416 та корхоналарни ташкил этган бўлиб, 2021 йилда 1154 тани ва 2022 йилда 947 тани ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Йирик солиқ тўловчилар сонининг 2020 йилга нисбатан 2021 йилда кескин камайишининг сабаби ҳудудлардаги банк филиалларининг ягона республика банкига бирлашгани ҳисобига келиб чиққанлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Ўзпахтасаноат АЖ тизими тугатилганлиги сабабли уларга қарашли бўлган корхоналар тугатилган ёки бошқа корхонага қўшилганлиги сабабли 2022 йилдан йирик солиқ тўловчилар рўйхатидан чиқарилган.

Ўзбекгидроэнерго АЖ, Ўзбекистон темир йуллари АЖ, Ўзкимесаноат АЖ, Ўзбекнефтегаз АЖ тизимидаги йирик солиқ тўловчи корхоналарнинг 2020-2022 йиллар давомида ўзгариши уларнинг тизимдан чиқарилиши, хусусийлаштирилиш ва бош корхонага қўшилганлиги сабабли ўзгарганлиги маълум бўлди.

Йирик солиқ тўловчилар сонини мезонлар бўйича ўрганадиган бўлсак, асосий йирик солиқ тўловчилар “Соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар ва доимий муассасалари” мезонига тўғри келувчи корхоналар ташкил этади. Шу билан биргаликда йирик солиқ тўловчилар сонидан “Углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар” мезонига кирадиган корхоналар сони 2022 йилда 177 тани ташкил қилган.

Йирик солиқ тўловчилар сонининг вазирликлар ва тармоқлар кесимида сонининг таҳлили билан биргаликда марказлашган ҳолда солиқ маъмурчилиги амалга оширилиши билан бир қаторда улар томонидан тўланадиган маҳаллий солиқлар ҳудудларга тушишини ҳисобга олиб, йирик солиқ тўловчиларнинг ҳудудлар бўйича жойлашувини ҳам таҳлил қиламиз.

Йирик солиқ тўловчиларнинг ҳудудлар ва мезонлар кесимида сони таҳлили⁴⁴

№	Ҳудудлар	Шундан мезонлар кесимида																										
		Жами рўйхатдан ўтган йирик корхоналар сони			“Навоний КМК” АЖ, “Олмалик КМК” АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар			Акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар			Соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар ва доимий муассасалари			Маҳсулот тақсимога оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар			Тижорат банклари, товар-хон ашё, фонд ва валюта биржалари			Углеводород хон ашёси ва минерал ресурсларни казиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар			Ҳалқаро хаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар			Рализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган электрон шаклдаги хизматларни рализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахслари		
		2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Жами		1416	1154	947	12	14	4	90	127	116	326	715	567	5	5	5	895	34	35	81	235	170	7	24	19	0	0	31
1	Андижон вилояти	91	43	35				4	4	4	15	26	22				68	1	1	4	11	7		1	1			
2	Бухоро вилояти	72	39	32				3	3	3	11	22	16				54			4	13	12		1	1			
3	Жиззах вилояти	51	22	18					2	2	7	14	11				41			3	6	5						
4	Қашқадарё вилояти	94	76	58				2	5	5	18	38	27				62			12	32	25		1	1			
5	Қорақалпоғистон Р.	72	49	36				5	6	3	3	21	14	1	1	1	56			7	20	17		1	1			
6	Навоний вилояти	57	41	26	9	11	3	2	3	3	5	16	13				36			4	10	6	1	1	1			
7	Наманган вилояти	72	47	42				1	3	3	13	33	29				54			4	10	9		1	1			
8	Самарқанд вилояти	108	57	51				7	9	9	20	40	35				77			3	7	6	1	1	1			
9	Сирдарё вилояти	44	27	20				3	4	4	6	15	10				32			3	8	6						
10	Сурхондарё вилояти	75	41	34				4	6	5	9	19	17				58			4	15	11		1	1			
11	Тошкент вилояти	143	138	116	3	3	1	26	28	26	30	77	68				70			14	30	21						
12	Тошкент шаҳар	362	485	408				27	45	41	164	335	259	4	4	4	153	31	32	9	56	32	5	14	9			31
13	Фарғона вилояти	109	61	51				5	7	6	15	41	35				83	2	2	6	10	7		1	1			
14	Хоразм вилояти	66	28	20				1	2	2	10	18	11				51			4	7	6		1	1			

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган 10-жадвал маълумотларига асосан йирик солиқ тўловчиларнинг жами 14 та ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, асосий йирик солиқ тўловчилар Тошкент шаҳрида 408 тани ташкил этиб, кейинги ўринларда Тошкент вилоятида 116 тани, Қашқадарё вилоятида 58 тани, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 51 тадан ташкил этадиган бўлса, энг кам 18 та йирик солиқ тўловчи Жиззах вилоятида эканлигини кўришимиз мумкин.

Мезонлар кесимида “Соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100,0 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар ва доимий муассасалари” мезонига кирувчи энг кўп йирик корхоналар Тошкент шаҳрида бўлса, ушбу мезон бўйича энг сони кам корхона Жиззах ва Хоразм вилоятларида ташкил этмоқда. “Халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи ва уларнинг таркибига кирувчи юридик шахслар” мезонига кирувчи асосий корхоналар ҳам Тошкент шаҳрида жойлашганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, “Акциз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва акциз тўланадиган хизмат кўрсатувчи корхоналар” мезонига кирувчи асосий корхоналар ҳам Тошкент шаҳрида 41 тани ва Тошкент вилоятида 26 тани ташкил этган бўлса, Жиззах ва Хоразм вилоятларида энг кам 2 тадан йирик корхоналар ушбу мезонга тўғри келиши таҳлил қилинди. “Углеводород ҳом ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар” мезонига кирувчи йирик корхоналарнинг 32 таси Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 25 таси Қашқадарё вилоятида рўйхатдан ўтганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадваллар асосида йирик солиқ тўловчиларнинг сонининг вазирликлар ва ҳудудлар кесимида уларнинг белгиланган мезонлар асосида таҳлил қилган бўлсак, бу солиқ тўловчиларнинг соҳалар бўйича айримларининг молиявий-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш орқали уларнинг давлат бюджетидagi фискал хусусияти қанчалик аҳамиятли эканлигини кўриб чиқамиз.

**“O'zbekiston metallurgiya kombinati” АЖнинг 2017-2021 йиллар
молиявий натижалари таҳлили⁴⁵(млрд.сўмда)**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1	Жами даромадлар	1 981,7	4 821,2	5 388,8	5 613,0	8 590,3
	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	1 799,6	4 678,6	5 260,7	5 299,3	8 352,8
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	29,5	39,4	42,2	71,1	123,6
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	152,6	103,2	85,9	242,6	113,9
2	Жами харажатлар	1 900,2	4 414,8	4 965,3	5 321,8	6 827,9
	ишлаб чиқариш харажатлари	1 216,6	3 531,0	4 128,3	4 337,1	5 629,7
	давр харажатлари	331,2	567,5	597,2	622,6	854,9
	молиявий фаолият бўйича харажатлар	352,4	316,4	239,8	362,1	343,2
3	Соф фойда (зарар)	70,5	339,9	352,6	220,3	1 471,5
4	Рентабеллик	3,6	7,1	6,5	3,9	17,1
5	Иш ҳақи фонди	215,5	297,9	377,5	516,3	717,0
	Ишчилар сони	9 653	10 232	12 582	12 797	12 437
6	Бюджетга жами тўланди:	151,0	282,6	433,8	194,1	1 244,5
	ҚҚС	83,4	177,3	240,1	18,1	566,7
	Фойда солиғи	12,2	58,8	108,2	30,1	357,4
	Ер қазидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,7	0,4
	Акциз солиғи	0,0	0,0	0,8	0,0	-0,8
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2,2	4,4	9,4	10,5	8,6
	Мол-мулк солиғи	6,3	3,2	10,6	13,6	7,2
	Ер солиғи	5,1	4,5	7,0	9,0	10,6
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	30,4	33,3	56,0	55,9	122,6
	Бошқа солиқлар	11,4	1,1	1,8	56,2	171,9
7	Фойдаланилган солиқ имтиёзлари	0,0	560,4	346,9	13,1	9,0

11-жадвал асосида “O'zbekiston metallurgiya kombinati” АЖнинг 2017-2021 йиллар молиявий натижаларини таҳлил қилганимизда қуйидагилар маълум бўлди. Жамиятнинг жами даромадлари 2017 йилда 1981,7 млрд.сўмни, 2018 йилда 4821,2 млрд.сўмни, 2019 йилда 5388,8 млрд.сўмни, 2020 йилда 5613 млрд.сўмни, 2021 йилда 8590,3 млрд.сўмни ташкил қилиб, жами даромадларнинг ошиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, корхонанинг даромадларнинг ошиши билан биргаликда жами харажатларнинг ҳам ошганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, жами харажатлар 2017 йилда 1900,2 млрд.сўмни, 2018 йилда 4414,8 млрд.сўмни, 2019 йилда 4965,3 млрд.сўмни, 2020 йилда 5321,8 млрд.сўмни, 2021 йилда 6827,9 млрд.сўмга ошган.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Корхонанинг соф фойдаси 2017 йилда 70,5 млрд.сўмни, 2018 йилда 339,9 млрд.сўмни, 2019 йилда 352,6 млрд.сўмни, 2020 йилда 220,3 млрд.сўмни, 2021 йилда 1471,5 млрд.сўмни ташкил этган. Корхона томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинганда 2017 йилда имтиёзлардан фойдаланмаган бўлса, 2018 йилда 560,4 млрд.сўм, 2019 йилда 346,9 млрд.сўм, 2020 йилда 13,1 млрд.сўм, 2021 йилда 9 млрд.сўмлик имтиёздан фойдаланган бўлиб, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2660-қарорига асосан имтиёздан фойдаланганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги жадвал асосида металлургия соҳасидаги корхона таҳлил қилинган бўлса, қуйидаги жадвал асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси бўйича таҳлил қиламиз.

12-жадвал.

“Қизилқумцемент” АЖнинг 2017-2021 йиллар молиявий натижалари таҳлили⁴⁶(млрд.сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1	Жами даромадлар	1 246,1	1 706,8	1 745,6	2 337,9	2 001,6
	Махсулотларни сотишдан соф тушум	1 121,2	1 660,0	1 682,7	2 221,0	1 906,8
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	7,5	11,7	18,3	22,4	23,1
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	117,4	35,1	44,6	94,6	71,6
2	Жами харажатлар	950,0	1 054,6	1 404,1	1 592,8	1 701,3
	ишлаб чиқариш харажатлари	642,1	787,7	1 023,6	1 233,7	1 196,7
	давр харажатлари	183,0	252,8	378,3	345,3	388,3
	молиявий фаолият бўйича харажатлар	125,0	14,1	2,2	13,8	116,3
3	Соф фойда (зарар)	49,8	338,8	274,5	590,0	228,3
4	Рентабеллик	4,0	19,8	15,7	25,2	11,4
5	Иш ҳақи фонди	177,1	203,4	221,6	238,8	253,4
	Ишчилар сони	3 493	3 577	3 669	3 519	3 453
6	Бюджетга жами тўланди:	416,5	586,6	428,9	679,6	350,4
	ҚҚС	126,6	217,2	144,6	140,9	44,3
	Фойда солиғи	2,7	16,3	72,4	169,2	82,6
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	4,5	4,6	175,8	169,7	184,3
	Акциз солиғи	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,2	0,6	1,2	0,6	1,0
	Мол-мулк солиғи	15,8	9,2	8,2	4,0	5,2
	Ер солиғи	0,4	0,5	0,6	169,7	4,0

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	29,5	31,0	25,8	25,4	29,2
	Бошқа солиқлар	236,7	307,2	0,3	0,1	-0,1
7	Фойдаланилган солиқ имтиёзлари	0,0	0,3	0,1	0,0	26,3

Юқоридаги 12-жадвал орқали “Қизилқумцемент” АЖнинг 2017-2021 йиллар молиявий натижаларини таҳлил қилганимизда, жамиятнинг жами даромадлари 2017 йилда 1246,1 млрд.сўмни, 2018 йилда 1706,8 млрд.сўмни, 2019 йилда 1745,6 млрд.сўмни, 2020 йилда 2337,9 млрд.сўмни, 2021 йилда 2001,6 млрд.сўмни ташкил қилиб, жами даромадлар 2017-2020 йилларда ошган бўлса, 2021 йилда “пандемия” сабабли камайганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда, корхонанинг жами харажатлари ҳам ошиш тенденциясига эга бўлиб, жами харажатлар 2017 йилда 950 млрд.сўмни, 2018 йилда 1054,6 млрд.сўмни, 2019 йилда 1404,1 млрд.сўмни, 2020 йилда 1592,8 млрд.сўмни, 2021 йилда 1701,3 млрд.сўмни ташкил қилган.

Таҳлиллар натижасида корхонанинг соф фойдаси 2017 йилда 49,8 млрд.сўмни, 2018 йилда 338,8 млрд.сўмни, 2019 йилда 274,5 млрд.сўмни, 2020 йилда 590 млрд.сўмни, 2021 йилда 228,3 млрд.сўмни ташкил этганлигини кўрсатмоқда. 2017-2020 йиллар давомида корхона томонидан деярли солиқ имтиёзларидан фойдаланмаган бўлса, 2021 йилда 26,3 млрд.сўм миқдоридан солиқ имтиёзини қўллаган.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар орасида энергетика соҳаси корхоналари ҳам ўз мавқега эга бўлиб, 5-жадвал маълумотларига кўра энергетика соҳасига кирувчи корхонани бўйича таҳлил қиламиз.

13-жадвал.

“Таллимаржон иссиқлик электр станцияси” АЖнинг 2017-2021 йиллар молиявий натижалари таҳлили⁴⁷ (млрд.сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1	Жами даромадлар	902,3	1 237,1	2 111,2	2 177,4	4 078,9
	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	899,4	1 203,9	2 037,3	2 083,5	3 735,2
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	2,0	32,8	5,3	2,3	20,9
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	0,9	0,4	68,6	91,6	322,8
2	Жами харажатлар	897,9	1 205,1	2 336,8	3 091,2	2 945,7
	ишлаб чиқариш харажатлари	815,5	1 147,1	1 867,3	1 686,8	2 174,9

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

	давр харажатлари	80,2	57,0	88,6	329,3	353,4
	молиявий фаолият бўйича харажатлар	2,2	1,0	380,9	1 075,2	417,5
3	Соф фойда (зарар)	3,9	31,3	-225,7	-913,8	1 064,5
4	Рентабеллик	0,4	2,5	-10,7	-42,0	26,1
5	Иш ҳақи фонди	30,3	35,4	41,7	47,0	73,8
	Ишчилар сони	1 845	1 528	1 440	1 363	1 315
6	Бюджетга жами тўланди:	96,8	124,1	125,8	112,1	443,0
	ҚҚС	54,6	72,1	105,8	89,8	284,4
	Фойда солиғи	0,5	0,4	0,8	1,3	128,6
	Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Акциз солиғи	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	16,4	0,3	0,1	0,3	0,8
	Мол-мулк солиғи	19,1	45,6	12,1	12,2	14,1
	Ер солиғи	2,3	2,3	2,6	3,3	6,8
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3,3	3,8	4,4	5,2	8,2
	Бошқа солиқлар	0,6	-0,4	0,0	0,0	0,0
7	Фойдаланилган солиқ имтиёзлари	0,0	3,4	2,9	1,1	1,0

13-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Таллимаржон иссиқлик электр станцияси” АЖ корхонасининг 2017-2021 йиллар молиявий натижалари таҳлили орқали қуйидагиларни кўриш мумкин: жамиятнинг жами даромадлари 2017 йилда 902,3 млрд.сўмни, 2018 йилда 1237,1 млрд.сўмни, 2019 йилда 2112,2 млрд.сўмни, 2020 йилда 2177,4 млрд.сўмни ташкил этиб, кўшимча ишлаб чиқариш лойиҳасининг амалга оширилиши ҳисобига 2021 йилга келиб кескин ошиб, 4078,9 млрд.сўмни ташкил қилган. Шунингдек, корхонанинг жами харажатлар эса 2017 йилда 897,9 млрд.сўмни, 2018 йилда 1205,1 млрд.сўмни, 2019 йилда 2336,8 млрд.сўмни, 2020 йилда 3091,2 млрд.сўмни, 2021 йилда 2945,7 млрд.сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Корхонанинг соф фойдаси 2017 йилда 3,9 млрд.сўмни, 2018 йилда 31,3 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда -225,7 млрд.сўм, 2020 йилда -913,8 млрд.сўм зарар сабаби билан чиқиб, 2021 йилда 1064,5 млрд.сўмга ошган. 2019-2020 йиллардаги зарар корхонани модернизация қилиш жараёнида харажатларнинг ошиши ва валюта кредитларини қайтаришдаги курснинг ўзгариши сабабли келиб чиққанлиги аниқланди. Корхона томонидан бюджетга жами тўланган солиқлари 2017 йилда 98,4 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, йилдан-йилга ошиш тенденциясига эга бўлиб, 2021 йилда 443 млрд.сўм солиқ тўловларини амалга оширган. Шунингдек, корхона

томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинганда 2018 йилда 3,4 млрд.сўм ҳажмида, 2019 йилда 2,9 млрд.сўм ҳажмида, 2020 йилда 1,1 млрд.сўм ҳажмида ва 2021 йилда 1 млрд.сўм ҳажмида имтиёзлардан фойдаланганлиги маълум бўлди.

Енгил саноат корхоналари ҳам йирик солиқ тўловчи корхоналари орасида ўз ўрнига эга бўлиб, қуйидаги жадвал асосида енгил саноат соҳаси корхонасининг молиявий ҳолатини таҳлил қиламиз.

14-жадвал.

“Textile technologies group” МСНЖ ХКнинг 2017-2021 йиллар молиявий натижалари таҳлили⁴⁸ (млрд.сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1	Жами даромадлар	67,9	95,0	109,2	156,7	196,9
	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	58,8	90,3	103,9	139,6	166,4
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0,4	0,4	1,1	8,6	4,3
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	8,7	4,4	4,2	8,5	26,2
2	Жами харажатлар	67,1	98,0	116,4	214,3	213,7
	ишлаб чиқариш харажатлари	45,8	85,0	93,2	137,2	131,2
	давр харажатлари	6,0	7,6	5,6	19,7	45,2
	молиявий фаолият бўйича харажатлар	15,2	5,4	17,6	57,3	37,3
3	Соф фойда (зарар)	0,7	-3,0	-7,2	-57,6	-16,8
4	Рентабеллик	1,0	-3,2	-6,6	-36,7	-8,5
5	Иш ҳақи фонди	5,3	6,4	16,8	12,3	10,5
	Ишчилар сони	959	1 086	1 500	577	970
6	Бюджетга жами тўланди:	-3,1	-6,2	-18,4	0,1	-36,0
	ҚҚС	-3,8	-7,0	-21,0	-2,9	-39,1
	Фойда солиғи	0,0	0,2	0,1	-0,2	0,0
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Акциз солиғи	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,4	-0,1
	Мол-мулк солиғи	0,0	0,0	0,0	0,3	0,2
	Ер солиғи	0,1	0,0	0,5	1,1	1,3
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	0,4	0,5	1,8	1,6	1,3
	Бошқа солиқлар	0,1	0,0	0,2	-0,2	0,3
7	Фойдаланилган солиқ имтиёзлари	0,0	0,0	0,0	0,3	0,0

14-жадвалда “Textile technologies group” МСНЖ ХК корхонасининг 2017-2021 йиллар молиявий натижаларини таҳлил қилганимизда қуйидагилар маълум бўлди. Жамият томонидан жами даромадлар 2017 йилда 67,9 млрд.сўмни, 2018 йилда 95,0 млрд.сўмни, 2019 йилда 109,2 млрд.сўмни, 2020 йилда 156,7 млрд.сўмни, 2021 йилда 196,9 млрд.сўмга ошиб, даромадлар

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йилдан-йилга ошиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, корхонанинг жами харажатлари 2017 йилда 67,1 млрд.сўмни, 2018 йилда 98,0 млрд.сўмни, 2019 йилда 116,4 млрд.сўмни, 2020 йилда 214,3 млрд.сўмни, 2021 йилда 213,7 млрд.сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин. Корхонанинг 2017 йилда 0,7 млрд.сўм зарар билан чиққан бўлса, ушбу зарар 2018 йилда - 3,0 млрд.сўмни, 2019 йилда -7,2 млрд.сўмни, 2020 йилда -57,6 млрд.сўмни, 2021 йилда - 16,8 млрд.сўмни ташкил қилган. Корхона томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинганда 2020 йилда 0,3 млрд.сўм ҳажмида имтиёзлардан фойдаланганлиги маълум бўлди.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирган, республикамиз бўйича ягона газ оператори бўлган “Ўзтрансгаз” АЖнинг молиявий натижаларини ўрганамиз.

15-жадвал.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2017-2021 йиллар молиявий ҳолати таҳлили⁴⁹

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1	Жами даромадлар	11 701,1	12 572,7	23 372,5	20 845,0	21 122,9
	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	7 704,6	11 175,4	19 245,0	18 322,8	18 381,4
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	55,6	78,9	708,7	530,1	2 032,3
	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	3 940,9	1 318,4	3 418,7	1 992,1	709,2
2	Жами харажатлар	13 000,7	13 955,2	25 416,1	24 528,9	23 638,7
	ишлаб чиқариш харажатлари	5 162,8	10 271,0	16 892,9	19 583,3	20 828,3
	давр харажатлари	1 713,7	2 089,0	2 589,5	762,7	789,9
	молиявий фаолият бўйича харажатлар	6 124,2	1 595,2	5 933,6	4 182,9	2 020,5
3	Соф фойда (зарар)	-1 299,6	-1 382,5	-2 048,6	-3 683,9	-2 515,8
4	Рентабеллик	-11,1	-11,0	-8,8	-17,7	-11,9
5	Иш ҳақи фонди	12,1	13,9	22,7	84,0	432,9
	Ишчилар сони	306	274	425	1 996	6 309
6	Бюджетга жами тўланди:	2 117,4	2 376,2	2 788,8	3 969,1	3 241,3
	ҚҚС	426,7	53,9	234,0	962,9	724,7
	Фойда солиғи	184,3	231,9	77,2	9,1	-0,2
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	67,1	100,2	72,0	33,0	23,6
	Акциз солиғи	1 336,1	2 077,6	2 402,8	2 960,7	2 371,4
	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,0	1,5
	Мол-мулк солиғи	2,0	7,9	0,2	0,2	9,4
	Ер солиғи	0,1	0,1	0,1	0,1	52,5
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1,5	2,6	2,4	6,1	44,9
	Бошқа солиқлар	99,8	-97,9	0,0	-3,0	13,5
7	Фойдаланилган солиқ имтиёзлари	0,0	246,3	259,6	61,9	158,2

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

15-жадвалда “Ўзтрансгаз” АЖ корхонасининг 2017-2021 йиллар молиявий натижаларини таҳлил қилганимизда қуйидагилар маълум бўлди. Жамият томонидан жами даромадлар 2017 йилда 11701,1 млрд.сўмни, 2018 йилда 12572,7 млрд.сўмни, 2019 йилда 23372,5 млрд.сўмни, 2020 йилда 20845 млрд.сўмни, 2021 йилда 21122,9 млрд.сўмни ташкил қилиб, ошиш тенденциясига эга бўлган. Корхонанинг жами харажатлар ҳам ошиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2017 йилда 13000,7 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 23638,7 млрд.сўмни ташкил қилган.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида корхона фақат зарар билан ишлаган бўлиб, зарар суммаси 2017 йилда 1299,6 млрд.сўм, 2018 йилда 1382,5 млрд.сўмни, 2019 йилда 2048,6 млрд.сўмни, 2020 йилда 3683,9 млрд.сўмни, 2021 йилда 2515,8 млрд.сўм бўлганлигини кўришимиз мумкин. Йиллар давомида корхонанинг зарар билан ишлаш сабаблари ўрганилганда, табиий газ ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш ва истеъмолчиларга сотиш нархлари ўртасидаги фарқ туфайли келиб чиққанлиги аниқланди.

Корхона томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинганда 2018 йилда 246,3 млрд.сўм ҳажмида, 2019 йилда 259,6 млрд.сўм ҳажмида, 2020 йилда 61,9 млрд.сўм ҳажмида, 2021 йилда 158,2 млрд.сўм ҳажмида имтиёзлардан фойдаланганлиги маълум бўлди. Корхона томонидан тўланган солиқлар миқдори ҳам 2017-2020 йиллар давомида ошиб борган бўлиб, 2021 йилдан газ етказиб беришнинг бир қисми Худудгазтаминот АЖга ўтказилганлиги сабабли 2021 йил солиқ тушумларида камайиш бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадвалларда йирик солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинган бўлса, тадқиқотимиз давомида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланишини ҳам кўриб чиқамиз.

**Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда ҳудудлар кесимида
солиқ имтиёздан фойдаланган корхоналар таҳлили⁵⁰ (млрд.сўм)**

№	Ҳудудлар	Йиллар									
		2017		2018		2019		2020		2021	
		Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма
	ЖАМИ	35 765	15 592,2	56 272	19 731,3	68 113	29 136,0	93 871	31 065,6	58 202	42 089,0
1	Йирик солиқ тўловчилар	496	9 651,0	541	10 266,4	173	5 014,7	184	10 315,8	676	31 278,5
2	Қорақалпоғистон Р.	1 307	144,0	4 197	235,8	4 580	292,5	6 164	465,9	3 822	717,4
3	Андижон	2 820	270,5	4 371	500,4	4 813	3 846,5	6 199	391,2	4 370	370,4
4	Бухоро вилояти	1 290	406,0	4 314	555,2	5 083	805,7	6 328	645,3	4 880	698,2
5	Жиззах вилояти	5 736	136,3	2 337	200,6	4 420	354,6	3 008	172,3	1 956	202,8
6	Қашқадарё вилояти	1 885	519,6	5 364	494,9	5 274	993,3	7 449	688,1	4 442	452,7
7	Навоий вилояти	1 295	626,8	2 166	913,9	2 876	437,6	4 763	286,2	2 764	189,0
8	Наманган вилояти	2 327	242,7	3 604	318,4	3 945	601,5	5 094	453,0	3 544	500,3
9	Самарқанд вилояти	2 591	348,0	2 951	395,8	4 703	1 058,7	6 769	488,3	3 612	737,4
10	Сурхондарё вилояти	1 209	128,8	3 036	259,1	3 464	355,4	5 016	393,2	2 726	474,7
11	Сирдарё вилояти	711	92,6	1 436	155,1	1 746	396,1	2 197	223,9	1 447	196,8
12	Тошкент вилояти	2 817	392,6	3 555	543,0	4 754	3 070,5	7 076	2 325,8	3 968	770,6
13	Фарғона вилояти	2 818	274,0	4 317	380,9	5 050	885,6	7 670	445,2	4 820	595,2
14	Хоразм вилояти	1 204	318,0	4 348	711,1	3 819	456,1	5 453	612,3	3 960	381,7
15	Тошкент шаҳри	7 259	2 041,3	9 735	3 800,6	13 413	10 567,2	20 501	13 159,1	11 215	4 523,3

Мазкур келтирилган 16-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, республикамиздаги корхоналар фойдаланаётган солиқ имтиёзларининг салмоқли қисми йирик солиқ тўловчиларга тўғри келмоқда. Хусусан, йирик солиқ тўловчилардан 2017 йилда 496 та 9651 млрд.сўмлик, 2018 йилда 541 та корхона 10266,4 млрд.сўмлик, 2019 йилда 173 та 5014,7 млрд.сўмлик, 2020 йилда 184 та 10315,8 млрд.сўмлик ва 2021 йилда 676 та 31278,5 млрд.сўмлик имтиёздан фойдаланган бўлиб, йирик солиқ тўловчиларнинг 2019-2020 йилларда солиқ имтиёзларидан фойдаланишининг камайиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5755-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармони асосида бир қатор имтиёзларнинг бекор қилиниши сабабли юзага келганлиги маълум бўлди.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан адолатли, шаффоф ва узоққа мўлжалланган солиқ тизимини яратишга қаратилган солиқ ислохотлари иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳамда солиқ тўловчилар учун қулай ва манфаатли эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилини кўриб чиқишни тақозо этади.

17-жадвал.

Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили⁵¹

Т/Р	Бажарилган ишлар	Йиллар		
		2020	2021	2022 январь-август
1	Солиққа тортиш бўйича мурожаатларга берилган жавоблар	3725	2555	1845
	- my.soliq.uz (ЭДО)	994	578	384
	- Телеграм гуруҳлари орқали	2731	1977	1461
2	Солиққа оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришда қатнашиш бўйича (таклифлар киритиш)	102	105	78
4	Семинарлар ва брифинглар	8	69	27
5	Газета ва журналларида солиқ тўловчилар томонидан тез-тез тақдим этиладиган саволларга намуна жавоблар сифатида мақолалар бериб бориш	9	21	27
6	Йирик солиқ тўловчи вакиллари билан учрашув	33	4	5
7	Халқаро ташкилотлар билан амалга оширилаётган ислохотлар бўйича ташкиллаштирилган тадбирларда қатнашиш	9	13	36

Юқоридаги 17-жадвалда йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш борасида амалга оширилган ишларнинг таҳлилини кўриш мумкин. Бу борада йирик солиқ тўловчиларнинг 2020 йилда 3725 та, 2021 йилда 2555 та ва 2022 йилнинг январь-август ойларида 1845 та мурожаатларига жавоб берилганлигини кўрсатмоқда.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, солиққа оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича ҳар йили 100 га яқин таклифлар ишлаб чиқилганлиги, 2020 йилда 8 та 2021 йилда 69 та, 2022 йилнинг январь-август ойларида 27 та семинар ва брифинглар ташкил қилинган бўлса, солиқ тўловчилар томонидан тез-тез тақдим этиладиган саволларга намуна жавоблар сифатида оммавий ахборот воситаларида мақолалар бериб борилган бўлиб, доимий равишда йирик солиқ тўловчилар вакиллари билан учрашувлар ўтказилганлигини кўриш мумкин.

Таҳлиллар натижасида, йилдан-йилга халқаро ташкилотлар билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича ташкиллаштирилган тадбирлар, конференцияларда қатнашиш кўпайиб борганлигини кўрсатмоқда.

Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш билан биргаликда уларнинг ҳисобланган солиқларни тўлашда юзага келаётган муаммоларини таҳлил қиламиз.

18-жадвал.

Йирик солиқ тўловчилар солиқ қарзининг солиқ турлари бўйича таҳлили⁵² (млрд.сўмда)

№	Солиқ турлари	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022
I.	Жами	1 952	353	773	1 167
	<i>шу жумладан,</i>				
1	Кўшилган қиймат солиғи	144	100	164	361
2	Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи	498	57	62	68
3	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	43	88	17	69
4	Акциз солиғи	509	13	34	52
5	Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	358	0	37	264
7	Юридик шахслар мулк солиғи	288	19	23	52
8	Юридик шахслар ер солиғи	5	5	19	42
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4	2	1	1
10	Давлат улуши	0	6	199	55
11	Бошқалар	104	63	215	201

18-жадвал асосида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзи таҳлил қилинганда, 2019 йилда солиқ қарзи 1952 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йил ҳолатига ушбу қарздорлик кескин камайиб, 353 млрд.сўмни ташкил

⁵² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қилган. Бирок, 2021 йилга келиб солиқ қарзи яна ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 773 млрд.сўмни, 2022 йилда эса 1167 млрд.сўмни ташкил қилган.

Ушбу солиқ қарзларининг ўсиши таҳлил қилинганда, 2022 йилдаги солиқ қарздорлигининг 361 млрд.сўмини қўшилган қиймат солиғи, 264 млрд.сўмини ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ, 201 млрд.сўмини бошқа солиқлар ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Юқорида солиқ қарздорликларининг солиқ турлари кесимида таҳлил қилган бўлса, қуйидаги жадвал асосида ушбу солиқ қарздорлигини вазирликлар кесимида кўриб чиқамиз.

19-жадвал.

Йирик солиқ тўловчилар солиқ қарзининг тармоқлар бўйича таҳлили⁵³ (млрд.сўмда)

№	Корхона номи	Йиллар			
		2019	2020	2021	2022
I.	Жами	1 952	353	773	1 167
	<i>шу жумладан,</i>				
1	Навой КМК АЖ	0,7	0,0	0	0
2	Олмалик КМК АЖ	134	12	1	0
3	Ўзбекнефтегаз АЖ тармоғи	359	14	6	19
4	Ўзтрансгаз АЖ	6	0,0	15	0
5	Уяли алоқа компаниялари	0	19	1	0
6	Ўзавтосаноат АЖ тармоғи	11	1	138	0
7	Энергетика тармоғи	27	25	29	79
8	Банклар	63	36	8	13
9	Алкоголь ишлаб чиқарувчилар	0	5	6	24
10	Ўзкимёсаноат АЖ тармоғи	18	25	95	117
11	Ўзқурилишматериал АЖ тармоғи	5	0	1	1
12	Ўзметкомбинат АЖ тармоғи	18	0	42	0
13	Озиқ-овқат саноати ассоциацияси тармоғи	3	1	0	1
14	Ўздонмахсулот АЖ тармоғи	84	4	2	10
15	Ўзбекистон темир йуллари АЖ тармоғи	21	4	0	0
16	Ўзэлтехпром тармоғи	14	0	1	0
17	Ўзбекистон хаво йуллари АЖ тармоғи	1	0	1	0
18	"O'zbekengilsanoat" АЖ тармоғи	14	2	8	14
19	Бошқалар	1 175	207	419	889

Ушбу 19-жадвал маълумотлари асосида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ қарздорлиги тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, 2019-2022 йиллар таҳлили, тармоқлар кесимида бошқа тармоқ корхоналари бўлган йирик солиқ тўловчиларнинг қарздорлиги солиқ қарздорлигининг асосини ташкил

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қилганлигини кўришимиз мумкин. 2019 йилда жами солиқ қарздорлигининг 1175 млрд.сўмини, 2022 йилда эса 889 млрд.сўмини бошқа тармоқ корхоналари ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Бу қарздорликнинг асосини “Epsilon Development Company” МЧЖ 343,5 млрд.сўм ва хуфиёна фаолият юритиб, кейинчалик фаолият кўрсатмаётган корхоналар ташкил қилганлигини таҳлил қилинди.

Шунингдек, Ўзкимёсаноат АЖ тармоғидаги корхоналарнинг солиқ қарздорлиги 117 млрд.сўмни ташкил этиб, бу қарздорлик ҳудудий Агрокимёхимоя АЖ ларга тегишли бўлиб, бугунги кунда ушбу корхоналар фаолият юритмаётганлиги, улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан тугатилаётганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги жадваллар асосида солиқ қарздорлигининг солиқ турлари ва вазирликлар кесимида таҳлил қилган бўлсак, қуйидаги жадвал асосида фаолияти тўхтаб, солиқ қарздорлиги юқори бўлганлиги сабабли банкрот деб эълон қилинган йирик солиқ тўловчилар бўйича таҳлил қиламиз.

20-жадвал.

Йирик солиқ тўловчиларнинг банкротлик молиявий мақоми даражаси таҳлили⁵⁴

т/р	Йиллар	Жами банкрот деб эълон қилинган	Банкротликнинг таомили			Даъво ариза киритилган ҳолатга жами солиқ қарзи (млрд.сўмда)
			Умумий тартибда	Соддалаш -тирилган тартибда	Санация	
	ЖАМИ	38	12	25	1	1 158,5
1	2019	2	2			29,4
2	2020	4	4			7,1
3	2021	23	5	18		768,2
4	2022 январь-август ойлари	9	1	7	1	354,0

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу 20-жадвалда йирик солиқ тўловчилардан 2019 йилда 2 та, 2020 йилда 4 та, 2021 йилда 23 та ва 2022 йил январь-август ойларида 9 та корхона корхона “банкрот” деб эълон қилинганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу йирик корхоналарнинг 12 таси умумий тартибда, 25 таси содалаштирилган тартибда, 1 таса санация тартибида “банкрот” деб эълон қилинганлигини маълум бўлди. Ушбу корхоналарнинг банкротлик юзасидан киритилган даъво аризаси суммаси 1158,5 млрд.сўмни ташкил этади. “Банкрот” деб эълон қилинган йирик солиқ тўловчилардан 20 га яқини “хуфиёна” иқтисодий фаолият билан шуғулланган бўлиб, ушбу қарздорликлар солиқ ҳисобланмаганлиги сабабли уларда ўтказилган солиқ текширувлари ва жиноий иш доирасида ўтказилган текширувларда ҳисобланган солиқлар бўйича юзага келганлиги маълум бўлди.

Юқорида фаолият юритмаётган йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ қарздорликларини банкротлик асосида тугатиш ишлар таҳлилини кўриб чиқдик. Бугунги кунда солиқ тўловчиларга қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган (комиссиялар) иштирокисиз солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишнинг янги шаффоф механизми жорий қилинган. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан, кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ер қабридан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва айланмадан олинадиган солиқлар бўйича - Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Шу сабабли бугунги кунда фаолият кўрсатаётган лекин айрим молиявий сабаблар туфайли солиқ қарздорлигини тўлолмаётган йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ

қарздорлигини бўлиб-бўлиб тўлаш имконият берилишини ҳам ишимиз доирасида кўриб чиқамиз.

21-жадвал.

Солиқ кодексининг 97-102-моддаларига асосан, 2020-2021 йилларда солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган корхоналар таҳлили⁵⁵ (млрд.сўм)

№	Худуд	Жами		Шундан:								
				Солиқ кодекси бўйича		Жумладан:					Маҳаллий солиқлар бўйича	
						ҚҚС	Акциз	Фойда	Жисмоний шахслар даромад солиғи	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ		
Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сумма	Сумма	Сумма	Сумма	Сумма	Сумма	Сони	Сумма	
	ЖАМИ	81	692,3	75	690,9	596,8	1,5	80,7	5,5	6,3	6	1,4
1	Йирик солиқ Тўловчилар	19	435,7	19	435,7	364,7	0,0	65,3	0,8	5,0	0	0,0
2	Қорақалпоғистон Р.	3	140,5	3	140,5	140,1	0,0	0,1	0,0	0,2	0	0,0
3	Андижон	0	0,0	0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0	0,0
4	Бухоро вилояти	11	15,5	11	15,5	9,3	1,1	5,1	0,0	0,0	0	0,0
5	Жиззах вилояти	0	0,0	0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0	0,0
6	Қашқадарё вилояти	2	2,5	2	2,5	2,3	0,0	0,0	0,2	0,0	0	0,0
7	Навоий вилояти	3	0,9	3	0,9	0,8	0,1	0,0	0,0	0,0	0	0,0
8	Наманган вилояти	1	1,0	1	1,0	0,9	0,0	0,0	0,1	0,0	0	0,0
9	Самарқанд вилояти	4	0,1	1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	3	0,1
10	Сурхондарё вилояти	2	1,8	1	1,7	1,5	0,0	0,0	0,2	0,0	1	0,0
11	Сирдарё вилояти	5	6,0	5	6,0	2,4	0,3	3,1	0,2	0,0	0	0,0
12	Тошкент вилояти	11	8,9	9	7,6	3,9	0,0	3,5	0,2	0,0	2	1,3
13	Фарғона вилояти	0	0,0	0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0	0,0
14	Хоразм вилояти	0	0,0	0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0	0,0
15	Тошкент шаҳри	20	79,4	20	79,4	71,0	0,0	3,5	3,9	1,1	0	0,0

Келтирилган 21-жадвалда Солиқ кодексининг 97-102-моддаларига асосан 2020-2021 йилларда солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган корхоналар таҳлил қилиб чиқилди. Таҳлиллар натижасида йирик солиқ тўловчилардан 19 тасига 435,7 млрд.сўмлик солиқ қарздорлигини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилганлиги маълум бўлди. Ушбу сумманинг ҳаммаси солиқ кодексига асосан берилган бўлиб, унинг 364,7 млрд.сўми ҚҚС, 65,3 млрд.сўми фойда солиғи, 5 млрд.сўм ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа ва 0,8 млрд.сўм жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ташкил этади.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Йирик солиқ солиқ тўловчилар солиқ қарздорлиги келиб чиқиши, уларни ундириш, бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича имконият бериш борасида амалга оширилган ишларни юқорида кўриб чиққан бўлса, энди уларнинг солиқ қонунчилигига риоя этилиши ва ўз вақтида солиқ тўлиқ ва тўғри тўланиши юзасидан ўтказилган солиқ назорати натижадорлигини кўриб чиқамиз.

22-жадвал.

Йирик солиқ тўловчиларда ўтказилган солиқ назорати тадбирлари таҳлили⁵⁶

№	Йиллар кесимида	Жами солиқ назорати тадбирлари натижасида ҳисобланган		Шундан					
				Камерал назорат тадбирлар		Аудит текшируви		Сайёр текширув	
		сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма
1	2020 йил	181	1 776,8	181	1776,8				
2	2021 йил	1150	2 362,9	1003	1793,6	32	540,9	115	28,4
3	2022 йил январь-июнь	419	1 584,6	352	1065,9	16	503,3	51	15,4
ЖАМИ		1750	5 724,2	1536	4636,3	48	1 044,1	166	43,8

22-жадвал маълумотларида кўриниб турибдики, 2020 йилда фақатгина камерал солиқ текшируви тадбирлари ўтказилган бўлиб, бу текшириш натижасида 1776,8 млрд.сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган. 2021 йилда эса 1003 та камерал солиқ текшируви ўтказилиб, 1793,6 млрд.сўм қўшимча солиқ ҳисобланган бўлса, аудит текшируви натижасида 32 та корхонада 540,9 млрд.сўм, 115 та сайёр солиқ текширувида эса 28,4 млрд.сўм солиқ ҳисобланганлигини кўришимиз мумкин. 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 352 та корхонада ўтказилган камерал текширув натижасида 1065,9 млрд.сўмлик, солиқ аудити натижасида 48 та корхонада 503,3 млрд.сўмлик ва 51 та корхонада ўтказилган сайёр солиқ текшируви натижасида 15,4 млрд.сўмлик қўшимча солиқлар ҳисобланган. Бу таҳлиллар

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

натижаси шуни кўрсатмоқдаки, асосий солиқ назорати тадбирлари камерал солиқ текшируви натижасида аниқланмоқда.

Тадқиқот ишимизнинг мазкур банди бўйича умумий хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, йирик солиқ тўловчиларнинг миллий иқтисодиётимизни ривожланиши, ялпи ички маҳсулотни яратишда, юқори қўшимча қийматни ҳамда бюджет тизими бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги ролига муносиб равишда, ушбу турдаги солиқ тўловчиларга нисбатан давлатнинг солиқ сиёсатида алоҳида ёндашув яъни, уларга нисбатан алоҳида солиқ маъмурчилигини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш ҳам изчил амалга оширилиб келинмоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикамиздаги корхоналар фойдаланаётган солиқ имтиёзларининг салмоқли қисми йирик солиқ тўловчиларга тўғри келмоқда. Хусусан, йирик солиқ тўловчилардан 2017 йилда 496 та 9651 млрд.сўмлик, 2018 йилда 541 та корхона 10266,4 млрд.сўмлик, 2019 йилда 173 та 5014,7 млрд.сўмлик, 2020 йилда 184 та 10315,8 млрд.сўмлик ва 2021 йилда 676 та 31278,5 млрд.сўмлик солиқ имтиёзлари берилган.

2-боб умумий хулоса

Ҳозирги кунда, айниқса, Ўзбекистон шароитида солиқ сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири давлат бюджети бюджетларининг даромадларини шакллантиришда катта аҳамият касб этиб келаётган нисбатан солиқ тўловчи корхоналарга алоҳида солиқ режимлари сифатида солиқ маъмурчилигининг қўлланишидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, **биринчидан**, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, ишлаб чиқариш қуввати ҳамда мамлакат ғазнасига қўшадиغان ҳиссаси бир хил бўлмайди, бу уларнинг чуқур иқтисодий табақалашувидан далолат беради. Солиқ тўловчиларга нисбатан солиққа тортиш тамойилларида яғналилик ёндашув амал қилсада, бироқ, солиқ тўловчиларнинг ҳажмига нисбатан солиқ сиёсати (маъмурчилиги)ни юритиш жаҳон амалиётида ўз самарасини бериб келмоқда; **иккинчидан** йирик қувватга эга бўлган корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг товар

(хизмат, иш)лар айланмасининг таркибий тузилмаси анча мураккаб бўлади, уларни эътиборга олган ҳолда уларга нисбатан алоҳида солиқ режимини қўллаш фойдали ҳисобланади; **учинчидан**, ҳар қандай олинган миллий иқтисодиёт доирасида корхоналарни уларнинг кўламига қараб гуруҳлаган ҳолда иқтисодий сиёсат юритиб келинади ва уларнинг иқтисодий салоҳияти баҳоланиб, фискал салоҳияти ҳам аниқланади.

Солиқ тўловчиларнинг фискал салоҳиятини баҳолаб бориб, уларни алоҳида гуруҳлар доирасида таҳлил қилишни ва шунга мос солиқ сиёсатини амалга оширишни тақозо этади. Бундан кўринадики, солиқ тўловчиларни кўлабийлик жиҳатдан солиққа тортиш турли йўналишдаги алоҳида солиқ маъмурчилигини тақозо этади. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига солиқ тўловчиларни киритиш асосида уларни солиққа тортишнинг ўзига хос ёндашувлар асосидаги солиқ маъмурчилигини қўллаш кўп бўлмаган бўлсада, аммо бу борада ўзига хос тажрибаларни шакллантириш эволюцион жараён давом этмоқда. Тадқиқот иши доирасидаги таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, бугунги кунда йирик солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчилиги давлат солиқ хизмат органлари томонидан қуйидаги йўналишларда амалга оширилиб келинмоқда:

йирик солиқ тўловчилар ҳисобини ташиқил этиши ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш;

йирик солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича солиқ назоратини ташиқил этиши;

йирик солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажариши бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириши;

йирик солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиши, аниқлаш ва олдини олиши бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириши ва шу кабилар.

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш маъмурчилигининг шаклланишини тавсифлайдиган кўрсаткичлардан бири бу йирик солиқ тўловчилар тоифалари кирувчи корхоналарнинг фаолият турлари ва соҳалар бўйича сонининг динамик ўзгариш ҳолати ҳисобланади. Бу тоифадаги корхоналарнинг сони 2019 йилда 1416 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг бошида бу кўрсаткич 957 тани ташкил қилган ҳолда, уларнинг сони камайганлигини кўрсатади. Бунга асосий сабаб бу тоифага кирувчи корхоналарни аниқлаш мезонларининг бирмунча ўзгартирилганлиги, шунингдек, тижорат банклари, товар, фонд ва валюта биржалари тоифасига кирувчи ташкилотларнинг сонининг кескин қисқариши ва айрим солиқ тўловчиларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятидаги нобарқароликлар сабаб улар бу тоифадаги корхоналар мезонларига тўғри келмай қолганлиги ҳамда Навоий КМК АЖ, Олмалик КМК АЖ ва уларнинг таъсисчилигидаги ташкилотлар таркибидаги корхоналар сонининг қисқариши бошқа шу каби омиллар бўлган. Йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ турлари кесимида Ўзбекистон давлат бюджети солиқ тушумларида улуши 2018-2020 йилларда ўсиб борган. Ушбу кўрсаткичнинг 2021-2022 йилларда ўртача бир фоизга камайиши эса тоғ-кон металлургия комбинатлари учун белгиланган фойда солиғи ва ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ ставкаларининг пасайтирилганлиги туфайли юзага келган. Йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети солиқли даромадлар кесимидаги улушида унинг фискал хусусияти эгри солиқларга нисбатан тўғри солиқлар доирасидаги юқори аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларнинг фискал аҳамияти жуда юқори ҳисобланади. Бу аҳамият барча йирик солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улушининг юқорилиги, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи “донор солиқ тўловчи”лар, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи нефт-газ тармоғи корхоналари томонидан республика бюджетидаги улушининг юқорилигида кўринади.

III-BOB. ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ КОРХОНАЛАРГА НИСБАТАН СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга ошириш хориж тажрибаси ва унинг қиёсий таҳлили

Дарҳақиқат таъкидлаш лозимки, солиқ тўловчиларни турли хил хусусиятларига кўра, тоифаларга ажратиш, уларнинг бу хусусиятларини ижтимоий-иқтисодий нуфузи жиҳатидан ёндашган ҳолда уларга нисбатан алоҳида солиқ режимларига асосланган маъмурчиликни қўллаш тажрибаси дунё мамлакатларида анчайин такомиллашиб бормоқда. Албатта, бундай ёндашувларнинг асосий ўзагига қарайдиган бўлсак, бир томондан солиқ тўловчиларнинг фаолиятини давлатнинг молиявий инструментларидан самарали фойдаланиш асносида давлатнинг молия сиёсатини соддалаштиришга қаратилган бўлса, бошқа томондан ҳар қайси давлатнинг бош фискал масаласи бўлган давлат бюджети даромадларини қулай ва максимал даражада шакллантиришга қаратилган сиёсатнинг самарадорлигига эришишдан иборат бўлади. Бу эса, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлаш, уларнинг фаолиятини солиқлар воситада оптимал бошқариш масалаларини ривожлантириш боришни тақозо этади.

Тадқиқот ишимизнинг қуйида ана шу масалаларни айрим хорижий давлатлардаги амалий ҳолатни ҳамда бу борада давлатнинг иқтисодий (солиқ) сиёсатининг хусусиятларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бунда биринчи навбатда, солиқ солиш механизмлари ўхшаш бўлган мустақил ҳамдўстлик давлатлари давлатларидаги тажрибасини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Масалан, Россия Федерациясида субъект кўриб чиқиладиган тоифага тегишли эканлигини белгилаб берувчи мезонлар Федерал солиқ хизмати томонидан белгиланади. Ушбу мезонлар вақти-вақти билан мамлакатдаги мавжуд иқтисодий вазиятга қараб ўзгартирилиб турилади. Амалдаги қонунчиликда юридик шахслар (йирик солиқ тўловчилар) рўйхати

келтирилган бўлиб, у тегишли даражада солиқ солиш предметига мувофиқ уларни назорат қилишни фарқлашни (минтақавий, федерал даражадаги назоратни) назарда тутди. Тўловчини йирик тоифасига киритиш учун қўйидагилар ҳисобга олинади:

1. Молиявий-иқтисодий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари (МИХ). Корхонанинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланади.

2. Солиқ ҳуқуқ муносабатларининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро боғлиқлик мезонлари, компаниянинг ўзаро боғлиқ тузилма фаолияти ва унинг иш натижаларига таъсири даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.

3. Хўжалик юритувчи субъектда муайян фаолият турини амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) мавжудлиги.

4. Таҳлил қилинаётган корхона ишини доимий мониторинг қилиш натижалари ва шу кабилар.

Россия Федерациясида йирик солиқ тўловчиларнинг мезонлари қўйидаги тартибда аниқланади:

Минтақа даражасида:

ҳисобланган федерал солиқлар ҳажми:

- алоқа хизматлари -75 млн. рублдан -300 млн. рублгача.
- транспорт хизматлари - 30 млн. рублдан -50 млн. рублгача.
- фаолиятнинг бошқа турлари - 30 млн. рублдан -50 млн. рублгача.
- сотишдан тушган тушумнинг умумий ҳажми - 1 млрд. рублдан -20

млрд. рублгача.

Активлар - 1 млрд. рублдан -20 млрд. рублгача. Кўрсаткичлар охириги 3 йил ичидаги ҳар қандай йил учун ҳисобланади. Белгиланган мақом мкўрсаткич пасайган йилидан кейин 3 йил ичида сақланиши белгиланган. Бундан ташқари, йирик солиқ тўловчилар сифатида нафақат тижорат ташкилотлари, балки нотижорат ташкилотлари ҳам тан олинishi мумкин.

**Россия Федерациясида йирик солиқ тўловчилар тоифасига
киритиш мезонлари⁵⁷**

Кўрсаткич	Федерал даражаси	Минтақа даражаси
Ҳисобланган солиқларнинг умумий суммаси	1 млрд.рублдан	2-20 млрд.рубль
Олинган даромадларнинг умумий суммаси	20 млрд.рублдан	
Корхона активлари	20 млрд.рублдан	100 миллиондан 20 миллиард рублгача
Ходимларнинг ўртача сони	–	50 кишидан

Агар ташкилот транспорт ва алоқа соҳасида хизмат кўрсатиш билан шуғулланса, унда бу кўрсаткич 300 млн. рубл. миқдорида ўрнатилади. Ташкилот ушбу мақомни олишни талаб қиладиган ҳудудларда баҳолаш мезонлари федерал йиғим тўловларнинг умумий қийматига тенг (75 млн.рубл. – 1 млрд. рубл) бўлади. Солиқ тўловчилар ушбу гуруҳга киритилганда, бир неча жиҳатларни ҳисобга олишга тўғри келади:

1. Федерал даражада иқтисодий фаолият субъектини аниқлаш учун шартлардан бирини ҳисобга олиш керак.

2. Минтақа доирасида солиқ тўловчини киритиш учун юқоридаги 23-жадвалда келтирилган барча шартларга риоя қилиш талаб этилади.

Агар жорий ҳисобот даврида юридик шахс йирик солиқ тўловчи сифатида идентификация қилинган тақдирда у бир қатор мезонларга жавоб беришдан тўхтади ва мақом икки йиллик муддат давомида унда сақланиб қолади. Солиқ тўловчилар бўлган корхоналар федерал ва минтақавий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Федерал даражаси: Ташкилот йирик солиқ тўловчи мақомини олиши учун у ҳисобланган маблағларнинг умумий миқдорида, олинган даромадлар

⁵⁷ Россия Федерацияси қонунчилигига асосан муаллиф томонидан тузилган.

ва активлар миқдорида чекловлар шартларидан камида биттасига жавоб бериши керак. Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари ўз қийматларига амал қилади. Хусусан, бу ерда мушофаа саноати соҳасида ишлайдиган фирмалар, шунингдек, стратегик компаниялар бўлади:

- Экспорт шартномалари бўйича миқдор – йилига 27 млн. рубл;
- тушум – умумий тушум миқдоридан 20% дан;
- ходимларнинг ўртача сони – 100 кишидан;
- давлат иштирокининг улуши – 50%дан.

Баъзан Федерал солиқ хизмати ушбу рўйхатга бир қатор мезонларга жавоб бермайдиган шахсларни киритишга қарор қилади.

Минтақа даражаси: Ушбу тоифага солиқ тўловчини киритиш учун у жадвалдаги барча шартларга жавоб бериши шарт. Федерал солиқ хизмати Федерал даражадаги корхоналар каби минтақавий миқёсдаги ташкилотни, у барча мезонларга жавоб бермаса ҳам, ушбу тоифага киритиш ҳуқуқи берилади.

Бугунги кунда Россия федерациясида йирик солиқ тўловчиларнинг асосийларидан бири бу – “РОСНЕФТЬ” компанияси ҳисобланади. Ундан кейин “ГАЗПРОМ” ва “ЛУКОЙЛ” компаниялари ўрин олган. Ушбу рўйхатга нефт саноати билан бир қаторда “Россия темир йўллари” ва “Россия Сбербанки” ҳам киритилган. Россияда йирик солиқ тўловчи мақомини олган ташкилотлар фаолият даражаси ва миқёсига қараб рўйхатдан ўтишга мажбур ҳисобланади. Солиқ тузилмалари, ўз навбатида, бевосита иштирок этмаган ҳолда солиқ қонунчилиги нормаларининг бажарилишини назорат қилади. Рўйхатга олиш жараёнида тегишли давлат идоралари қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- рўйхатга олиш сабабининг янги кодини бериш (биринчи 4 рақам солиқ хизматининг код белгиси, 5 ва 6 белгилар мақомини белгилаш мезони);
- юридик шахсларнинг ягона Давлат реестрига маълумотларни киритиш;

➤ 9-шакл(ЙСТҲО-йирик солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш)га мувофиқ хабарнома бериш (солиқ тўловчининг идентификация рақами, сабаб коди).

Мақом тегишли инспекцияда рўйхатдан ўтган пайдан бошлаб берилади. Бу туманлараро ва минтақалараро бўлиши мумкин. Йирик солиқ тўловчиларнинг ўзаро боғлиқликни аниқлаш жараёнида Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 105.1-моддаси нормалари муҳим рол ўйнайди. Ушбу мезон солиқ тўловчининг муносабатлари фаолиятнинг асосий йўналиши шартлари ёки натижаларига таъсир қиладиган вазиятда қўлланилиши мумкин. Бундай вазиятда нафақат солиқ тўловчининг ўзи, балки у билан ўзаро боғлиқ бўлган ташкилот ҳам энг йирик деб таснифланади.

Россияда Федерал даражага тегишли компанияларга қуйидагилар киритилади:

кредит ташкилотлари;

професионал даражада ишлайдиган қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари;

пенсия суғуртаси ва таъминот фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар;

суғурталаш, қайта суғурталаш, воситачилик операциялари билан шуғулланувчи компаниялар.

Шунингдек, амалиётда эътиборга олиш лозим бўлган қуйидаги бир нечта махсус вазиятлар мавжуд:

1. Нотижорат ташкилотларни, агар сотишдан олинган умумий даромад ва сотишдан ташқарида олинган тушумлар 20 млн. рублни ташкил этган бўлса, нотижорат ташкилотларга киритиш мумкин.

2. Йирик солиқ тўловчини қайта ташкил этиш чоғида унинг ҳуқуқий вориси ушбу мақомни уч йил давомида сақлаб қолиши мумкин.

3. Агар банкротлик бошланган бўлса, мақомнинг амал қилиниши тугайди.

4. Йирик солиқ тўловчилар сифатида Федерал солиқ хизматида ўтказилган банклар, лицензия бекор қилинган тақдирда, суд қарорига қадар мақомини сақлайди.

Россия Молия вазирлиги Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 83-моддасига мувофиқ йирик солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни ўзига хос хусусиятларини белгилаш ваколатига эканлиги белгилаб қўйилган. Россияда кейинги йилларда ташкилотларни, уларнинг умумий кўрсаткичлари 10 миллиард рублдан кам бўлишига қарамай, йирик солиқ тўловчилар бўйича идоралараро инспекцияларига ўтказиш тенденцияси кузатилмоқда. Энг йирик тоифага мансуб бўлган солиқ тўловчиларнинг маъмуриятчилиги махсус шароитларда амалга оширилади, Федерал солиқ хизмати томонидан уларнинг фаолиятини назорат қилиш бошқа компаниялар фаолиятига қараганда кўпроқ эътибор билан амалга оширилади.

Йирик солиқ тўловчилар учун Федерал солиқ хизматининг минтақалараро ва туманлараро инспекцияларининг аксарияти Москвада, йирик солиқ тўловчилар бўйича Федерал солиқ хизматининг баъзи туманлараро инспекциялар Санкт-Петербург, Новосибирск, Қозон, Екатеринбург, Кемерово каби шаҳарларда жойлашган.

Худудий эмас, балки тармоқ маъмуриятчилиги тамойили, жойлашуви Сибир ёки Урал бўлган солиқ тўловчининг Москвада жойлашган йирик солиқ тўловчилар бўйича Федерал солиқ хизматининг минтақалараро ёки туманлараро инспекциясида рўйхатдан ўтишга ва шунга мувофиқ бошқа шаҳарга ҳисобот беришга, ёзишмаларни жўнатишга ва уларнинг вакилларини юборишга мажбур бўлган вазиятни келтириб чиқаради. Тармоқ ихтисослашуви доирасида маъмуриятчилиги муайян тармоқда йирик солиқ тўловчилар бўйича Россия Федерал солиқ хизмати инспекциялар ходимлари томонидан ўзига хос тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни предметли ўрганиш учун имкон беради.

Бу ҳолат, ўз навбатида, йирик солиқ тўловчилар устидан яқинроқ назоратни кафолатлайди. Шу билан бирга, тармоқ инспекциялар ишида

таҳлилий ишлар - ўхшаш солиқ тўловчиларни таққосланадиган шароитларда таққослаш, салоҳиятли қоидабузарликларни танлаб олиш ва гипотезани шакллантириш, солиқ рисклари тизимини тўлдиришга катта эътибор берилади.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича Россия Федерацияси бюджетига киримларининг катта улуши, йирик солиқ тўловчилар бўйича Россия Федерал солиқ хизмати минтақалараро ва идоралараро инспекциялар таркибидаги ўзгаришлар ҳамда йирик солиқ тўловчиларни маъмуриятчилигини тартибга солувчи норматив ҳужжатлардаги ўзгаришлар йирик солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги тизимини ислоҳ қилиш келажақда ҳам ривожланишни давом этишини кўрсатмоқда.

Шунингдек, йирик солиқ тўловчилар билан ишлашда Россия Федерал солиқ хизмати биринчи навбатда солиқ мониторингига – солиқ назорати шаклига таянади, бу нафақат инспекция ва солиқ тўловчи ўртасида (онлайн форматда) қулай ўзаро таъсирни назарда тутаяди, балки дастлабки босқичда солиқ рискларини аниқлаш имкониятига қаратилган.

Мустақил давлатлар тажрибасини Қирғизистон Республикаси мисолида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини кўриб чиқамиз. Қирғизистон Республикасининг Солиқ кодексининг 102-моддасига асосан йирик солиқ тўловчилар тоифаси Қирғизистон Республикаси Ҳукумати белгилаб берган мезонларга мувофиқ белгиланади. Қирғизистон Республикаси Ҳукуматининг 2011 йил 7 апрелдаги “Солиқ маъмуриятчилиги қоидалари ва тартиби тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Йирик солиқ тўловчиларни аниқлаш мезонлари ва тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган бўлиб, қуйидаги шартлардан бирига жавоб берган солиқ тўловчилар йирик солиқ тўловчилар таркибига киритилади. Жумладан:

- охириги 12 ой ичида танланган бухгалтерия усули ва белгиланган стандартларга мувофиқ товарларни, ишларни, хизматларни сотишдан тушадиган маблағлар:

а) савдо фаолиятдан 50,0 млн.сом ва ундан юқори тушум бўлган солиқ тўловчилар;

б) “а” банддан ташқари солиқ тўловчилар учун 20,0 млн.сом ва ундан юқори тушум бўлган солиқ тўловчилар;

- охирги 12 ойда ҳисобланган ва тўланган солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдори 2,5 млн.сомдан ошган солиқ тўловчилар;

- соф активлари қиймати (мажбуриятларни олиб ташлаган ҳолда) 5,0 млн.сомдан ошган солиқ тўловчилар ва шу кабилар.

Белоруссия Республикаси йирик солиқ тўловчилар тоифасига шартларга жавоб берувчи Беларуссияни ташкилотлари ҳисобот йилининг 1 октябргача таҳлил қилиниб, навбатдаги йилнинг 1 январидан йирик солиқ тўловчи мақоми берилади ва икки йил давомида сақланиб қолинади. Беларуссия Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига мувофиқ йирик солиқ тўловчилар солиқ назоратининг ўзига хос хусусиятлари келтириб ўтилган.

Йирик солиқ тўловчилар рўйхатига киритиш учун, ўтган солиқ даври мобайнида 207,6 млн.беларус рублидан кам бўлмаган миқдорида даромад кўрган, бироқ ўтган солиқ даври мобайнида 16,2 млн.беларус рублидан кўп бўлган миқдорида солиқ тўлаган, шунингдек, ҳисобга олинган ва тўланган кўшилган қиймат солиғи ўртасидаги фарқ 16,2 млн.беларус рублидан кўп бўлган солиқ тўловчилар кириши мумкин.

Қозоғистон Республикасида йирик солиқ тўловчиларни “йирик солиқ тўловчиларнинг мониторинги” шаклида назорат қиладилар. Қозоғистон Республикаси Солиқ кодексини 130-моддасига асосан мониторингга тушадиган йирик солиқ тўловчилар ҳисобот йилининг 1 октябргача аниқланади ҳамда 31 декабргача ваколатли орган томонидан тасдиқланади ва 2 йил давомида мониторингда бўлади.

Мониторингга тушадиган йирик солиқ тўловчилар қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- активларининг баланс қиймати 325000 баробар ойлик ҳисоб кўрсаткичидан кам бўлмаган (бир ойлик ҳисоб кўрсаткичи 3063 тенге);

- ишчи-ҳодимлар сони 250 кишидан кам бўлмаган.


Украинада эса солиқ тўловчилар қуйидаги мезонлар асосида йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилади:

- бюджетга охириги 4 чорақда бюджетга тўланган солиқлар – 1 млн.евро⁵⁸;

- охириги 4 чорақда олинган даромад - 1,5 млн.евро

Тожикистон Республикасида йирик солиқ тўловчилар балл тизими асосида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги мезонлар асосида 6 ва ундан юқори баллга эга бўлса автоматик тарзда йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилади.

Қуйидаги 10-расмда Тожикистон Республикасида йирик солиқ тўловчиларнинг йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилиши кўрсатилган.



10-расм. Тожикистон Республикасида йирик солиқ тўловчиларни аниқлаш тизими⁵⁹

⁵⁸ Бунда йирик солиқ тўловчилар мақомини белгилашда Украинанинг гривен пул бирлиги қиймати еврога нисбатан курсда ҳисобланади.

⁵⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида мустақил ҳамдўстлик ташкилотларига аъзо давлатларда қайси мезонлар асосида йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилишини ўрганган бўлсак, қуйида бошқа хорижий давлатларда йирик солиқ тўловчилар тоифасига қайси мезонлар асосида киритилишини кўриб чиқамиз.

Германияда йирик солиқ тўловчиларни аниқлашда қўлланиладиган тармоқ мезонлари қуйидагилардан иборат: савдо - 7,3 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 280 000 евродан ортиқ фойда, ишлаб чиқариш - 4,3 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 250 000 евродан ортиқ фойда, Фринлансерлар - 4,7 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 580 000 евродан ортиқ фойда, молия муассасалари - 140 миллион евродан ортиқ ҳақиқий соф активлар қиймати ёки 560 000 евродан ортиқ фойда, суғурта компаниялари - 30 миллион евродан ортиқ суғурта мукофотларидан тушум - қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик компаниялари - ерга асосланган иқтисодий қиймати 230 000 евро ёки 125 000 евродан ортиқ фойда, бошқа корхоналар - 5,6 миллион евродан ортиқ товар айланмаси ёки 330,000 евродан ортиқ фойда.

Францияда эса товар айланмаси 400 миллион евродан ортиқ (ҚҚС ёки ялпи активлардан ташқари) ва 50 фоиздан ортиқ боғланган (тўғридан-тўғри ёки билвосита) компаниялар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилади.

Шунингдек, Австралияда 250 миллион Австралия долларидан ортиқ товар айланмасига эга корхоналар йирик солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланса, Грецияда эса, 20 миллион евро дан ортиқ товар айланмаси мавжуд корхоналар, фонд биржасида рўйхатга олинган ва товар айланмаси 10 миллион евродан ортиқ бўлган барча банклар, суғурта бошқа компаниялар, шунингдек, ҳажмидан қатъи назар трансчегаравий операцияларни амалга оширадиган барча солиқ тўловчилар йирик солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида юритилиши бўйича хорижий давлатлардаги мезонларни қуйидаги 11-расм маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.



11-расм. Хорижий давлатларда йирик солиқ тўловчиларни аниқлаш мезонлари⁶⁰

Юқоридаги 11-расмдан кўриш мумкинки, ўрганилган Австралия, Австрия, Чили, Финляндия, Германия, Италия, Япония, Янги Зеландия, Норвегия, Буюк Британия, АҚШ, Колумбия, Коста Рика, Кипр, Индонезия, Морокко, Сингапур, Таиланд, Канада ва Финляндияда йирик солиқ тўловчилар асосан товар айланмаси, даромади ва активлари йирик солиқ тўловчиларни аниқлашнинг мезони сифатида белгиланган бўлса, Дания, Швеция, Аргентина ва Бразилияда товар айланма ва ходим сони мезон ҳисобланади. Ҳиндистонда маълум бир товар айланма ва акциз солиғи тўловчилар йирик солиқ тўловчилар ҳисобланса, Белгия, Чехия, Греция, Венгрия, Ирландия, Исроил, Мексика, Нидерландия, Португалия, Польша, Словакия, Испания, Туркия, Болгария, Хорватия, Латвия, Литва, Руминия, Саудия Арабистони ва ЖАРда товар айланма, тўланган солиқлар ва аниқ

⁶⁰www.oecd.org/tax/forum-on-tax-administration/database/Table%20A02.5.%20Large%20taxpayer%20operations-20Identification%20criteria%20used%20in%202013.xlsx. сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

соҳалар бўйича йирик солиқ тўловчилар шакллантирилади. Шу билан бир каторда Исландия, Корея, Люксембург, Швейцария, Мальта ва Эстонияда солиқ тўловчилар алоҳида йирик солиқ тўловчилар тоифага ажратилмаганлиги, улар учун умумий тартибда солиқ маъмуриятчилиги юритилиши маълум бўлди.

Диссертация ишимизнинг мазкур банди бўйича амалга оширган илмий-назарий таҳлилларимиздан келиб чиқиб айрим хулосаларни келтириш мумкин:

биринчидан, айрим хорижий давлатлардаги амалий ҳолатни ҳамда бу борада давлатнинг иқтисодий (солиқ) сиёсатининг хусусиятларидаги умумий ўхшашликлар шундан иборатки, аксарият давлатларда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлаш мезонларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, йиллик товар айланмаси, ишловчи ходимлар сони каби мезонларга асосланган;

иккинчидан, жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга оширишда уларнинг солиқ тўлаш имкониятларини эътиборга олган ҳолда солиқ имтиёзларини бериш, уларда солиқ назоратини ўтказиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг мавқеидан келиб чиқиб ёндашувларни кузатиш мумкин;


учинчидан, жаҳо амалиётида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги ва Ўзбекистондаги бу борадаги солиқ сиёсатида ўхшаш ва фарқли жиҳатларда миллий иқтисодиётнинг хусусиятлари муҳим рол ўйнамоқда. Ўзбекистонда асосий ёндашув солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва давлат бюджетини даромадларини бир маромда шакллантириш нуқтаи назар асосий омил бўлса, бу хорижий тажриба хусусиятларига мос келади, шу билан биргаликда, солиқ тўловчилар мезонини аниқлашда Ўзбекистондаги амалиёт хорижий давлатлар тажрибасидан анчайин фарқланиш ҳолатига эга.

3.2. Ўзбекистон солиқ тизимда йирик солиқ тўловчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва тартиблашда солиқ маъмурчилигининг таъсирчанлигини ошириш йўналишлари

Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, йирик солиқ тўловчилар фаолиятини ташкил этиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини, солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ҳамда методологиясини тубдан такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг солиқ юқини янада камайтириш, бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириш, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этиш борасида бир қатор муҳим амалий жиҳатдан ижобий ўзгаришларга эришилди.

Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарорида ҳам мамлакатимиз солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларга оид давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ устувор вазифалар ҳам белгилаб берилган. Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ

инспекцияси тўғрисида Низом”нинг қабул қилиниши йирик солиқ тўловчи тоифасига кирувчи корхоналар фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш ва тартиблаш йўналишларида кескин қадамлар қўйилди. Бироқ, биз диссертация иши доирасидаги илмий тадқиқотларимиз, бу борада бир қатор муҳим муаммолар мавжуд, ҳамда амалдаги механизмларнинг баъзиларини янада такомиллаштириш зарурати туғилган мазмундаги хулосаларга олиб келмоқда. Шу борада биз бу каби муаммолар ва мавжуд амалий механизмларни янада такомиллаштириш бўйича илмий мулоҳазаларимизни келтириб ўтамыз.



12-расм. Йирик солиқ тўловчига оид солиқ маъмурчилиги борасидаги муаммолар йўналишлари⁶¹

⁶¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган 12-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга оширишда бир катор йўналишларда муаммолар мавжуд бўлиб, бу муаммоларнинг ўз моҳиятига эга. Шу муносабат билан тадқиқотимизнинг кўйида қайд этилган муаммоларнинг ечимлари ва амалдаги мавжуд механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ илмий асосга эга бўлган илмий-амалий тавсия ва таклифларимизни илмий баёнини келтирамиз.

Бугунги кунда йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигидаги мавжуд муаммолардан бири бу йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлашда қўлланиладиган мезонлар билан боғлиқдир. Маълумки, Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомга кўра, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 100 миллиард сўмдан юқори бўлган ёки кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар, чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари (бўлинмалари) мезонига тўғри келадиган солиқ тўловчилар йирик солиқ тўловчи сифатида белгиланган. Аммо, бу мезон мамлакатдаги мавжуд инфляция даражаси, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қийматларининг ошиши нуктаи назаридан бугунги кун талабларига мос келмай қолмоқда.

Мазкур мезон 2019 йил товар айланмасидан келиб чиқиб ҳисобланган бўлиб, инфляция даражаси 2019 йилда 15,2 фоизни, 2020 йилда 11,1 фоизни, 2021 йилда 10 фоизни ва 2022 йилда 9 фоизни ташкил этиб, умумий ҳисобда 2019 йилга нисбатан 45 фоизга ошганлигини сабабли, шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ишловчи юридик шахсларни (жумладан кластерлар) улар бевосита маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда фаолият юритиши ва узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб, мазкур мезонга “маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 200 миллиард сўмдан юқори бўлган ёки кетма-

кет келадиган ўн икки ойлик давр якуни бўйича ушбу миқдордан ошган юридик шахслар, чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари, бундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахслар мустасно” деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар календарь йил якуни билан “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги Низом”нинг 4-бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар навбатдаги уч йил мобайнида йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолади. Бунинг натижасида эса, маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушуми 100 миллиард сўмдан кам бўлган солиқ тўловчиларни кейинги уч йил мобайнида йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолиши, мазкур корхоналар йирик солиқ тўловчи ҳисобланмасада йирик солиқ тўловчилар сонининг асоссиз кўпайишига ҳамда Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекциясининг иш юкламасининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар календарь йил якуни билан “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги Низом”нинг 4-бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар навбатдаги икки йил мобайнида йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолиши таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 12 июлдаги “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 3172-сон билан тасдиқланган Низомга асосан, Йирик солиқ тўловчилар рўйхатига киритилган ёки рўйхатидан чиқарилган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма равишда, шу жумладан солиқ

тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилиниши назарда тутилган. Лекин бугунги кунда йирик солиқ тўловчилар тоифасига ўтказиш учун Давлат солиқ қўмитаси томонидан тегишли қарор қабул қилиш мураккаб жараёнларни ташкил этиб келмоқда. Бундан ташқари йил якуни билан кейинги солиқ даври бошлангунга қадар бир ойдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарори асосан тасдиқланиши керак.

Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида биз қуйидаги илмий-амалий таклифларимизни илгари сурамиз. Бизнингча, мазкур Низом 7-банди талаблари татбиқ этиладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати ҳар йили йил якуни билан кейинги солиқ даври бошлангунга қадар бир ойдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғига асосан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек агарда ушбу Низомнинг 4-банди “д” кичик бандида кўрсатилгандан ташқари юридик шахслар солиқ мажбурияти юзага келган тақдирда, ушбу юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасига айнан шу пайтдан ўтказилади ва йил якуни билан кейинги солиқ даври бошлангунга қадар бир ойдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғига асосан тасдиқланиши “раисининг буйруғи” сўзлари билан тўлдириш таклиф этилади. Ушбу ҳолатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат терминологияда кўрсатилиши ҳужжат алмашинувини тезлаштириб, корхоналарга қулайликлар беради.

Шу билан биргаликда, ушбу Низомга асосан солиқ тўловчилар тоифасига киритилиши белгиланган қуйидаги бандларга ўзгартириш киритиш кераклигини таҳлил қилиб чиқилди:

- б) тижорат банклари, товар-хом ашё, фонд ва валюта биржалари;
- в) “Навоий КМК” ДК, “Олмалик КМК” АЖ ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар;
- е) углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар ва уларга товар (иш ва хизмат)

етказиб берувчи чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари (бўлинмалари), бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари мустасно.

Ушбу мезонларга қуйидаги сабабларга асосан ўзгартириш киритиш керак деб ҳисоблаймиз.

Халқаро молия ташкилотлари ва халқаро валюта жамғармаси (МВФ) томонидан молия секторида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилиши тавсия этилганлиги ва суғурта фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бўйича солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда айрим муаммолар юзага келмоқда. Бугунги кунда, Республика бўйича суғурта фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар 42 тани ташкил этиб, шундан 8 таси йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган. Қолган 34 тасининг солиқ маъмурчилиги ҳудудий солиқ органларида юритилмоқда. Аксар ўрганилган хорижий давлатларда (10-расм) молиявий фаолият кўрсатувчи юридик шахслар йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилганлигини кўришимиз мумкин.

Шу сабабли, мазкур низомнинг б) бандини *“тижорат банклари, товар-хом ашё, фонд ва валюта биржалари ҳамда суғурта фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар”* деб ўзгартириш таклиф қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4629-сонли қарори ҳамда “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6319-сонли фармонлари талабларидан келиб чиқиб, мазкур низомнинг в) бандини қуйидаги *“Қимматбаҳо металллар ва тошларни, шунингдек нодир, қора ва рангли метал рудаларини қазиб олиш билан шуғулланувчи юридик шахслар”* таҳририда ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

Солиқ кодексининг 36-моддасига асосан доимий муассаса деганда ҳар қандай бўлинма тушунилиши сабабли, ушбу низомнинг е) бандини

“углеводород ҳам ашёси ва минерал ресурсларни қазиб олувчи, қайта ишловчи, етказиб берувчи ва сотувчи ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи юридик шахслар ва уларга товар (иш ва хизмат) етказиб берувчи чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари. Бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари мустасно” таҳририда ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш бўйича солиқ кодексига йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирмайдиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ва бюджет ташкилоти ҳисобланган солиқ тўловчилар ўзлари жойлашган ерни маъмурий-худудий бирлик бўйсунувидан келиб чиқиб, барча солиқ ҳисоботларини мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига тақдим этилишини солиқ кодексига киритилмаган. Бу эса солиқ ҳисоботини тақдим этишда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур масалани ечиш учун Солиқ кодексининг 82-моддасида назарда тутилган Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибининг тўртинчи қисмига яъни Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирмайдиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ва бюджет ташкилоти ҳисобланган солиқ тўловчилар ўзлари жойлашган ернинг маъмурий-худудий бирлик бўйсунувидан келиб чиқиб, барча солиқ ҳисоботларини мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига тақдим этишини белгилаш керак деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган ва сиқилган газни якуний истеъмолчига реализация қилишда ундириладиган акциз солиғини асосан бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газни чакана сотувчи 3700 дан ошиқ ташкилот ва корхоналар томонидан тўлаб берилмоқда. Бу эса 3700 та корхона томонидан акциз солиғи бўйича хар ой ҳисобот тузади ва тўловни амалга ошириши туфайли уларнинг солиқ

маъмурчилиги қийинлашуви, бизнесга ортиқча иш ҳажмининг кўпайишига олиб келмоқда.

Солиқ маъмуриятчилигини янада соддалаштириш мақсадида якуний истеъмолчига сотилганда тўланадиган солиқни бензин, дизел ёқилғиси ва газга акциз солиғи билан бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда, бензин ва дизел ёқилғиси, суюлтирилган газ учун акциз солиғини тўлаш мажбурияти ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчига, табиий газга эса – уларни якуний истеъмолчига етказиб берувчига юкланади. Таклиф этилаётган тадбирлар акциз солиғи маъмурчилигини такомиллаштириш ва кичик бизнес субъектларининг солиқ мажбуриятларини бажариш харажатларини камайтиришга олиб келади. Бугунги кунда 3700 дан ошиқ корхона томонидан ҳар ойда солиқ ҳисоботлари топширилиши ва акциз солиғи тўланиши бекор бўлади. Бензин, дизел ёқилғисининг асосий етказиб берувчилари йирик солиқ тўловчи ҳисобланган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда импорт қилувчилар эканлигини ҳисобга олиб, таклиф этилаётган тузатишлар солиқ тўловчилар сонини қисқартириш ҳисобига маъмуриятчиликни осонлаштиради ва акциз солиғи турларини бюджет даромадларига салбий таъсир кўрсатмасдан унификация қилиш имконини беради. Акциз солиғи суммаси маҳаллий бюджетлар ўртасида аҳоли сонидан келиб чиқиб тақсимланади ва маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштириш манбаларидан бири ҳисобланади. Маълумот учун: 2022 йилнинг биринчи ярмида ёқилғи кўйиш шохобчаси томонидан тўланган акциз солиғи 1,5 трлн. сўм, нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар эса 255 млрд. сўмни ташкил қилади.

Бугунги кунда, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясида ҳисоби юритилаётган йирик солиқ тўловчилар томонидан бир ҳудуддаги ортиқча тўловларини бошқа ҳудуддаги солиқ қарздорлигига ўтказиб бериш юзасидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2016 йил 30 мартда №2771-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги, Давлат солиқ

қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитасининг “Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарори билан тасдиқланган йўриқноманинг 33¹-бандида муайян маъмурий-худудий бирлик ҳудудидаги давлат солиқ хизмати органида ҳисоби юритилаётган солиқ мажбурияти бўйича ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, бошқа маъмурий-худудий бирлик ҳудудидаги давлат солиқ хизмати органида ҳисоби юритилаётган солиқ мажбуриятини бажариш ҳисобига ҳисобга олиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бу эса йирик солиқ тўловчиларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда ва бир ҳудудда солиқ қарзи бўлган ҳолда бошқа ҳудуддаги ортиқча тўловларни солиқ тўловчиларнинг ҳисоб рақамларига қайтаришга тўғри келмоқда. Маблағларнинг солиқ тўловчиларнинг ҳисоб рақамларига қайтарилиши эса солиқ қарзини қоплашга эмас, балки бошқа мақсадларда (МИБ, иш хақи) ишлатилиб, солиқ қарзи ўсишига олиб келмоқда.

Ушбу муаммони ечиш мақсадида, муайян маъмурий-худудий бирлик ҳудудидаги давлат солиқ хизмати органида ҳисоби юритилаётган солиқ мажбурияти бўйича ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, бошқа маъмурий-худудий бирлик ҳудудидаги давлат солиқ хизмати органида ҳисоби юритилаётган солиқ мажбуриятини бажариш ҳисобига ҳисобга олиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормага “Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган солиқ тўловчиларнинг маъмурий-худудий бирликлар ҳудудидаги мажбуриятлари бундан мустасно” деган норма киритилиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда, қонун ҳужжатларида давлат улуши бўйича дивидендлар ва ажратмалар тўлаш муддатини бузган давлат корхоналарига таъсир чоралари назарда тутилмаган.

Муаммони ечими сифатида, давлат улушидан бюджетга дивидендлар ва ажратмаларни ўтказиш муддатлари бузилган тақдирда, солиқ органларига солиқ қарзларини ундириш бўйича назарда тутилган мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқини бериш ҳамда давлат улуши бўйича ҳисобланган

дивидендлар ва ажратмаларнинг 25 фоизини тўлаш ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнига қадар амалга ошириш тартибини белгилаш таклиф этилади.

Маълумки, бугунги кунда республикада интернет савдонинг ривожланиши, дунёнинг йирик компанияларининг электрон шаклдаги хизматларидан миллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда аҳоли томонидан истеъмол этилишига кенг имконият яратилмоқда. Аслида солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойили ҳамда халқаро солиққа тортиш амалиёти нуқтаи назаридан бу турдаги солиқ тўловчилар Ўзбекистон бозорида қулай даромад олишга имкон яратилган бўлсада, бироқ, олинган даромадлар бўйича Ўзбекистоннинг давлат бюджетига солиқ тўламай келмоқда. Бу эса, таъкидлаганимиздек, халқаро ва миллий солиққа тортиш нормаларига зид келиб қолмоқда. Жумладан бу турдаги корхоналар сирасига, Фасебук, Амазон, Гугл ва бошқаларни келтириш мумкин. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан олинган фойда солиғини тўлаш белгиланмаган. Масалан, 2020 йилдан бошлаб бундай корпорациялар учун Ўзбекистонда ҚҚС тўлаш мажбурияти кўзда тутилган.

Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида биз қуйидаги илмий-амалий таклифларимизни илгари сураемиз. Бизнингча, Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан даромад оладиган трансмиллий рақамли корпорациялар (Фасебук, Амазон, Гугл ва бошқалар) учун ҚҚС тўлаш мажбурияти билан бир қаторда фойда солиғини тўлаш мажбуриятини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда, фойда солиғи ставкасини 5 фоиз миқдорида белгилаш таклиф этилмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши анъанавий солиқ тизимининг имконияти чекланганлиги кўрсатди. Чунки, агар хориж тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, Франция, Испания, Италия, Буюк Британия, Австрия, Венгрия, Туркия каби давлатларда бу механизм қўлланилиб келинмоқда. Мазкур мамлакатларда даромад солиғи ставкаси ўртача 2% дан 7,5% гача белгиланган. Мазкур таклиф қабул қилинган тақдирда давлат бюджетига фойда солиғи тушуми қўшимча равишда 16 млрд.сўм тушиши ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Божхона ва солиқ органларида тўланган ҚҚС суммаси ўртасида ҳам муаммолар мавжуд. Божхона қонунчилигига асосан товарларни импорт қилишда тўланган ҚҚС суммаси битим қиймати бўйича ҳисобланган ҚҚС суммасидан ортиқ бўлганлиги сабабли, бюджетга тўловга чиқмасдан аксинча ҚҚС суммасини қайтариб беришга тўғри келмоқда. Хусусан, божхона қиймати бўйича 2020 йилда 1 трлн. сўм, 2021 йилда 1,4 трлн. сўм, 2022 йилнинг январь-август ойларида 1,2 трлн. сўмни ҚҚС тўланган.

Мисол учун, “Ўзавтомоторс” АЖ томонидан жорий йилнинг 8 ойида импорт ҳажми фактура қиймати 13 трлн. сўм бўлиб, божхона қиймати 16,6 трлн.сўм этиб белгиланганлиги ҳисобига, 2,5 трлн.сўм ҚҚС божхонага тўланган. Солиқ органларида 519 млрд.сўм ортиқча “зачет”га олинганлиги ҳисобига умуман тўлов амалга оширилмаган (тахминий ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил охиригача 875 млрд. сўм ортиқча тўлов бўлиши кутилмоқда).

Ушбу корхона мисолида божхона қиймати ва фактура қиймати ўртасидаги фарқ суммасидан тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳисобига 725 млрд. сўм солиқ қоплаб берилган, ўтган йилларга нисбатан йиллик ўсиш 16-18 фоизни ташкил этмоқда.

Худди шундай ҳолат бошқа товарлар бўйича ҳам кузатилиб, 457 та корхона бўйича йил охиригача 1,8 трлн. сўм “зачет” ҳисобига солиқ органларига импорт бўйича қўшилган қиймат солиғи тушмаслик хавфи мавжуд.

Мазкур муаммони ечими сифатида, Солиқ кодексининг 266-моддасига. “Тўланган солиқ суммаларини ҳисобга олиш” қуйидаги ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

(биринчи қисми) Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда, агар ушбу Кодекснинг 267-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали ушбу Кодекснинг 265-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган

солиқнинг умумий суммасини камайтиришга, қуйидаги шартларни бир вақтда бажарган тақдирда, ҳақли бўлади:

3) товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда битим (инвойс) қийматида ҳисобланган солиқ бюджетга тўланганда;

Хорижий тажрибалар ўрганилганда, кўпчилик давлатларда спирт маҳсулоти учун акциз солиғи ўртача 50 фоиз атрофида белгиланган. Бизда эса, спиртдаги акциз солиғи 6,2 фоизни ташкил этиб, 1 дал учун 14,9 минг сўмни ташкил этади. Муаммони ечими сифатида спиртга акциз солиғи ставкасини 1 дал учун 14,9 минг сўмдан 74,5 минг сўмгача индексация қилиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда 1 литр спиртда акциз солиғининг улуши 6,2% ни ташкил этади (1 литр спиртнинг нархи 23 905 сўм, акциз солиғи 1 490 сўм). Россияда бу кўрсаткич 54,8%, Қозоғистонда - 51,7%, Қирғизистонда - 26,3% ни ташкил этади.

Акциз ставкасининг 5 баравар ошиши билан 1 литр спиртдаги акциз солиғининг улуши 25% дан ошмайди, бу Россия ва Қозоғистондагига нисбатан 2 баравар паст.

Бугунги кунда, алкоголь маҳсулотларига акциз солиғи реализация қилинаётган акцизостии товарининг ҳажми ва туридан келиб чиқиб ҳисобланади ва алкогольли ичимликдаги спирт таркибига боғлиқ эмас.

Ушбу муаммо ечими сифатида акциз солиғи ставкалари акциз тўланадиган товарлар таркибидаги этил спирти улушидан келиб чиққан ҳолда (вино ва пиводан ташқари) белгилаш таклиф этилади. Маҳсулот таркибидаги спирт миқдоридан келиб чиқиб солиққа тортишга ўтиш ичимлик таркибидаги спирт ҳажмига мутаносиб равишда солиқ солиш имконини беради. Ушбу тартиб кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Россия ва Қозоғистонда амал қилади.

Шу билан бирга, янги тартибнинг жорий этилиши солиқ суммасини унинг инсон саломатлигига зарарли таъсиридан келиб чиқиб қайта тақсимлаш имконини беради.

Бугунги кунда Солиқ кодексига асосан банклар захира фондига ажратмаларнинг 80 фоизгача қисмини фойда солиғидан чегириш ҳуқуқига эга. Бу банклар томонидан тўланадиган фойда солиғининг кам тўланишига олиб келмоқда.

Муаммони ечими сифатида фойда солиғи бўйича чегирилиши мумкин бўлган захира фондига банк бадаллари миқдорини 80% дан 60% гача камайтириш.

2022 йил 1 январдан бошлаб фойда солиғидан ушлаб қолиниши мумкин бўлган банк захираларига ажратмалар ставкалари 100 фоиздан 80 фоизгача пасайтирилди, шу муносабат билан жорий йилнинг биринчи чораги учун фойда солиғидан қўшимча солиқ тушумлари қисқартирилди. 502 млрд.сўмни ташкил этди. Таклиф этилаётган тартибнинг қабул қилиниши йилига ўртача 502 млрд. сўм миқдорида қўшимча солиқ тушумларини таъминлаши ҳисоб-китоб қилинди.

Бугунги кунда қонунчиликда айрим муаммо мавжуд хусусан солиқ тўловчи келгуси чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар жорий чорақда кутилаётган фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Муаммони ечими сифатида солиқ ҳисоботларининг тақдим қилиш муддатларини унификация қилиш мақсадида муддатларни 10 санадан 15 санага кўчириш мақсадга мувофиқ. Таклиф этилаётган тартиб солиқ тўловчиларга 5 кундан кейин фойда солиғи бўйича аванс тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш ва кутилаётган фойда миқдорини янада аниқроқ прогноз қилиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 595-сон қарорига биноан, ҚҚСни ҳисобга олиш ҚҚС солиғи тўловчи сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги “фаол” гувоҳнома мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, мазкур норма Солиқ кодексига мавжуд эмас.

Муаммони ечими сифатида Солиқ кодексига амалдаги ҚҚС бўйича гувоҳномани рўйхатга олиш тартиби ва қоидалари, шунингдек, ҚҚС солиғи

тўловчи сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги “фаол” гувоҳнома мавжуд бўлган тақдирдагина ҚҚСни ҳисобга олиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани киритиш. Бунда, солиқ тўловчилар томонидан ҚҚС гувоҳномасини вақтинча тўхтатган кундан бошлаб бир ой муддатда камчиликлар бартараф этилган тақдирда, харид қилинган товар (хизматлар) бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқини бериш таклиф этилади.

Таклиф этилган ушбу тадбир натижасида солиқ органлари томонидан қўлланиладиган ҚҚС бошқаруви тизимининг ҳуқуқий мақомини ва мавжуд IT-ечимлар туфайли қўшимча солиқ тушумларини таъминлайди.

Йирик солиқ тўловчиларда солиқ назорати амалга оширишда ҳам бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, хусусан, Солиқ кодексининг 194-моддасида Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмда трансферт нархни белгилашда солиқ назорати доирасида назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текшириш (бундан буён ушбу бобда текширув деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан унинг жойлашган ери бўйича ўтказилиши белгиланган бўлиб, бунда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси назарда тутилмаганлиги турли муаммоларга олиб келмоқда.

Мазкур масалани ечиш учун Солиқ кодексининг 194-моддаси биринчи қисмга Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати доирасида назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текшириш (бундан буён ушбу бобда текширув деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва (ёки) Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан унинг жойлашган ери бўйича ўтказилиши белгиланиши нормаси киритилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини юритишга масъул бўлган йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тузилмаси солиқ маъмурчилигининг таъсирчанлигини

етарли даражада таъминлашда муаммолар мавжуд. Шу сабабли, биз инспекциянинг таркибий тузилмаларида қўшимча бўлим ва шўъбаларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини аниқлаштириш асосида йирик солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ маъмурчилигининг таъсирчанлигини ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқдик ва бу таклифлар ишимизнинг 2.1 бобида келтириб ўтилган.

Йирик солиқ тўловчилар маъмурчилигини амала оширишда, уларга хизмат кўрсатиш, “солиқчи-қўмакчи” тамойилини амалга оширишда амалга оширилаётган бир қатор ишлар билан биргаликда муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, йирик солиқ тўловчиларни мурожаатларни мазмунига қараб уларни мониторинг қиладиган ва ушбу бўйича камчиликларни бартараф этадиган тузилма мавжуд эмаслиги ҳам бугунги кундаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Муаммони ечими сифатида келиб тушган мурожаатлар мазмунига қараб мониторинг олиб борадиган ва натижаси бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш (қўшимча тўлдириш ёки бекор қилиш) юзасидан таклифларни киритиб боровчи алоҳида тузилма ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тузилма томонидан хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш КРІ тизимини ишлаб чиқиш. Бунда, хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифат кўрсаткичини белгилаб беради.

Шунингдек, Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатаётган ходимнинг:

- билим савияси етишмаслиги;
- ишлаш тезлиги пастлиги юзасидан шикоятлар тушаётганлиги;
- солиқ тўловчилар билан учрашувларда (шу жумладан, телефон орқали ҳам) солиқ органлари ходимлари томонидан қўпол муносабат қилинаётганлик ҳолатлари учраб турибди.

Муаммонинг ечими сифатида, солиқ органларида солиқ хизматларини кўрсатиш якуни бўйича хизмат турини ҳамда ходимнинг фаолиятини баҳолаш (Feedback) тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Йирик солиқ тўловчилар солиқ органларига мурожаат қилганда (телефон орқали ҳам), масала юзасидан кимга мурожаат қилишлиги тўғрисида йўналтирувчи тизим мавжуд эмаслиги, кўп вақт кутиб қолганлиги, телефонни кўтармаслик (телефон орқали мурожаат қилганда) юзасидан эътирозлар мавжуд.

Ушбу муаммони ечими сифатида қуйидагилар таклиф қилинади:

- Йирик солиқ тўловчилар томонидан солиқ органларига мурожаат қилишда (телефон орқали ҳам) мурожаат мазмуни бўйича тегишли тузилмага йўналтириш имконини яратиш ва электрон навбат тизимини жорий этиш (веб-сайт орқали).

- Call Марказ фаолиятини қайта кўриб чиқиш. Россия тажрибасига кўра Call Марказларда мурожаатлар билан ишловчи 2 та поғонада ишлар олиб борилади (оператор ва экспертлар). Бунда, солиқ органлари ходимларини эксперт сифатида Call Марказларга жалб қилиш.

- Мурожаатлар вақтини тўғри тақсимлаш мақсадида “Қайта кўнғироқ” қилиш имкониятини яратиш.

- Телефон орқали мурожаат қилганда телефонни кўтармаганлик ҳолатига бўйича автоматик тарзда тузилма раҳбарига (бошқа ходимга) йўналтирилиши имкониятини яратиш.

- Телефон орқали мурожаат этилганда, ушбу мурожаатни кейинчалик кўриб чиқишда фойдаланиш мақсадида истеъмолчига олдиндан хабар берган ҳолда махсус (аудио) техника воситалари орқали ёзиб олинishi мумкин.

Шунингдек, Йирик солиқ тўловчилар томонидан кўп бериладиган саволлар юзасидан жавобларни олиш имконияти йўқ. Солиқ органлари ходимлари ҳар хил характердаги фуқаролар (мурожаатчилар) билан мулоқотга киришганда (телефон орқали ҳам) зиддиятли ҳолатлар кўп кузатилмоқда.

Ушбу муаммони Йирик солиқ тўловчилар томонидан кўп бериладиган саволлар юзасидан оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда савол жавоб шаклидаги маълумотларни бериб борилишини кўпайтириш, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонунчиликлардаги янгилик тўғрисида

журнал, буклет, брошюра, эслатма, қўлланма ва бошқа тарқатма материалларни доимий равишда солиқ тўловчиларга етказиб бориш, Солиқ органлари ходимларини ҳар хил характердаги фуқаролар билан мулоқотда (телефон орқали ҳам) кирганда уларни зиддиятли вазиятлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида психолог дарсларини ҳам олиб бориш орқали бартараф этиш таклиф этилади.

3-боб бўйича хулоса

Солиқ тўловчиларни турли хил хусусиятларига кўра, тоифаларга ажратиш, уларнинг бу хусусиятларини ижтимоий-иқтисодий нуфузи жиҳатидан ёндашган ҳолда уларга нисбатан алоҳида солиқ режимларига асосланган маъмурчиликни қўллаш тажрибаси дунё мамлакатларида анчайин такомиллашиб бормоқда. Албатта, бундай ёндашувларнинг асосий ўзагига қарайдиган бўлсак, бир томондан солиқ тўловчиларнинг фаолиятини давлатнинг молиявий инструментларидан самарали фойдаланиш асносида давлатнинг молия сиёсатини соддалаштиришга қаратилган бўлса, бошқа томондан ҳар қайси давлатнинг бош фискал масаласи бўлган давлат бюджети даромадларини қулай ва максимал даражада шакллантиришга қаратилган сиёсатнинг самарадорлигига эришишдан иборат бўлади. Бу эса, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлаш, уларнинг фаолиятини солиқлар воситада оптимал бошқариш масалаларини ривожлантириш боришни тақозо этади. Бу борада қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

биринчидан, айрим хорижий давлатлардаги амалий ҳолатни ҳамда бу борада давлатнинг иқтисодий (солиқ) сиёсатининг хусусиятларидаги умумий ўхшашликлар шундан иборатки, аксарият давлатларда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарни аниқлаш мезонларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, йиллик товар айланмаси, ишловчи ходимлар сони каби мезонларга асосланган;

иккинчидан, жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга оширишда уларнинг солиқ тўлаш имкониятларини

эътиборга олган ҳолда солиқ имтиёзларини бериш, уларда солиқ назоратини ўтказиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг мавқеидан келиб чиқиб ёндашувларни кузатиш мумкин;

учинчидан, жаҳо амалиётида йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилиги ва Ўзбекистондаги бу борадаги солиқ сиёсатида ўхшаш ва фарқли жиҳатларда миллий иқтисодиётнинг хусусиятлари муҳим рол ўйнамоқда. Ўзбекистонда асосий ёндашув солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва давлат бюджетини даромадларини бир маромда шакллантириш нуқтаи назар асосий омил бўлса, бу хорижий тажриба хусусиятларига мос келади, шу билан биргаликда, солиқ тўловчилар мезонини аниқлашда Ўзбекистондаги амалиёт хорижий давлатлар тажрибасидан анчайин фарқланиш ҳолатига эга.

Бугунги кунда йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини амалга оширишда бир қатор йўналишларда муаммолар мавжуд бўлиб, бу муаммоларнинг ўз моҳиятига эга.

Ушбу муаммоларнинг ечимлари сифатида куйидаги илмий-амалий ва услубий таклифлар ишлаб чиқилди:

1) Йирик корхоналар тоифасига киритишда маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича олинадиган миқдор даражасини 200,0 миллиард сўмдан юқори бўлиши, шунингдек, мазкур мезонга жавоб бермай қолган тақдирда йирик солиқ тўловчи тоифасида қолдириш муддатини бир йил қилиб белгилаш лозим.

2) Йирик солиқ тўловчилар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ назоратини ташкил этиш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш ҳамда йирик солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш механизмларини амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

3) Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида худудлараро давлат солиқ инспекциясининг таркибида қўшимча равишда “Хавфни ва трансферт нархларини таҳлил қилиш бўлими”, “Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бўлими” ва “Акциз солиғи назорати шўъбаси”ни ташкил этиш ўз самарасини беради.

4) “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Uzbekistan Airways” АЖ мисолида товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби жорий қилиш зарур деб ҳисобланади.

5) Ўта йирик солиқ тўловчи тоифасига кирадиган (33 та тижорат банклари ҳамда 87 та йирик солиқ тўловчилар) олинадиган фойда солиғи суммасининг режадан оширилиган қисмини тўлалигича давлат бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш, солиқ тўловчилар манфаатларини уйғунлаштириш, шу орқали бюджетлар даромад манбалари кўпайтириш мақсадида худудларда қолдириш зарур саналади.

6) Йирик солиқ тўловчилар томонидан ишлаб чиқариладиган нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга доир суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган товар айланмаси экспорт таркибидан чиқариш ташлаб лозим.

7) Давлат улуши мавжуд барча юридик шахсларнинг ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар муассислигида тузилган юридик шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда мазкур платформадан ҳамкорликда фойдаланиш орқали дивидендлар ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни ҳисоблаш ва ундириш юзасидан ўзаро ахборот алмашиш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Диссертацион тадқиқот ишимизнинг илмий натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди ҳамда илмий-амалий ва услубий аҳамиятга эга бўлган айрим таклифлар ишлаб чиқилди:

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ мажбурияти юклатилган солиқ тўловчиларга йирик солиқ тўловчи сифатида алоҳида ажратилиб, уларга ўзига хос солиққа тортиш механизми ва солиқ маъмурчилигида уларнинг маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг ҳажми, аниқ солиқ тўловчилар, миллий иқтисодиёт учун муҳим бўлган ва рентабелли фаолият билан шуғулланиши каби мезонлар асосий мезон сифатида белгилаб олинган.

Йирик солиқ тўловчиларни солиқларнинг адолатлилик тамойили асосида солиққа тортиш масаласи, бир томондан жаҳон мамлакатларининг солиқ сиёсатида устувор масалалар сифатида қаралишга оид ёндашувлар кучайиб бораётган бўлса, ўз навбатида бу турдаги солиқ тўловчиларни солиққа тортиш ва уларга нисбатан солиқ маъмурчилигини амалга ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари ҳам кенг олиб борилмоқда.

Йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортиш, уларга нисбатан солиқ маъмурчилиги қўллаш амалиёти ва ундаги мавжуд муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотларга назарий таҳлилларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, илмий тадқиқотларда йирик солиқ тўловчиларни миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида баҳоланади;

иккинчидан, йирик солиқ тўловчилар сифатида солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш, уларга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллашга оид солиқ маъмурчилиги борасида қарашлар турлича бўлиб, мавжуд муаммоларнинг илмий ечимлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар даражаси ошиб бормоқда;

учинчидан, йирик солиқ тўловчиларга оид илмий тадқиқотларнинг аксарияти уларда солиқ назоратини тўғри амалга ошириш, уларнинг

фаолиятини, айниқса инновацион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш, уларга нисбатан қўлланиладиган давлатнинг солиқ сиёсатини такомиллаштириш, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини иқтисодиёт даражасидан келиб ўзгартириб бориш ва шу каби йўналишларда амалга оширилиб келинмоқда;

тўртинчидан, йирик солиқ тўловчиларнинг турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти юқорилигича қолмоқда, бу борадаги муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар кўпайиб бормоқда;

бешинчидан, амалга оширилган илмий тадқиқотларда йирик солиқ тўловчилар тоифасини белгилашга нисбатан уларга нисбатан солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар устуворликка эга бўлиб қолмоқда.

олтинчидан, Йирик солиқ тўловчилар категориясига берилган илмий таъриф танқидий жиҳатдан такомиллаштирилиб қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: “Йирик солиқ тўловчилар деганда, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича солиқ тўлаш мажбуриятлари, уларнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, уларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, расмий тасдиқланган мезонларга мос келувчи солиқ тўловчилар тушунилади”.

еттинчидан, Йирик корхоналар тоифасига киритишда маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича олинадиган миқдор даражасини 200,0 миллиард сўмдан юқори бўлиши, шунингдек, мазкур мезонга жавоб бермай қолган тақдирда йирик солиқ тўловчи тоифасида қолдириш муддатини бир йил қилиб белгилаш бу каби корхоналар фаолиятини тартибга солиш имконияти беради.

саккизинчидан, Йирик солиқ тўловчилар ҳисобини ташкил этиш ва улардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган солиқлар ва йиғимларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ назоратини ташкил этиш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатилишини амалга ошириш ҳамда йирик

солиқ тўловчилар маъмуриятчилиги доирасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, аниқлаш механизмларига амал қилиш давлатнинг бу борадаги солиқ сиёсатининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

тўққизинчидан, Йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг таркибида қўшимча равишда “Хавфни ва трансферт нархларини таҳлил қилиш бўлими”, “Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бўлими” ва “Акциз солиғи назорати шўъбаси”ни ташкил этиш ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг бу борадаги фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ўничидан, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Uzbekistan Airways” АЖ мисолида товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби жорий қилиш бу турдаги корхоналар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тўғри бошқариш имкониятини беради.

ўн биринчидан, Ўта йирик солиқ тўловчи тоифасига кирадиган (33 та тижорат банклари ҳамда 87 та йирик солиқ тўловчилар) олинадиган фойда солиғи суммасининг режадан оширилиган қисмини тўлалигича давлат бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш, солиқ тўловчилар манфаатларини уйғунлаштириш, шу орқали бюджетлар даромад манбалари кўпайтириш мақсадида ҳудудларда қолдириш маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромад базасини кенгайтиришга хизмат қилади.

ўн иккинчидан, Йирик солиқ тўловчилар томонидан ишлаб чиқариладиган нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга доир суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган товар айланмаси экспорт таркибидан чиқариш ташлаб бу бурдаги корхоналарга нисбатан солиқ маъмурчилигини адолатли амалга ошириш имкониятини беради.

ўн учинчидан, Давлат улуши мавжуд барча юридик шахсларнинг ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар муассислигида тузилган юридик шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда мазкур платформадан ҳамкорликда фойдаланиш орқали дивидендлар ва давлат корхоналарининг соф фойдасидан ажратмаларни ҳисоблаш ва ундириш юзасидан ўзаро ахборот алмашиш тизимини жорий қилиш ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг бу борадаги фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил 29 августдаги ЎРҚ-256-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-454-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни

1.7. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни

1.8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сонли “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни

1.9. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сонли “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Қарори

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги ПҚ-5274-сонли “Маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан солиқларни тўлашни кечиктириш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Қарори.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 августдаги 666-сонли “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.21. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон Қарори билан тасдиқланган.

1.22. Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон Қарори билан тасдиқланган.

1.23. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Хулосаси.

1.24. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисида”ги ҳисобот бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Хулосаси.

2. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Akhand, Z. Understanding the effects of coercive and persuasive tax compliance tools on large corporate taxpayers [online] // Journal of Australian Taxation. 2014. Vol. 16, No. 2. P. 206– 258.

- 2.2. Ambagtsheer-Pakarinen, L. Denmark – Corporate Taxation / L. Ambagtsheer-Pakarinen. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Denmark
- 2.3. R. Arnott, P. Petrova // NBER. 2002. 8913. – 41 pp.
- 2.4. Burg, P. France – Corporate Taxation / P. Burg. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – France
- 2.5. Cadosch, R. Switzerland – Corporate Taxation / R. Cadosch. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Switzerland
- 2.6. Conzales-Cotera, A. Spain – Corporate Taxation / A. Conzales-Cotera, J. Rubio Hipola. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Spain
- 2.7. Doom-Olejnicka, M. Poland – Corporate Taxation / M. Doom-Olejnicka. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Poland
- 2.8. Furuseth, E. Norway – Corporate Taxation / E. Furuseth. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Norway
- 2.9. Gallo, G. Italy – Corporate Taxation / G. Gallo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Italy
- 2.10. Gutierrez, C. Chile – Corporate Taxation / C. Gutierrez. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses Chile
- 2.11. Harberger, A.C. The Incidence of the Corporation Income Tax / A.C. Harberger // Journal of Political Economy. 1962. 70.3, – 215-240 pp.
- 2.12. Herm, M. Estonia – Corporate Taxation / M. Herm. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Estonia
- 2.13. Maher, A. Slovenia – Corporate Taxation / A. Maher. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Slovenia
- 2.14. Mill, John Stuart Principles of Political Economy with Some of their Applications to Social Philosophy. London: John W. Parker, retrieved 2012.
- 2.15. Mkrtchyan, T. Czech Republic – Corporate Taxation / T. Mkrtchyan. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Czech Republic
- 2.16. Morett, M.E. Mexico – Corporate Taxation / M.E. Morett, F.L. Cepeda. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Mexico

- 2.17. Obuoforibo, B. United Kingdom – Corporate Taxation / B. Obuoforibo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – United Kingdom
- 2.18. Oliveira, Braga, T. Portugal – Corporate Taxation / T. Oliveira Braga. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Portugal
- 2.19. Ostaszewska, O. Ireland – Corporate Taxation / O. Ostaszewska. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Ireland
- 2.20. Perdelwitz, P. Germany – Corporate Taxation / P. Perdelwitz. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Germany
- 2.21. Saw, R. Korea (Rep.) – Corporate Taxation / R. Saw. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Korea (Rep.)
- 2.22. Tiebout, C.M. A pure theory of local expenditures / C.M. Tiebout. – The journal of political economy.
- 2.23. Torma, L. Hungary – Corporate Taxation / L. Torma. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Hungary
- 2.24. To‘lakov, U.T. Soliqlar va soliqqa tortish: O‘quv qo‘llanma / U.T.To‘lakov, S.K.Xudoyqulov umumiy tahriri ostida. –Termiz: TerDU nashrmatbaa markazi, 2021. – 360 b.
- 2.25. Tulakov, U.T., The tax system of the Republic of Uzbekistan is at a new stage of development. Service Scientific-Practical Journal, 2019. 1(3), – 142-145 pp.
- 2.26. Verschueren, C. Luxembourg – Corporate Taxation / C. Verschueren et al. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Luxembourg
- 2.27. Yinger, John. Housing and Commuting: The Theory of Urban and Residential Structure. E-book version 1.4. Syracuse, NY: Maxwell School, Syracuse University, 2006.
- 2.28. Абдурахманов, О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. – М.: Издательство “Палеотин”, 2005. – 376 с.
- 2.29. Айтхожина, Г.С. Особенности планирования выездных налоговых проверок крупнейших налогоплательщиков // Вестник Омского университета. Серия: Экономика. 2011. № 1.С. 190–192.

2.30. Ашурова, Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси. – Т., 2018. - 247 б.

2.31. Белугина, М.В. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков: проблемы, пути совершенствования // Инновационное развитие экономики. 2015. № 5 (29). С. 27–30.

2.32. Богданкевич, Е.В. Актуальные вопросы налогового контроля крупнейших налогоплательщиков. финансы и кредит. 17 (401) – 2010.

2.33. Брусницын, С. В. Совершенствование механизма налогового контроля по НДС: становление и тенденции развития в системе налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012.

2.34. Вакуленко, К.Э. Крупнейшие налогоплательщики как вид усиленного контроля налоговых органов. Журнал. Бухгалтерский учет, статистика. № 9 (37) – 2014.

2.35. Васильев, А.М. Налоговый анализ в системе прогнозирования и планирования налогообложения на микроуровне. Автореферат к.э.н. Орел, 2012. – 33 с.

2.36. Гадоев, Э.Ф. ва бошқ. Билвосита солиқлар: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи. – Т.: NORMA, 2011. – 327 б.

2.37. Гафуров, У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2017. - 96 б.

2.38. Генри, Ж. “Прогресс и бедность” / Генри Жорж. перевод с английского С.Д.Николаева San Francisco, 1879. С. – Петербург, 1896. – 600 с.

2.39. Герасин, С.И. Проблемы формирования единого объекта недвижимости в Российской Федерации // Право собственности на землю в России и ЕС: правовые проблемы: сборник статей. М.: Волтерс Клувер, 2009. – 191-196 с.

2.40. Германова, М.А. Эволюция правового регулирования отношений с участием крупнейших налогоплательщиков. Бизнес в законе 4. 2015.

2.41. Гончарова Наталия Александровна, Сацукевич Владимир Андреевич. Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков в Российской Федерации и пути их решения. 2018 / Вестник Университета Российской академии образования. с. 2.

2.42. Дарькина, Ю.А. Особенности налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Interactive science. 3 (37) • 2019.

2.43. Егорова, Е.В. Налоговый анализ в организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – М., 2015. – 31 с.

2.44. Жумаев, Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. – Т., 2008. - 37 б.

2.45. Исроилов, Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари. Диссертация и.ф.д., Самарқанд, 2006. - 272 б.

2.46. Камалнев, Т.Ш. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2009.

2.47. Каратаев, А.С. Концепция налогового крупнейших налогоплательщиков и методология его оценки. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. Йошкар-Ола-2011.

2.48. Кенэ, Ф. Физиократы. Избранные экономические произведения / Ф. Кенэ, А.Р.Тюрго, П.С. Дюпон де Немур. –М.: Эксмо, 2008. –1200 с.

2.49. Кузиева, Н. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўллари. Т.: “Iqtisod-moliya”, 2006, – 296 б.

2.50. Курбанов, З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис. и.ф.д. – Т.; БМА, 2008. - 272 б.

2.51. Лукова, Л.Н., Букина, И.С. Налоговые системы зарубежных стран: учебник для бакалавриата и магистратуры. Юрайт. 2017. –428 с.

- 2.52. Майбуров, И.А. Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М., 2011. - 558 с.
- 2.53. Майбурова, И.А., Иванова, Ю.Б., Тарангул, Л.Л. Экономика налоговых реформ. Монография. – К.: Алерта, 2013. – 432 с.
- 2.54. Маликов, Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув кўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. - 556 б.
- 2.55. Маршалл, А. “Принципы экономической науки” / А. Маршалл. – М., Издательская группа “Прогресс”, 1993. – 350 с.
- 2.56. Михина, Е.В. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Михина Елена Владимировна. – М.: 2005. – 250 с.
- 2.57. Ниязметов, И.М. Солиқ юқини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: Молия, 2016. 192 б.
- 2.58. Ниязметов, И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2018. – 40 б.
- 2.59. Новосёлов, К.В. Консолидированные группы налогоплательщиков. Кто они? // Налоговая политика и практика. 2012. № 1. С. 34–39.
- 2.60. Нормурзаев, У.Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Дисс. автореферати. – Т., 2022. - 22 б.
- 2.61. Олимжонов О.О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи. Солиқ тўловчи журнали, 2006. №6.
- 2.62. Пардаев, М.Қ. ва бошқ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: Саностандарт, 2014. - 336 б.;
- 2.63. Пепеляев, С. Структура налоговой службы: время исправлять ситуацию // Экономика и жизнь. 2004. № 12., Актуальные проблемы законодательства и право при менительной практики налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Правовые проблемы

налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. М.: Волтерс Клувер, 2006.

2.64. Петти, У. Трактат о налогах и сборах. – М.: Ось-89, 1997. – 346 с.

2.65. Рикардо, Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное / Д. Рикардо. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

2.66. Самуэльсон, Пол А. “Экономика” / Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. – 18-е издание: пер. с англ. – М.: ООО “И.Вильямс”, 2007. – 1360 с.

2.67. Ситникова, О. В. Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва 2012.

2.68. Смирнов, Д.А. Теория и методология имущественного налогообложения: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.10 / Смирнов Денис Александрович. – М.: 2010. – 392 с.

2.69. Смирнов, Е.С. Налоговый анализ финансовых результатов коммерческой организации. Автореферат дисс. к.э.н. Орел, 2013. - 30 с.

2.70. Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. – М.: Эксмо, 2007. – 496 с.

2.71. Стегниенко, Е.С. Единый налог на недвижимое имущество как фактор устойчивого развития территорий // Вестник СГУГиТ, 2019. – №3.

2.72. Струкова, Л.А. Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Actualscience. 2016. Т. 2, №. 11. С. 269–271.

2.73. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004. - 160 б.

2.74. Тошматов, Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 204 б.

2.75. Тошмурадова, Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 128 б.

- 2.76. Тулаков, У.Т., Результаты налоговых реформ, осуществляемых в Узбекистане. Экономика и бизнес: теория и практика, 2020. (3-2), – 190-194 б.
- 2.77. Тургенев, Н.И. Опыт теории налогов / соч. Николая Тургенева. – СПб.: тип. Н. Греча, 1818. – 368 с.
- 2.78. Урмонов, Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография / Т.: Iqtisod-Moliya, 2018. - 240 б.
- 2.79. Федоров, А.Н. Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород 2010.
- 2.80. Харрисон, Ф. Налоги и рынок. Мертвый груз экономики / Ф. Харрисон, Г. Титова, Т. Роскошная. – СПб.: Фонд Земля и благосостояние общества, 1999. – 62 с.
- 2.81. Худойкулов, С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2019. - 77 б.
- 2.82. Ҳотамов, К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Диссертация и.ф.д. – Т., 2016. - 136 б.
- 2.83. Чипуренко, Е.В. Методология налогового анализа оценки влияния системы налогообложения деятельность коммерческих организаций. Автореферат д.э.н. М., 2011. - 52 с.
- 2.84. Юлдашев, О.Т. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. диссертацияси. – Т., 2011. - 22 б.
- 2.85. Юнак, А.А.. Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва 2009.
- 2.86. Янжул, И.И. Основные начала финансовой науки: Учение о государственных доходах / И.И. Янжул. – М.: “Страут”, 2002. – 555 с.

2.87. Яхёев, Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.

3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.1. <https://uza.uz/posts/58047> - 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

3.2. Налоговый кодекс Российской Федерации (часть вторая) от 05.08.2000 № 117-ФЗ (ред. от 27.11.2018) // Собрание законодательства РФ. 07.08.2000. – №32, – 3340 с.

3.3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж-1-32. А-Ҳ. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006.

3.4. Солиқлар (изоҳли луғат) / Т.Тошмуродов. -Т.: Мехнат, 2003. –184 б.

3.5. <http://www.doingbusiness.org> – (Doingbusiness – бизнес юритиш лойиҳаси).

3.6. <https://www.indexmundi.com> – (IndexMundi – бир нечта манбалардан тузилган батафсил мамлакат статистикаси, диаграммалар ва хариталарни ўз ичига олган сайт).

3.7. <https://taxfoundation.org> – (Солиқ фонди – Вашингтондаги таҳлил маркази).

3.8. <https://www.nalog.gov.ru> – (Россия Федерациясининг Федерал солиқ хизмати).

3.9. <http://www.gov.uz> - (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий сайти).

3.10. <http://www.lex.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

3.11. www.oecd.org - (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти).